

ЎЗБЕК ИСТИШИШ МЕЪЁРЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

**ИСТИШИШ,
ВЕНТИЛЯЦИЯ
ВА ҚОНДИЦИЯЛАШ**

ҚМҚ 2.04.05-97*

РАСМИЙ НАШР

ЎЗБЕК ИСТИШИШ РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА
ВА ҚОИДАЛАРИ ҚЎМИТАСИ
Тошкент 2011

УДК 69 - 696/697 (083.74)

ҚМҚ 2.04.05-97*. Иситиш, вентиляция ва кондициялаш / ЎзР Даврархитектқурилиш – Тошкент, АҚАТМ, 2011-212 бет.

ҚМҚ 2.04.05-97* тасдиқланган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ҚМҚ 2.04.05-97 нинг қайта нашридир.

ҚМҚ 2.04.05-97. Иситиш, вентиляция ва кондициялаш Ўз Р. Даврархитектқурилишқўми – Тошкент, 1997.

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ:ЎзЛИТТИ (т.ф.н. В.П. Ильин - мавзу раҳбари, т.ф.н. А.М. Комилов, т.ф.н. Е.А. Насонов, муҳандислар А.А. Ерзин, Р.Р. Қадиров), Ўзоғирсаноат АЖ (Л.П. Ложечкин - мавзу бўлимнинг раҳбари), ЎзР. ИИВ ЁСБ (А.Ҳ. Ёқубов, Р.А. Аблязис, М.Т. Иброҳимов, А.А. Пугин), Ўз Р. ССВ (ЎФА муҳб. Аз., т.ф.н. Т.И. Искандаров, т.ф.н. М.Р. Кўчқорова, т.б.ф.н. Л.А. Бочкарева), ТАҚИ (т.ф.н. Ю.К. Рашидов, т.ф.н. Д.З. Саидова, Т.М. Мамажонов).

ҚМҚ 2.04.05-97 ишлаб чиқишда СНИП 2.04.05-91 материалларидан фойдаланилган.

ЎзЛИТТИ АЖ томонидан КИРИТИЛГАН

МЎҲАРРИРЛАР: Т.Н. Набиев, Ф.Ф. Бакирханов, В.Д. Сташис (Даврархитектқурилишқўми), С.А. Хўжаев, Л.А. Мухамедшин, А.М. Комилов (ЎзЛИТТИ АЖ).

Тасдиқлашга Ўз Р. Даврархитектқурилишқўмининг лойиҳа ишлари бошқармаси томонидан ТАЙЁРЛАНГАН (Д.А. Ахмедов).

ҚМҚ 2.04.05-97 “Иситиш, вентиляция ва кондициялаш” кучга кирганидан бошлаб, Ўзбекистон республикаси ҳудудида СНИП 2.04.05-91 “Иситиш, вентиляция ва кондициялаш” ўз кучини йўқотади.

Давлат тилига таржимаси - Ю.К. Рашидов, Т.М. Мамажонов

Мазкур нашр матнида Ўзбекистон Республикаси Даврархитектқурилишнинг 2004 йил 30.12 да 84 сонли буйруғи билан тасдиқланган ҚМҚ 2.04.05-97 га 1 сонли Ўзгариш (ишлаб чиқарувчилар: т.ф.н. Е.А.Насонов, Р.Р.Қадиров, А.В.Бубнов, т.ф.н. Ю.К.Рашидов, Л.П.Ложечкин) ва қурилиш объектларини энергосамарадорлигини ошириш мақсадида «ToshuyjoyLITI» ОАЖ томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Даврархитектқурилишнинг 2011 йил 12.07 да 46 сонли буйруғи билан тасдиқланган ҚМҚ 2.04.05-97 га 2 сонли Ўзгариш (ишлаб чиқарувчилар: т.ф.н. Е.А.Насонов, Р.Р.Қадиров, А.В.Бубнов) ҳисобга олинган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (Давархитектқурилишқўм)	Қурилиш меъёрлари ва коидалари	ҚМҚ 2.04.05-97*
	Иситиш, вентиляция ва кондициялаш	ҚМҚ 2.04.05-97 ўрнига

Ушбу қурилиш меъёрларига бинолар ва иншоотлар (сўнгра "бинолар") хоналарида иситиш, вентиляция ва ҳавони кондициялашни лойиҳалаштиришда риоя қилиш лозим.

Лойиҳалаштиришда, шунингдек, иситиш, вентиляция ва ҳавони кондициялаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш қўмитаси билан келишилган ва тасдиқланган бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш лозим.

Ушбу меъёрлар:

а) радиоактив моддалар, ионлашган нур тарқатувчи манбалар билан ишлашга мўлжалланган иншоот ва пана жойлар, тоғ ер ости ишлари объектлари ва портловчи моддалар ишлатиладиган ва сақланадиган хоналарни иситиш, вентиляция ва ҳавони кондициялашни;

б) пневмотранспорт ва чангсўрғич ускуналар тизими, технологик ва электртехник жиҳозлар учун маҳсус қиздирувчи, совитувчи ва чангдан тозаловчи ускуналар ва қурилмаларни;

в) газсимон ва суюқ ёқилғи билан ишлайдиган печ ёрдамида иситишни лойиҳалаштиришга татбиқ этилмайди.

1. УМУМИЙ ХОЛЛАР

1.1*. Иситиш, вентиляция ва кондициялаш лойиҳаларида:

а) турар жой, жамоат, шунингдек; корхоналарнинг маъмурий - маиший биноларининг хоналаридаги (сўнгра - "маъмурий - маиший бинолар") хизмат кўрсатиш зоналарида меъёрий (руҳсат этилган, чегаравий ёки иссиқлик шинамлиги бўйича оптимал) метеорологик шароитларни ва ҳавонинг тозалигини;

б) исталган вазифани бажариш учун мўлжалланган бинолардаги ишлаб чиқариш, амалиётхона ва омбор хоналарининг иш зонасидаги меъёрланадиган (руҳсат этилган, чегаравий ёки иссиқлик шинамлиги бўйича оптимал ёки технологик шароитларга мувофиқ) метеорологик шароитлар ва ҳаво тозалигини;

* - 2011 йил августда қабул қилинган ўзгаришлар билан қайта нашр қилинган.

Х. Асомов номидаги ЎзЛИТТИ акционерлик жамияти томонидан киритилган	Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 1996 йил 11 сентябрдаги 87-сонли буйруғи билан тасдиқланган	Амалга киритиш санаси 1997 йил 1 январ
--	--	--

в) хоналарга ўрнатилган жихозлар ишлаётган ёки текширилаётган вақтда улар учун рухсат этилган шовқин 110 дБА дан, импульсли шовқинда 125 дБА дан ортиқ бўлмаган, авария вентиляцияси ва тутунга қарши химоядан ташқари, ҚМҚ 2.01. 08-96 "Шовқиндан химоя"га мувофиқ иситиш, вентиляция ва ҳавони кондициялаш тизимлари ва жихозлари ишидан ҳосил бўлаётган шовқин ва тебранишларнинг меъёрланадиган даражада;

г) фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мулкига бўлган хавфсизлик; қурилма, ашё ва энергиядан оқилона фойдаланиш; ишончлилик ва умрбоқийлик; иситиш, вентиляция ва ҳавони кондициялаш тизимини монтаж қилиш, хизмат курсатиш ва таъмирлаш учун қулайлик;

д) иситиш, вентиляция ва кондициялаш тизимларини портлашдан ва ёнғиндан химоялашни кўзда тутиш лозим;

е) ҚМҚ 2.01.18-2000* талабларига мувофиқ иситиш, вентиляция ва ҳавони кондициялаш тизимининг иситиш қозонлари, вентиляторлар, кондиционерлар, совутиш қурилмалари ва бошқа шу каби қурилмаларда энерготежамкорлик кўрсаткичларини;

ж) иситиш, вентиляция ва ҳавони кондициялаш бўйича хизмат кўрсатишни бино ҳажмида ҳарбири ўзининг алоҳида тизимлари ва бошқарилувчи шоҳобчаларига эга бўлган минтақаларга бўлишини;

з) иситиш, вентиляция ва ҳавонинг кондициялаш тизимини юқори самарали бошқариш ва жорий созлашни, шу жумладан созлашда обихаво назоратчиларини қўллашни;

и) ишлаб чиқариш жараёнларидан чиқиб кетувчи иссиқликдан, иккиламчи ва қайта тикланувчи захиралардан максимал фойдаланишни таъминлаб берувчи техник ечимларни кўзда тутиш.

1.2. Ишлаётган корхоналарни, турар жой, жамоат ва маъмурий-маиший биноларни қайта қуриш ва техникавий қайта жихозлаш лойиҳаларида мавжуд иситиш, вентиляция ва кондициялаш тизимларидан, агар улар ушбу меъёрдаги талабларга жавоб берса, асосланганда, фойдаланишга рухсат этилади.

1.3. Агрессив муҳитли, шунингдек, агрессив муҳитга эга ҳавони чиқариб юбориш учун мўлжалланган хоналарга жойлаштирилладиган иситиш-вентиляция жихозлари, қувурлар ва ҳаво қувурларини коррозияга қарши материаллардан ёки коррозиядан химояловчи қопламаларда бўлишини кўзда тутиш лозим.

1.4. Алангаланиш хавфи бўлган газ, буғ, аэрозол ёки чанг мавжуд хоналарда жойлаштирилган иситиш ва вентиляция қурилмалари, қувурлар ва ҳаво ўтказувчи қувурларнинг қизиган юзалари, уларнинг алангаланиш хавфини вужудга келтирса, термоизоляцияцион конструкция юзасидаги ҳарорат ўз-ўзидан алангаланиш ҳароратидан камида 20% паст бўлишини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг юзалари изоляция қилиниши лозим.

Изоҳ. Изоляция юзаси ҳароратини кўрсатилган даражагача пасайтиришнинг техник имкони бўлмаганда, иситиш-вентиляция жихозларини, қувурларни ва ҳаво қувурларини кўрсатиб ўтилган хоналарда жойлаштириш шарт эмас.

1.5. Термоизоляцияцион конструкцияларни, жихозлар ва қувурларнинг иссиқлик изоляцияси бўйича амалдаги меъёрий хужжатларига мувофиқ

лойихалаштириш лозим.

1.6. Стандартлаштирилмаган иситиш ва вентиляция жихозини, ҳаво қувурлари ва иссиқлик изоляцияси конструкцияларини қурилишда қўллашга рухсат этилган материаллардан бўлишини кўзда тутиш лозим.

1.7*. Иситиш, вентиляция ва ҳавони кондициялаш тизимини лойихалаш қурилма, автоматлаштириш жихозлари, арматура ва ашёлар, агар улар мазкур қурилиш нормалари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив ҳужжатлари талабларига зид бўлмаса, ишлаб чиқувчи корхона йўриқномаларига мувофиқ бажариш лозим.

1.8*. Ишлаб чиқиладиган лойихаларда лойихаланаётган бинонинг ҳисобий шароитларда, 23* иловадаги шаклга кўра иссиқлик энергетик параметр ва кўрсаткичларнинг қийматлари келтирилган жадвал берилиши керак.

2. ҲИСОБИЙ ШАРТЛАР

2.1*. Турар жой, жамоат ва маъмурий - маиший хоналарнинг хизмат кўрсатиш зоналаридаги метеорологик шароитларни, ШНҚ 2.08.01-05, ШНҚ 2.08.02-09*, ишлаб чиқариш хоналарининг доимий ва доимий бўлмаган ишчи ўринларида (метеорологик шароитлар бошқа меъёрий ҳужжатлар бўйича ўрнатилган хоналардан ташқари) 1 ва 2-сон иловалар бўйича рухсат этилган меъёрлар чегарасида амалдаги бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ қабул қилиш лозим.

Ҳоналардаги ҳаво ҳароратини:

а) йилнинг иссиқ даври учун, ошқора, иссиқлик (сўнгра - "иссиқлик") ортиқча бўлган хоналарнинг вентиляциясини лойихалаштиришда - рухсат этилган ҳароратнинг максимал қиймати, ортиқча иссиқлик бўлмаганда эса - рухсат этилган ҳарорат чегарасидаги иқтисодий мақсадга мувофиқ қиймати;

б) йилнинг совуқ даврида вентиляцияни лойихалаштиришда ортиқча иссиқликни ассимиляциялаш учун - рухсат этилган ҳарорат чегарасидаги иқтисодий мақсадга мувофиқ қиймати, ортиқча иссиқлик бўлмаганда эса 1 ва 2 - сон иловалар бўйича рухсат этилган ҳароратнинг иловалар бўйича рухсат этилган ҳароратнинг минимал қиймати қабул қилиниши лозим.

Ҳаво ҳаракатининг тезлигини ва нисбий намлигини 1 ва 2-сон иловалар бўйича қабул қилиш лозим.

2.2*. Кишилар иштирокисиз ишлайдиган (ишлаб чиқариш ҳонасига даврий равишда узлуксиз 2 соатдан кўп бўлмаган вақтда жихозларни кўздан кечириш ва созлаш учун кирувчи ва маҳсус хонада турувчи навбатчи шахслардан ташқари) тўлалигича автоматлаштирилган технологик асбоб - ускунали ишлаб чиқариш хоналарининг ишчи зонасидаги ҳаво ҳарорати, хоналарнинг ҳарорат режимига технологик талаблар бўлмаган ҳолда:

а) йилнинг иссиқ даври учун, ортиқча иссиқлик бўлмаган ҳолда - ҳавонинг ташқи ҳароратига тенг, ортиқча иссиқлик миқдори бўлганда эса - А параметрлардаги ташқи ҳаво ҳароратидан 4°C га юқори, агар бунда ҳавони қиздириш талаб этилмаётган бўлса, 29°C дан паст бўлмаган ҳароратни;

б) йилнинг совуқ даврида ортиқча иссиқлик миқдори бўлмаганда ва ташқи

ҳавонинг ҳисобий **Б** параметри (сўнгра - "Б параметр") учун 10°C, ортиқча иссиқлик миқдори бўлганда эса - иқтисодий мақсадга мувофиқ ҳароратни қабул қилиш лозим.

Узлуксиз 2 соат ва ундан ортиқ давом этадиган таъмирлаш ишлари бажариладиган жойларда, йилнинг иссиқ даврида (**А** параметр) ҳаво ҳароратини 2-сон илова бўйича рухсат этилган қийматиғача пасайтирилишини, кўчма ҳаво совутгичлар ва йилнинг совуқ даврида (**Б** параметр) ҳаво ҳароратини 16°C гача кўчма ҳаво қиздиргичлар билан кўтаришни кўзда тутиш лозим.

Тўла автоматлаштирилган технологик асбоб - ускунали ишлаб чиқариш ҳоналаридаги ҳаво ҳаракатининг тезлиги ва нисбий намлиги махсус талаблар бўлмаганда меъёрланмайди.

2.3. Ишлаб чиқариш хоналарининг ташқи ҳаво билан душланиб туриладиган ишчи ўринларидаги ҳаво ҳаракатининг тезликлари ва ҳароратларини:

а) 140 Вт/м² ва ундан катта сирт зичлигига эга нурли иссиқлик оқимидан нурланганда, 3-сон илова бўйича;

б) зарарли моддалар ажратиб чиқарувчи очик технологик жараёнларда - 2.1 б. бўйича қабул қилиш лозим.

2.4. Паррандачилик, мўйнали хайвонлар асрайдиган ва чорвачилик биноларида, ўсимликлар ўстириладиган иншоотларда, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш учун биноларда ҳаво ҳаракатининг тезлиги, тозаллиги ва нисбий намлигини ушбу биноларнинг технологик ва қурилиш меъёрлари бўйича лойиҳалаштиришга мувофиқ қабул қилиш лозим.

2.5*. Йилнинг совуқ мавсумида турар жой, жамоат, маъмурий-маиший ва ишлаб чиқариш биноларининг иситиладиган хоналарида фойдаланилмаётган ва ишдан ташқари вақтда ҳаво ҳароратини меъёрдан паст ушлаш тавсия этилади (агар бу технологик жараён талабларига зид бўлмаса), лекин қуйидагилардан паст бўлмаслиги керак:

15°C – турар жой хоналарида;

12°C – жамоат ва маъмурий-маиший хоналарда;

5°C – ишлаб чиқариш хоналарида,

лекин, хонадан фойдалана бошланиши ёки иш вақти бошланишига меъёрий температура таъминланиши керак.

2.6*. Йилнинг иссиқ мавсумида метеорологик шароит меъёрланмайди:

а) турар жой биноларида;

б) жамоат ва ишлаб чиқариш биноларининг ёрдамчи ва иккинчи даражали хоналарида;

в) жамоат ва ишлаб чиқариш биноларининг асосий хоналарида, ишдан ташқари вақтда.

2.7. Хонанинг ишчи зонасидаги доимий иш ўрнини нурли иситиш ёки совутишдаги ҳаво ҳароратини, ишчи зонадаги меъёрланган ҳароратга эквивалент, шунингдек, ишчи жойидаги нурли иссиқлик оқимининг сирт зичлиги 35 Вт/м² дан ошмаган ҳолда, ҳарорат шартларини таъминловчи қиймати ҳисоб бўйича қабул қилиниши лозим.

Хонанинг ишчи зонасидаги, иш жойини нурли иситиш ёки совутишдаги

ҳаво ҳароратини 4- сон илова бўйича аниқлашга рухсат этилади.

Изох. Технологик ускуналарнинг қизиган ёки совуган юзаларидан, доимий иш жойларини нурли иситиш ёки совутиш учун фойдаланиш мумкин эмас.

2.8*. Кондициялаштирилаётган хоналардаги оптимал ёки чегаравий параметрлар доирасидаги метеорологик шароитларни, бошқа меъёрий хужжатлар билан метеорологик шароитлар ўрнатилган хоналардан ташқари, жамоат ва маъмурий-маиший хоналар учун 5-сон иловага мувофиқ, доимий ва доимий бўлмаган иш жойлари учун 2-сон иловага мувофиқ равишда таъминлаш лозим.

Йилнинг иссиқ даврида ташқи ҳаво ҳарорати 30°C ва ундан юқори бўлган (Б параметр) жойлар учун, 30°C дан юқори бўлган ҳар бир градус учун 2 ва 5-сон иловаларда кўрсатилган ҳонадаги ҳароратни $0,4^{\circ}\text{C}$ га оширишга, шу ҳолатда ҳонанинг ишчи ва хизмат қилиш зонасида ҳавонинг ҳар бир ортиқча градусига ҳаво тезлигини $0,1$ м/с га оширишга рухсат этилади. Кўрсатилган ҳолларда хоналарда ҳаво ҳаракатининг тезлиги кўпида $0,5$ м/с бўлиши шарт.

Йилнинг иссиқ даврида оқилона йўл кўйилувчи қийматлар ўрнига, лойиҳалаш вазифаси бўйича ички микроклим параметрларини қабул қилишга рухсат этилади.

2.9. Асаб-хиссиётнинг зўриқиши билан боғлиқ, технологик жараёнларнинг бошқарувидаги оператор ишлари бажариладиган хоналарда қуйидаги оптимал меъёрлар: ҳаво ҳарорати $23-26^{\circ}\text{C}$, ҳавонинг нисбий намлиги $40-60\%$ ва 2-сон иловадаги ҳаво ҳаракати тезлигига риоя қилиниши шарт. Оптимал меъёрларга риоя қилиниши зарур бўлган бошқа ишлаб чиқариш биноларининг рўйхати соҳа хужжатлари билан белгиланади.

Иш жойидаги иссиқлик оқимининг юза зичлиги 140 Вт/м² ва ундан ортиқ, бўлган иссиқ цехларда ишловчи ишчиларнинг дам олиш хоналаридаги ҳаво ҳароратини йилнинг совуқ даврида $21-22^{\circ}\text{C}$ ва иссиқ даврида $24-26^{\circ}\text{C}$ қабул қилиш лозим, бунда иссиқ цех ва дам олиш хонасидаги ҳаво ҳароратларининг фарқи $11-13^{\circ}\text{C}$ дан ошмаслиги шарт.

Кишиларни иситиш учун хоналардаги ҳаво ҳароратини 25°C , радиацион иситиш қўлланилганда эса, $2,7$ бандга биноан, 20°C қабул қилиш лозим.

2.10. Хонанинг хизмат кўрсатилаётган ёки иш зонасига кираётган ҳаво оқимини қуйидагича:

а) ҳаво ҳаракатининг максимал тезлиги V_x , м/с, формула бўйича:

$$V_x = K V_n; \quad (1)$$

б) ҳонада иссиқлик камоматини тўлдирилаётгандаги максимал ҳарорат $t_x, ^{\circ}\text{C}$, формула бўйича:

$$t_x = t_n + \Delta t_1; \quad (2)$$

в) ҳонадаги ортиқча иссиқ-ликни ассимиляциялаётгандаги минимал ҳарорат $t, ^{\circ}\text{C}$, формула бўйича:

$$t_x = t_n + \Delta t_2; \quad (3)$$

қабул қилиш лозим.

(1) - (3) формулаларда:

V_n, t_n - мос равишда бинонинг иш зонасининг иш жойидаги ёки хизмат кўрсатиш зонасидаги ҳаво ҳаракатининг меъёрлаштирилган

тезлиги, м/с, ва ҳавонинг меъёрий ҳарорати, °С;

К - б- сон илова бўйича аниқланадиган, ҳонадаги ҳаво ҳаракатининг меъёрий тезлигидан, оқимдаги максимал тезлигига ўтказувчи коэффициент;

$\Delta t_1, \Delta t_2$ - 7- сон илова бўйича аниқланадиган, оқимдаги ҳаво ҳароратини, °С, мос равишда меъёрлангандан рухсат этилган оғиши.

Ҳаво тақсимлагичларни хизмат кўрсатиш ёки иш зонаси чегарасида жойлаштирилганда, ҳаво тақсимлагичлардан 1 м масофада ҳаво ҳаракатининг тезлиги ва ҳарорати меъёрланмайди.

2.11. Ишлаб чиқариш бинолари иш зонасининг иш жойидаги кондициялаш ва вентиляция тизимларини ҳисоблаётганда ҳаво таркибидаги зарарли моддалар концентрациясини амалдаги Давлат стандарти шунингдек Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг меъёрий ҳужжатларида белгиланган иш зонасидаги ҳаво таркибидаги чегаравий рухсат этилган концентрацияга (ЧРК) тенг қилиб қабул қилиш лозим.

2.12. Ҳаво тақсимлагич ва ҳаво берилувчи бошқа тирқишлардан чиқаётган жойидаги, берилаётган ҳаво таркибидаги зарарли моддалар концентрациясини, ҳавони қабул қилиш ускуналари жойлашган жойдаги шу моддаларни фон концентрациясини ҳисобга ҳолда ҳисоблаб қабул қилиш лозим, аммо:

а) ишлаб чиқариш ва маъмурий маиший ҳоналарнинг иш зонасидаги ҳаво таркибидаги ЧРК нинг 30 фоизидан;

б) турар жой ва жамоат ҳоналари учун аҳоли яшайдиган жой ҳавосидаги ЧРК дан ошмаслиги лозим.

2.13*. Метеорологик шароитларни ва ҳоналардаги ҳавонинг тозалигини 2.14-2.16 бандларда кўрсатилгандек, ҚМҚ 2.01.01-94 «Лойихалаш учун иқлимий ва физикавий-геологик маълумотлар» га мувофиқ ташқи ҳавонинг ҳисобий параметрлари доирасида таъминлаш лозим.

2.14*. Турар жой, жамоат, маъмурий-маиший ва ишлаб чиқариш бинолари учун ташқи ҳавонинг параметрлари қуйидагича:

А параметрлари - йилнинг иссиқ мавсуми учун вентиляция ва ҳаво пуркаш тизими учун;

Б параметрлари - йилнинг совуқ мавсуми учун иситиш, вентиляция ва ҳаво пуркаш тизими учун, ҳамда йилнинг иссиқ ва совуқ мавсумлари учун кондициялаш тизими учун.

Иккинчи класс кондициялаш тизимлари учун йилнинг иссиқ даврида **Б** параметрлар учун ўрнатилганидан ташқи ҳаво ҳароратини 2 °С ва солиштирама энтальпиясини 2 КДж/кг га паст қабул қилиш лозим.

2.15. Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган бинолар учун ташқи ҳаво параметрлари, агар улар қурилиш ва технологик меъёрлар билан ўрнатилмаган бўлса:

А параметрлари - йилнинг иссиқ ва совуқ даврида вентиляция тизимлари учун, йилнинг совуқ даври учун асослаб берилганда, **А** параметрлар учун ўрнатилганидан ҳаво ҳароратини 2°С ва солиштирама энтальпиясини 2 кДж/кг га юқори олишга рухсат этилади;

Б параметрлари - йилнинг совуқ мавсуми учун иситиш, вентиляция ва ҳаво

пуркаш тизими учун, ҳамда йилининг иссиқ ва совуқ мавсумлари учун кондиционерлаш тизими учун.

2.16. Соат 13 дан 16 гача фойдаланилмайдиган вентиляция ва кондициялаш тизимлари учун йилнинг иссиқ даврида ташқи ҳаво параметрларини 2.14 ва 2.15 бандларида кўрсатилганидан паст қабул қилишга рухсат этилади.

2.17*. Иссиқлик ишлатишнинг ҳисобий давомийлигини:

а) иситиш тизимлари учун – иситиш мавсуми давомийлигига тенг равишда, сутка/йилда;

б) кирувчи вентиляция ва ҳавони кондициялаш тизимлари учун – эксплуатация регламентига кўра уларнинг ишлаш давомийлиги бўйича, соат/йилда, иситиш мавсуми давомида қабул қилиш лозим.

Сунъий совуқликни ишлатиш ҳисобий давомийлигини:

а) совитиш тизимлари учун – ҳавони қаттиқ исийдиган даври, яъни ташқи ҳавонинг суткалик максимал ўртача ҳарорати 34°C ва ундан юқори бўлгандаги даври давомийлигига тенг равишда;

б) ҳавони кондициялаш тизимлари учун – ҳавони қаттиқ иситиш даври мобайнида, эксплуатация регламентига кўра уларнинг ишлаш давомийлигига тенг вақтни олиш лозим.

2.18. Ҳоналардаги ҳаво таркибидаги модданинг портлаш-ёнғин хавфсизлик концентрацияларини, вентиляция ва кондициялаш тизимларини ҳисоблаш учун ўрнатилган ташқи ҳаво параметрларида қабул қилиш лозим.

2.19*. Пол майдони ҳарбир хизматчига 50 м² дан кўпроқ бўлган хоналарда йилнинг иссиқ мавсумида температура, нисбий намлик ва ҳаво ҳаракати тезлигининг ҳисобий қийматини агар, технологик жараён талабларига зид бўлмаса, фақатгина иш жойларида ушлаб туриш лозим.

3. ИСИТИШ

Умумий ҳоллар

3.1. Иситиш даврида, хоналардаги ҳавонинг ҳисобий ҳароратини рухсат этилган чегараларда таъминлаш учун, ташқи ҳавонинг мустаҳкам ўртача суткалик ҳароратини 10°C ва ундан кам, даволаш, мактабгача болалар муассасалари, мактаб ва мактаб-интернатлар учун эса 12°C ва ундан кам бўлган даврни ҳисобга олган ҳолда иситишни лойихалаштириш лозим. Иситиш даврининг ўртача ҳарорати ва давомийлигининг ҳисобий қийматларини ҚМҚ 2.01.01-94 бўйича қабул қилиш лозим.

3.2*. Иситишни лойихалаштиришда қуйидагиларни:

а) 9-сон иловага мувофиқ тўсиқ конструкциялари орқали йўқотилган иссиқликни;

б) 8-сон иловага мувофиқ сизиб ўтган ташқи ҳавони иситишга кетган иссиқлик сарфини;

в) материаллар, жихозлар ва транспорт воситаларини иситишга кетган иссиқлик сарфини;

г) электр асбоблар, ёритгичлар, технологик жихозлар, коммуникациялар,

материаллар, кишилар ва бошқа манбалардан мунтазам берилаётган иссиқлик оқимини; бунда турар жой уйларидаги хоналар ва хоналардаги хар 1 м^2 полга 10 Вт иссиқлик оқими тўғри келишини ҳисобга олиш лозим.

Хоналарнинг ички тўсиқ конструкциялари орқали йўқотилаётган иссиқликни, агар бу хоналардаги ҳароратлар фарқи 3°C ва ундан кам бўлса, ҳисобга олмасликка рухсат этилади.

3.3. Иситиш тизимларини (иситиш асбоблари, иссиқлик ташувчи, иссиқлик берувчи юза ёки иссиқлик ташувчининг чегаравий ҳарорати) 10-сон илова бўйича қабул қилиш лозим.

Ички иссиқлик билан таъминлаш ва иситиш тизимлари учун, иссиқлик ташувчи сифатида, одатда, сув қўлланиши лозим; бошқа иссиқлик ташувчилар, шу жумладан, сув музлашининг олдини олувчи қўшимча қўшилган сувдан, асосланиб берилгандагина қўллашга рухсат этилади.

Қўшимча сифатида портлаш ва ёниш хавфи бўлган моддалардан, шунингдек, ГОСТ 12.1.005-88 бўйича 1, 2 ва 3-чи класс хавфи бўлган моддалардан, авария натижасида улардан хоналардаги ҳаво таркибидаги ЧРК ва ЧРВКни оширувчи моддалар ажратиб чиқиши мумкин бўлган миқдорда фойдаланиш мумкин эмас.

3.4. Навбатчи иситиш тизимини, одатда, асосий иситиш тизимларидан фойдаланган ҳолда, 2.5 б га биноан ҳаво ҳароратини тутиб туриш учун кўзда тутиш лозим. Махсус навбатчи иситиш тизимини лойихалаштиришга рухсат этилади.

Иситилмайдиган бинолардаги алоҳида хоналар ва зоналарда технологик талабларга мос келувчи, шунингдек, ускуналарни таъмирлаш ва созлаш вақтидаги доимий бўлмаган ишчи ўринларда ҳаво ҳароратини тутиб туриш учун маҳаллий иситиш тизимини кўзда тутиш лозим.

3.5*. Техник-иқтисодий асослаш билан иссиқлик энегетик самарадорлиги 2,2 дан кам бўлмаган электр энергиясида ишловчи иссиқлик насослари (сплит-кондиционерлар, мультитизимлар ва бошқалар) орқали амалга оширишга йўл қўйилади.

Электр иситиш асбобларидан фойдаланиб иситиш техник-иқтисодий асослаш ва албатта, «Уздавэнеггоназорат» инспекцияси билан қуввати 10 кВт дан юқори бўлган ҳолатда маъқуллашни кўзда тутилганда йўл қўйилади.

Электр иситиш асбоблари заводда тайёрланган бўлиши, иссиқлик берувчи юзанинг температураси 10° иловада берилган чегаравий йўл қўйилувчи қийматдан ошмаслиги лозим.

3.6. Омборхона хоналарининг иситиш тизимини, 3.53 б. да кўрсатилган чегараланишлар билан технологик талабларга мувофиқ равишда лойихалаштириш лозим.

3.7. Маҳаллий иситиш асбоблари билан бинонинг иситилаётган хоналарнинг умумий майдонини 5% ва ундан кам майдонини эгаллаган ва уларни иситиш учун бўлган талаблар асосий биноларга бўлган талаблардан фарқ қилган бир ва бир нечта хоналарни иситиш, агар у ушбу хоналарнинг ёнгин-портлаш ҳавфсизлигини бузмаганда, одатда асосий бинолар учун бўлган талабларга мувофиқ равишда лойихалаштириш лозим.

3.8. А ва Б категориядаги биноларда, одатда, ҳаво билан иситишни лойиҳалаштириш лозим. Бошқа тизимларни (10 - сон иловага қаралсин) қўллашга, шунингдек, сув ёки сув буғи билан алоқага кирганда портлаш ҳавфи ҳосил қилувчи моддалар ёки сув билан ўзаро таъсири натижасида ўз - ўзидан ёниш ёки портлашга лаёқати бор моддалардан фойдаланилаётган ёки сақланаётган ҳоналардан ташқари, бошқа ҳоналарда, маҳаллий иситиш асбоблари билан сув ёки буғли иситиш тизимларини қўллашга рухсат этилади.

3.9. Хонадонли иситиш тизимлари билан жихозланадиган бинолар учун зинапоя катаклари иситилишини лойиҳалаштириш шарт эмас.

Ҳоналарни зина сатҳидан ажратиб турувчи тўсиқлар талаб этилаётган иссиқликни ҳимоялаш хусусиятини таъминлаганда, меъёрлаштирилмаган ички ҳароратли зина сатҳларини иситишни кўзда тутмасликка рухсат этилади.

Иситиш тизимлари

3.10*. Биноларнинг иситиш тизимини иссиқлик энергиясини оқилона сарфланган ҳолда, ҳоналарнинг ҳавосини бир текисда иситишини, гидравлик ва иссиқлик барқарорлигини, портлаш-ёниш хавфсизлигини, таъмирлаш ва созлаш учун қулайликни таъминлаган ҳолда лойиҳалаштириш лозим.

Иситиш учун иссиқлик энергиясини оқилона сарфлаш мақсадида ҳонага бериладиган иссиқликни объектли ёки индивидуал мувофиқлаштиришини қўллаш лозим. Умумий иссиқлик тизимини объектли мувофиқлаштиришда ташқи ҳарорат датчиги бўйича автоматлаштиришини кўзда тутиш тавсия этилади. Иситиш жихозларининг иссиқлик унумдорлигини индивидуал мувофиқлаштириш 3.55 бандга биноан иссиқликни мувофиқлаштирувчи клапанлар ўрнатиш орқали ички ҳаво ҳарорати бўйича автоматлаштириш билан амалга оширишни тавсия этилади.

3.11*. Ишлаб чиқариш ҳоналарини, қайсики, уларда битта ишловчига полнинг 50 м² дан кўпроғи тўғри келганда, доимий иш жойларида 2.1* б. га мувофиқ равишда ҳисобий ҳароратни ва доимий бўлмаган иш жойларида жуда паст доимий бўлмаган иш жойларида: енгил ишларда 12°С дан, ўртача оғирликдаги ишларда 10°С дан ва оғир ишларда 8°С дан паст бўлмаган ҳароратни таъминловчи иситиш тизимини лойиҳалаш лозим.

3.12. Иситиш тизимидан, ҳона поли олдидаги (асбоблардан 1 м дан ортиқ бўлган масофада) ҳавони меъёрлаштирилаётган ҳароратга нисбатан 2°С дан ортиқ, совутмасдан, хонани совутиш учун фойдаланишга рухсат этилади.

Ҳоналарни совутиш учун ишлатилаётган асбоблар юзасидаги ҳароратни ҳона ҳавосининг шудрингланиш ҳароратидан камида 1°С га юқори қабул қилиш лозим.

3.13*. Иситиш тизимини 3.23*б. га мувофиқ сувнинг максимал рухсат этилган тезлигини қабул қилган ҳолда, одатда, сунъий ундалаётган циркуляция билан лойиҳалаш лозим. Иситиш тизимини сувли иситиш тармоқларига бериладиган иссиқлик ташувчининг ҳисобий ҳарорати 95 °С дан кўп бўлмасдан элеватор қўймасдан бевосита улаш тавсия этилади.

Бунда қуйидагиларни қўллашни:

а) иссиқлик тармоғини иссиқлик энергияси ва қурилмаларини иссиқликдан фойдаланишда обиҳаво мувофиқлаштириш жиҳози бўлишини тўлиқ ҳисобга олган ҳолда бинонинг ҳарбир исситиш минтақасига ёки турар-жой уйининг ҳарбир хонадонига алоҳида киритиш қурилмаси бўлишини;

б) иккиқувурли иситиш тизимларида иситиш асбобида алоҳида иситиш мувофиқлаштирувчиси бўлишини;

в) максимал йўл қўйилувчи сув ҳаракати тезлигига эга бўлган иситиш қувурўтказгичлари бўлишини кўзда тутиш лозим.

3.14. Иситиш элементлари бўлган қурилиш конструкциялари юзасининг ўртача ҳарорати, °С:

пол сатҳидан 1 м гача бўлган ташки деворлар .учун.....	95;
шунинг ўзи, 2,5 м ва ундан баланд шип каби қабул қилинади; доимо кишилар бўладиган хона поллари учун.....	26;
вақти-вақти билан кишилар бўладиган хона поллари ва айланиб ўтувчи йўлаклар, ёпиқ сузиш бассейнлари ўтиргичлари учун.....	31;
хона баландлигига қараб шиплар учун:	
2,5 м дан - 2,8 м гача.....	28;
2,8 " - 3 "	30;
3 " - 3,5 "	33;
3,5 " - 4 ".....	36;
4 " - 6 ".....	38

дан ортиқ қабул қилинмаслиги лозим.

Иситиш элементларининг ўқи бўйича пол юзасининг ҳарорати болалар муассасаларида, турар-жой биноларида ва сузиш бассейнларида 35°C дан ортмаслиги шарт.

Юза ҳароратининг чегараланиши, иситиш тизимини якка қувурлари бўлган қоплама ёки полга татбиқ этилмайди.

3.15. Иш жойларини радиацион иситувчи паст ҳароратли панеллар юзалари ҳароратини 60°C дан ортиқ, радиацион совутувчи панелларни - 2°C дан паст қабул қилиш мумкин эмас.

3.16*. Нурланиш билан иситувчи юқори ҳароратли асбоблар юзасининг ҳароратини 250°C дан ортиқ танлаш мумкин эмас.

Юзасининг ҳарорати 150°C дан юқори бўлган нурли иситиш асбобларини хонанинг юқори минтақаларига ўрнатилиши кўзда тутилиши лозим.

3.17. Иссиқлик ташувчисининг ҳароратини, °С, хонада мавжуд моддаларнинг ўз-ўзидан алангаланиш ҳароратидан камида (1.4 б. ни ҳисобга олган ҳолда) 20% га паст қабул қилиш лозим.

3.18. Газ билан иситиш асбобларини, бевосита газ ёндиргичларидан ҳосил бўлган ёниш маҳсулотларини ташқарига берк чиқариб юбориш шarti бажарилгандагина, қўллашга руҳсат этилади.

3.19*. Сув билан иситиш тизимидаги иссиқлик оқими ва иссиқлик ташувчи сарфини 11*-сон иловага мувофиқ равишда аниқлаш лозим.

Иссиқлик оқими қийматини жорий мувофиқлаштирувини иссиқлик манбаида ёки иситиш тизимида кўзда тутилиши лозим.

Қувурлар

3.20*. Иситиш тизимлари, вентиляция тизимини ички иссиқлик таъминловчи ҳаво қиздиргичлари ва сувқиздиргичлари, ҳавони кондициялаш, ҳаво билан иситиш, ҳаво пуркаш ва ҳаво иссиқлик пардаси тизимларидаги қувурўтказгичларни (бундан кейин – «иситиш тизимли қувурўтказгичлари») пўлат, мис, латун қувурлардан, ҳамда полимер ашёлардан иборат қурилишда қўллашга рухсат берилган иссиқликка чидамли қувурлардан лойиҳалаш лозим.

Иситиш тизимининг қувурўтказгичлари сифатида енгил сувгазўтказувчи пўлат қувурларини қўллашга йўл қўйилмайди.

Дренаж ва ҳаво чиқарувчи қувурўтказгичлар учун коррозияга чидамли қувурларни қўллаш лозим.

Мис ва латун қувурларнинг ички юзаси ғидир-будурлиги эквивалентлиги 0,11, полимер ашёлардан иборат қувурларники эса 0,01 деб қабул қилиниши лозим.

3.21*. Қўйидаги иситиш тизимлари қувурўтказгичлари учун иссиқлик изоляциясини кўзда тутиш лозим:

а) уларни иссиқлик етказувчини совиши нуқтаи назаридан хавф бўлган ерлардан (ҳавонинг ҳисобий температураси 5 °С дан паст бўлган хоналарда, ташқи эшик олдидаги полларда, сунъий совутиладиган хоналарда ва ҳ.к.) ўтказишда;

б) транзит магистралларда иссиқлик етказувчининг маълум параметрларини сақлаш лозим бўлганида;

в) 1.4 бандга кўра ёнғин хавфидан сақланиш лозим бўлганида ёки қўйишдан сақланиш учун.

Ҳисобий ҳаво ҳарорати +5 °С дан юқори бўлган хоналарга қўйилган қувурўтказгичлардан ажралган иссиқлик хонани иситишда фойдаланиш лозим. Агар қувурўтказгичлардан ажраладиган иситиш учун керак булган ҳисобий иссиқлик оқимидан кўп бўлмаса, унинг юзасидаги ҳарорат эса 10* иловадаги йўл қўйилувчи қийматдан кўп бўлмаса, кўрсатилган қувурўтказгичларни изоляция қилиш лозим эмас.

Ҳавонинг ҳисобий ҳарорати 5 °С дан паст бўлган хоналардан ўтадиган қувурўтказгичлардан бўладиган қўшимча иссиқлик йўқотишнинг миқдори бинонинг иситиш тизими иссиқлик оқимининг 3% дан ошмаслиги керак.

Чордоқдан ўтадиган қувурўтказгичларни яримцилиндр ва цилиндр шаклидаги синтетик боғловчи минералпахта ёки бошқа 30 йилдан ошиқроқ хизмат муддатига эга бўлган самарали ёнмайдиган ашёлардан изоляция қилиш тавсия этилади.

3.22. Турли вазифаларни бажарувчи қувурлар, одатда, иссиқлик коллектори ва кириш жойидан:

а) маҳаллий иситиш асбоблари бўлган иситиш тизимлари учун;

б) вентиляция, кондициялаш ва ҳаво билан иситиш тизимлари учун;

в) ҳаво пардалари учун;

г) даврий ишлайдиган бошқа тизим ёки ускуналар учун алоҳида ўтказилади.

3.23*. Сув билан иситиш тизими қувурларидаги иссиқлик ташувчининг тезлиги хонадаги товушнинг рухсат этилган эквивалент даражасига боғлиқ равишда:

а) 40 дБА дан юқори бўлса жамоат бинолари ва хоналарида 1,5 м/с дан ортиқ бўлмаган холда; маъмурий-маиший бинолар ва хоналарида 2,0 м/с дан ортиқ бўлмаган холда; ишлаб-чиқариш бинолари ва хоналарида 3 м/с дан ортиқ бўлмаган холда;

б) 40 дБА ва ундан паст бўлганда - 12-сон илова бўйича қабул қилиниши лозим.

Пўлат қувурли қувур ўтказгичларда занглашдан сақланиш учун сувнинг ҳаракат тезлиги 0,1 м/с дан кам бўлган участкалар бўлишига йўл қўймаслик лозим.

3.24. Қувурдаги буғ ҳаракатининг тезлигини:

а) паст босимдаги (кириш жойида 70 кПа гача) иситиш тизимларида, буғ ва конденсат бир томонга ҳаракатланганда 30 м/с, қарама-қарши йўналишда - 20 м/с;

б) юқори босимдаги (кириш жойида 70 дан 170 кПа гача) иситиш тизимларида, буғ ва конденсат бир томонга ҳаракатланганда 80 м/с, қарама-қарши йўналишда 60 м/с қабул қилиш лозим.

3.25*. Иситиш тизимида сув айланиши учун узатувчи ва қайтарувчи қувурлардаги сув босимининг фарқини сувнинг температура фарқи натижасида вужудга келадиган босимни ҳисобга олган ҳолда аниқлаш лозим.

Иситиш тизимидаги циркуляцион босимнинг ҳисобга олинмаган йўқолишини, максимал босим йўқолишининг 10% га тенг деб қабул қилиш лозим.

3.26*. Намунавий лойиҳаларда элеваторлик иситиш тизимини ҳисоблаш учун бинодаги иссиқлик тармоғи кириш жойидаги тўғри ва қайтиш қувурўтказгичларнинг босим фарқлари 150 кПа миқдорида қабул қилиниши лозим.

Иситиш тизимида насослар қўлланилганида насос ҳосил қиладиган босимни ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаш керак.

Пўлат қувурўтказгичли иситиш тизимини иссиқлик тармоқларига бевосита улашда иссиқлик тармоғидаги босимнинг талабдаги фарқини иссиқлик тизимидаги умумий босим йўқотилишини 3 коэффициентга ошириб олиш лозим.

3.27. Ички иссиқлик таъминоти ва иситиш тизимидаги пўлат қувурлари ички юзасининг эквивалент ғадирбудирлиги, мм, дан кам бўлмаган холда қабул қилиш лозим:

сув ва буғ учун - 0,2, конденсат учун - 0,5 .

Ишлаб чиқариш биноларнинг ички иссиқлик таъминоти тизими бевосита иссиқлик тармоғига уланганда, мм, дан кам бўлмаган холда қабул қилиш лозим:

сув ва буғ учун - 0,5, конденсат учун - 1,0.

Изоҳ. Ички иссиқлик таъминоти ва иситиш тизимини мавжуд қувурлардан фойдаланиб қайта қурилганда, пўлат қувурлар ғадир-будирлигини, мм, қабул қилиш лозим:

сув ва буғ учун -0,5, конденсат учун - 1,0.

3.28. Сунъий циркуляцияга эга сув билан иситиш тизимида сув ҳаракатини турбулент тарзда, табиий циркуляцияга эга тизим учун эса - сув ҳаракатини оралиқ тарзда (ламинар ва турбулент тарзда) қабул қилиб, гидравлик ҳисоб ўтказиш лозим.

Сунъий циркуляцияга эга бир қувурли сув билан иситиш тизимининг стоякларидаги босим йўқотилиши, участкалардаги умумий босим йўқотишини ҳисобга олмаган ҳолда, циркуляцион халқалардаги умумий босим йўқотилишининг 70% дан кам бўлмаганини ташкил этиши шарт. Бу тизимлардаги узатувчи магистралларда сув пастдан тақсимланганда ва қайтувчи магистралларда юқоридан тақсимланганда стояклардаги босим йўқотилишини стоякнинг ҳар бир метр баландлигига 300 Па дан кам бўлмаган ҳолда қабул қилиш лозим.

Икки қувурли вертикал ва бир қувурли горизонтал иситиш тизимларидаги циркуляцион халқаларининг юқоридаги асбобларидан (тармоқидан) босим йўқотилишини, улардаги иссиқлик ташувчисини ҳисобий параметрлардаги табиий босимдан кам бўлмаган ҳолда қабул қилиш лозим.

3.29. Маҳаллий иситиш асбоблари бўлган сув билан иситиш тизими стоякларидаги (тармоқларидаги) иссиқлик ташувчисининг ҳароратлари фарқи, ўзгарувчан ҳарорат фарқига эга тизимларни ҳисоблашда, ҳароратларнинг ҳисобий фарқидан 30 % дан (аммо 10°C дан ортиқ бўлмаган) кўп фарқ қилмаслиги шарт. Бу талаблар иссиқлик ташувчиси табиий циркуляцияга эга квартирали ва секцияли иситиш тизимларига татбиқ этилмайди.

3.30. Буғ билан иситиш тизимларининг стоякларидаги (тармоқларидаги) ҳисобий босим йўқотишининг номуносивблиги буғ қувурлари учун 15% дан ва конденсат қувурлар учун 10% дан ошмаслиги шарт.

3.31. Циркуляцияли халқалардаги босим тушишининг номуносивблиги, (умумий участкаларда босим йўқотилишини ҳисобга олмаганда), ҳароратлар фарқи доимий ҳисобда бўлганда сув билан иситиш тизимларидаги қувурлар бир томонга тармоқлантирилганда 5% дан ва боши берк қилиб тармоқлантирилганда 15% дан ошмаслиги шарт.

3.32*. Иситиш тизими қувурларини очик ўтказиш лозим; яширин ўтказиш эса асосланган бўлиши шарт. Қувурлар яширин ўтказилганда, арматура ва қисмга ажратиладиган бирикмалар очик қўйилувчи ёки люкларга жойлаштириши лозим.

Полимер қувурлардан иборат қувурўтказгичларни ётқизиш ёпиқ усулда кўзда тутилиши лозим; очик ётқизишга қувурўтказгичларга ташқи механик таъсир бўлмайдиган жойларда йўл қўйилади ва полимер қувурларга хос бўлган юқори даражадаги чизиқли деформациясига йўл қўйилади.

Табиий бурилишлар ёки компенсаторлардан фойдаланиб қувурўтказгичларнинг ҳарорат узайишларига бўладиган бадални кўзда тутиш лозим.

3.33. Иситиш тизимининг транзит қувурларини пана жой хоналари, электр-техник хоналар ва пиёда галереялари ва тоннелларидан ўтказишга рухсат этилмайди.

Иситиш тизимининг ёнмайдиган материаллардан иссиқлик изоляцияси бўлган кенгайтирувчи бакларини чордоқда ўрнатилишига рухсат этилади.

3.34*. Иситиш тизимларида ҳарбир ўчириладиган ҳалқа, шахта ва тикқувурларни бўшатиш шлангасини бириктириш учун штуцерли бўшатувчи арматура қурилмасини кўзда тутиш лозим.

Арматура ва дренаж тузилмасини қоида сифатида, ертўла каналларига жойлаштириш керак эмас.

3.35. Буғ билан иситиш тизими стоякларини, уларда хосил бўлган конденсат буғ ҳаракатига қарши 6 м дан кўп бўлмаган баландликда лойихалаш лозим.

3.36. Сув, буғ ва конденсат қувурлари қиялигини 0,002 дан кам, буғ ҳаракатига қарши буғ қувурларининг қиялигини эса 0,006 дан кам бўлмаган ҳолда қабул қилиш лозим.

Сув ҳаракатининг тезлиги 0,25 м/с ва ундан ортиқ бўлганда, сув қувурларини қияликсиз ўтказишга рухсат этилади.

Табиий циркуляцияга эга тизимларда, юқорига узатиш магистрал қувурларининг қиялиги 0,01 дан кам бўлмаган ҳолда қабул қилиниши шарт, пастки магистрални эса қияликсиз ўтказишга рухсат этилади.

3.37. Иссиқлик ташувчисининг ҳарорати 105°C дан ортиқ бўлган ҳаво қиздиргичлари, иситиш асбоблари ва қувурлар юзасидан, ёнувчи материаллардан бўлган конструкциялар юзаларигача бўлган масофани (оралиқ) 100 мм дан кам бўлмаган ҳолда қабул қилиш лозим. Масофа кичик бўлганда, бу конструкциялар юзасининг иссиқлик изоляциясини ёнмайдиган материаллардан бўлиши кўзда тутиш лозим.

3.38.* Ёпмаларнинг ички девор ва тўсиқларнинг кесишган жойларида қувурларни ёнмайдиган материаллардан иборат бўлган гильзаларда ётқизилади. Гильза чети девор, тўсин ва шипларнинг юзалари билан бир сатҳда, аммо полнинг юзасидан 30 мм ва ундан юқорида бўлиши шарт.

Бирқувурли ўзиоқар тизим ва иситиш жиҳозларида сурилувчи туташтирувчи қисмли тизимлар учун диаметри 20 мм дан кўп бўлмаган тикқувурларни ораёпма орқали гилзасиз ётқизишга йўл қўйилади. Қувурлар ётқизилган жойдаги тешик ва тирқичларни, тўсиқларни ўтга чидамлилигининг меъёрий чегарасини таъминлаган ҳолда, ёнмайдиган материаллар билан беркитишни кўзда тутиш лозим.

3.39. Бир каналда иситиш қувурларини ёнувчи суюқликлар алангаланиш ҳарорати 170°C ва ундан кам бўлган буғлар ва газлар ёки агрессив буғ ва газ қувурлари билан бирга ётқизилиши ва кесиб ўтишига рухсат этилмайди.

3.40*. Иситиш тизимларидан ҳавони, иссиқлик ташувчи сув бўлганда ва сув билан тўлган конденсат қувурларидан юқориги нукталардан, иссиқлик ташувчи буғ бўлганида эса, конденсацион ўзи ўтадиган қувурларни пастки нуктасидан чиқариб юборишни кўзда тутиш лозим.

Сувли иситиш тизимларида ҳавони бартараф этиш учун автоматик ҳавобартараф этувчилар, ҳаво чиқарувчи пробка ва жўмрақлар кўзда тутилиши лозим. Ҳаво чиқарувчи нуктада сув ҳаракатининг тезлиги 0,1 м/с дан ошиқроқ бўлганида қувурўтказгичда тепасига ҳавобартараф этувчи қурилма ўрнатилган ҳавойиғувчи бўлиши тавсия этилади.

Иситиш асбоблари ва арматура

3.41. А, Б, В категорияли ҳолларда буғ ва сув билан иситиш тизимидаги иситиш асбобларининг тозалаш қулай бўлган силлиқ юзага эга бўлишини, шу жумладан:

а) секцияли ёки якка панелли радиаторлар;

б) секцияли ёки кўш панелли ёки ёнувчи материаллардан ажралиб чиққан чанг (сўнгра - “ёнувчи чанг”) бўлмаган хоналар учун якка панелли радиаторлар. В категорияли хоналар учун уларда ёнувчи чанг ажралиб чиқмаганда конвекторларни қўллашга рухсат этилади;

в) силлиқ пўлат қувурлардан бўлган иситиш асбобларини кўзда тутиш лозим.

3.42. А, Б, В категорияли хоналарда иситиш асбобларини девор юзасидан 100 мм дан кам бўлмаган масофада (оралиқда) жойлаштириш лозим. Иситиш асбобларини тоқчаларда жойлаштиришга рухсат этилмайди.

3.42.1*. Пўлат, мис ёки латун қувурли ёки фитингли сувли иситиш тизимларида алюмин юза сувга тегиб турувчи алюминий радиаторлар қўллашга йўл қўйилмайди.

3.43. Иситиш асбобларини ҳисоблаётганда, иситиш қувурларидан хонага берилаётган иссиқлик оқимининг 90% ни ҳисобга олиш лозим.

3.44. Иситиш асбобининг номинал иссиқлик оқимини, ҳисоб бўйича талаб қилинаётганидан 5% ёки 60 Вт дан кам қабул қилиш мумкин эмас.

3.45. Иситиш асбобларини, одатда кўздан кечириш, таъмирлаш, тозалаш учун қулай бўлган жойларда, ёруғлик тушадиган ўйма тагида жойлаштириш лозим.

Иситиш асбобларининг узунлиги одатда мактабгача болалар муассасаларида, мактабларда, ногиронлар ва қариялар уйларида, касалхоналарда ёруғлик ўймалари узунлигининг 75% дан кам бўлмаслиги шарт.

3.46*. Исситишнинг хонадонли тизимида иситиш асбобларини хонанинг ички деворлари ва ўртадеворларига жойлаштиришга йўл қўйилади.

3.47*. Йилнинг совуқ даврида ташқи хавонинг ҳисобий ҳарорати минус 10°С ва ундан паст бўлган (Б параметрлар) районларда, деразадаги 2 м ва ундан камроқ масофада жойлашган доимий иш жойига эга ишлаб чиқариш хоналарида иситиш асбобларини ишлаётганларни совуқ хаво оқимидан химоя қилиши учун ёруғлик тушадиган ўймалар (деразалар) остида жойлаштириш лозим.

Бундай иситиш асбобларини полдан ёки иш майдонидан 4 м баландликкача асосланганда эса ундан ҳам юқориноқ баландликкача бўлган ташқи тўсиқ конструкциялари орқали йўқотилаётган иссиқликни тўлдириш учун ҳисобга олиш лозим.

3.48. Бирга қуриладиган иситиш элементларини ташқи бир қатламли деворларга жойлаштиришга рухсат этилмайди.

Ташқи кўп қатламли деворларда ёпмаларда ва полларда сув билан иситиш тизимининг иситувчи элементларини бетонга монолитлаштиришни, ички деворлар ва тўсиқларга асослаб берилганда кўзда тутишга рухсат этилади.

3.49*. Қувурларни ҳар томонлама улашни, секциялар сони 15 дан ортиқ бўлган радиаторларга шунингдек, уларни сони икки ва ундан кўп бўлганда, "тиргак" бўйича уланган радиаторларга нисбатан кўзда тутиш лозим. Иситиш асбобларини "тиргакда" уланишини бир хона чегарасида кўзда тутишга рухсат этилади. Гардеробхона, йўлаклар, ҳожатхоналар, ювиниш хоналари, омборхона иситиш асбобларини қўшни хона асбобларига "тиргакда" улашга рухсат этилади.

3.50. Ишлаб чиқариш биноларидаги усталар учун хоналар омборхоналар, ТНБ (техник назорат бўлими) ва шунга ўхшаш унча катта бўлмаган алоҳида хоналардаги иситиш асбобларини транзит қувурларга бир қувурли схема бўйича улашга рухсат этилади.

3.51. Зина сатхларидаги иситиш асбоблари одатда биринчи қаватда жойлаштирилади, отсекларга ажратилган зина сатхларида эса ёнғинга қарши меъёрий талабларни ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир отсекда жойлаштирилади.

Иситиш асбобларини ташқи эшиги бор тамбур отсекларида жойлаштириш мақсадга мувофиқ эмас.

Зина сатхларидаги иситиш асбобларини иситиш тизимининг алоҳида тармоқлари ёки стоякларига улаш лозим.

3.52*. Ванна ва душ хоналаридаги сочиқ қуритгичлар иссиқ сув таъминоти тизимига уланмаган бўлса, уларни иситиш тизимига улаш лозим.

3.53. Суюлтирилган ёки сиқилган газли баллонларни сақлаш ва тўлдириш учун ажратилган хоналарда, шунингдек, А, Б, В категориядаги омборхона хоналарида ва ёнувчи материаллар омборхоналарида ёки ёнувчи материалларни сақлаш учун цехларда ажратилган жойларда иситиш асбобларини, уларни тозалаш учун киришни кўзда тутган ҳолда, ёнмайдиган материаллардан тайёрланган экранлар билан тўсиш лозим. Экранларни иситиш асбобларидан 100 мм дан (оралиқда) кам бўлмаган масофада ўрнатиш лозим. Фиолфи конвекторларни экранлар билан тўсиш мақсадга мувофиқ эмас.

3.54*. Иситиш асбобларини манзарали панжаралар ва экранлар билан беркитишга қоинда сифатида йўл қўйилмайди. Асосланган ҳолда, агар беркитиш иншооти иситиш асбобининг иссиқлик беришини 15% дан кўп бўлмаган миқдорда камайтирмаси, рухсат берилади.

3.55*. Сувли иссиқлик тармоғига бевосита уланган, ҳамда циркуляцияловчи насосларга эга, иккиқувурли иситиш тизими иситиш асбоблари олдида, циркуляция босими йўқолишни мувофиқлаштирувчида 8-10 кПа деб қабул қилган ҳолда мувофиқлаштирувчи арматура ўрнатиш тавсия этилади. Мувофиқлаштирувчи арматура сифатида термостат бошчали иссиқликни мувофиқлаштирувчи клапан қўллаш тавсия этилади. Хонада бирнеча иссиқликни мувофиқлаштирувчи клапан жойлаштирилганда, уларнинг фақат бир қисмигагина термостат бошчалар ўрнатишга йўл қўйилади.

Иссиқлик тизими ҳисобий иссиқлик оқими 50 кВт дан ошиқ бўлганида, барча хоналарни бир текисда иситиш учун заводда вентил қўйилмалари билан жамланган иситиш асбоблари қўллаш лозим, ёки олдиндан созланган ўтиш қувватига эга бўлган термомувофиқлаштирувчи клапан ўрнатишни кўзда тутиш керак.

3.56*. Иссиқлик етказувчиси табиий айланувчи сувли иситиш тизимларида, бирқувурли тизимларда ва элеватор орқали иссиқлик тармоғига уланувчи тизимларда, иситиш асбобларига қоида сифатида мувофиқлаштирувчи арматура ўрнатилиш лозим эмас. Айтиб ўтилган тизимларда иссиқлик чиқаришни иссиқлик манбаидан объектли мувофиқлаштиришни ёки бинога иссиқлик тармоғига кириш узелида кўзда тутиш лозим.

3.57*. Беркитувчи арматурани:

а) квартира тизимини ҳисобга олмаган ҳолда, иситиш тизимининг алоҳида халқаларидан, тармоқларидан ва стоякларидан сувни тушириб юбориш ва ўчириб қўйиш учун;

б) конденсат чиқарувчилар ва автоматик ёки масофада туриб бошқариладиган клапанлар учун;

в) иситишдан вақти-вақти билан ёки қисман фойдаланадиган бинолардаги иситиш асбобларини бир қисмини ёки барчасини ўчириб қўйиш учун кўзда тутиш лозим;

г) қувурўтказгич иситиш тизимини иссиқлик тармоғига уланадиган жойларида.

Автоматик ёки масофада туриб бошқариладиган клапанларнинг беркитувчи арматураларини асослаб берилган ҳолда, ўрнатмасликка рухсат этилади.

Икки қувурли иситиш тизимларида беркитиш-бириктириш арматурасини ҳарбир иситиш асбобидан ўчириш ва демонтаж қилиш имкониятини сақлаш учун иссиқлик етказувчининг ҳам кириш, ҳам чиқиш жойларига ўрнатиш тавсия этилади. Иссиқлик етказувчининг кириш жойидаги асбобда термо мувофиқлаштирувчи клапан мавжуд бўлган ҳолда беркитиш-бириктириш вентили фақат иссиқлик етказувчи асбобидан чиқиш жойга ўрнатиш лозим.

3.58. Биноларга кириш жойларида иссиқлик узелларида. ёки истеъмолчига иссиқлик ташувчини келтирадиган қувурларнинг тармоқланиш жойида иситиш тизимидаги иссиқлик сарфини ҳисобга олувчи ўлчам асбоблари ўрнатилишини (иссиқлик ўлчагичлар, иссиқ сув сарфини ўлчагичлар бошқа ўлчаш асбоблари) ёки уларни ўрнатиш имкониятини кўзда тутиш лозим.

Асбоблар берилмаганда, бир гуруҳ бинолар учун иссиқлик сарфини ҳисобга олувчи умумий асбоб ўрнатишга рухсат этилади.

Печ ёрдамида иситиш

3.59. Печ ёрдамида иситишни 13-сон иловада кўрсатилган биноларда қўллашга рухсат этилади.

А, Б, В категориясидаги хоналарда печ ёрдамида иситишни қўллашга рухсат этилмайди.

3.60. Хоналардаги ҳисобланган иссиқлик йўқотилиши иситиш печлари сутка давомида икки марта ёқиладиган - даврий ёқиладиган, узлуксиз ёқиладиган - узоқ ёнувчи печлар ўртача иссиқлик билан компенсацияланиши шарт.

Даврий ўтхонали хоналардаги ҳаво ҳароратининг сутка давомидаги ўзгариши $\pm 3^{\circ}\text{C}$ дан ошмаслиги шарт.

3.61. Печ юзасидаги (чўян тўшама эшик ва печнинг бошқа асбобларидан ташқари) энг катта ҳарорат °С қуйидаги ҳолларда:

90 - мактабгача болалар ва даволаш-профилактика муассасаларида;

110 - бошқа бинолар ва хоналарда печнинг умумий юзасининг 15% дан ошмаган юзада;

120 - шунинг ўзи печнинг умумий юзасини 5% дан ошмаган юзада бўлиши шарт.

Кишилар вақтинча бўладиган хоналарда ҳимояловчи экран ўрнатилганда, юза ҳарорати 120°С дан ортиқ бўлган. печларни қўллашга рухсат этилади.

3.62. Битта печни, бир қаватда жойлашган учдан ортиқ бўлмаган хоналарни иситиш учун кўзда тутиш лозим.

3.63. Икки қаватли биноларда ҳар бир қаватда алоҳида ёқилғи хоналари ва тутун йўллари бўлган икки ярусли печларни, икки ярусли квартиралар учун биринчи қаватда битта ўтхонаси бўлган печларни кўзда тутишга рухсат этилади.

Печнинг юқори ва пастки яруслари орасидаги ёпмаларда .ёғоч тўсинларни қўллашга рухсат этилмайди.

3.64. Умумтаълим мактаблари, мактабгача болалар, даволаш-профилактика муассасалари, клублар дам олиш уйлари ва меҳмонхоналар биноларидаги печларнинг ёқилғи хоналарига дарчаси бор дераза ва табиий ундайдиган сўрувчи вентиляцияга эга ёрдамчи хоналардан ёки йўлақлардан ҳизмат кўрсатиладиган қилиб жойлаштириш лозим.

3.65. Печ билан иситиш биноларида:

а) сунъий ундашли оқим билан компенсацияланмаган сунъий ундашли тортувчи вентиляция ускуналарини;

б) тутунни вентиляцион каналларга чиқариш ва тутун йўлига вентиляцион панжараларни ўрнатишга рухсат этилмайди.

3.66. Печларни, одатда, улардан тутун каналларини жойлаштириш учун фойдаланишни кўзда тутган ҳолда ёнмайдиган материаллардан тайёрланган ички девор ва тўсиқлар олдида жойлаштириш лозим.

Тутун каналларини ёнмайдиган материаллардан зарурият туғилганда чиқариб юборилаётган газлар таркибидаги намликларни конденсацияланишининг олдини олиш учун ташқи томонидан иситилган ташқи деворларда жойлаштиришга рухсат этилади. Тутун каналлари ўрнатилиши мумкин бўлган деворлар бўлмаганда, тутун чиқариб юбориш учун насадкали ёки махаллий тутун қувурларини қўллаш лозим.

3.67. Ҳар бир печ учун одатда алоҳида тутун қувури ёки канал (сўнгра - "кувур") бўлишини кўзда тутиш лозим. Битта қаватдаги бир квартирада жойлашган икки печни бир қувурга улашга рухсат этилади. Икки қувурни улаётганда қувурларнинг уланган жойи тагидан 1 м дан кам бўлмаган баландликда, 0,12 м қалинликка эга ажратмаларни кўзда тутиш лозим.

3.68. Қаттик ёқилғида ишлайдиган печларни иссиқлик қувватига боғлиқ равишда тутун қувурлари (тутун каналлари) кесимлари қуйидаги, мм дан кам бўлмаслиги лозим:

140x140 - печнинг иссиқлик қуввати 3,5 кВт гача бўлганда;

140x200 - 3,5 дан 5,2-";

140x270 - " - 5,2 - 7 .

Айлана кесимиға эға тутун каналлари кесимининг юзи қайд этилган тўғри бурчакли каналларнинг юзаларидан кам бўлмаслиги шарт.

3.69. Ўтинда ишловчи печларнинг тутун каналларида кетмакет иккита зич зулфин ўрнатишни, кўмир ёки торфда ишловчи печларнинг каналлари учун эса, диаметри 15 мм ли тешиги бўлган битта зулфин ўрнатишни кўзда тутиш лозим.

3.70. Колосникли панжарадан мўри оғзигача бўлган масофани ҳисоблаганда, тутун қувурининг баландлиги 5 м дан кам бўлмаган ҳолда қабул қилиш лозим.

Яхлит конструкция баландлигига тенг ёки катта. масофада жойлаштирилаётган тутун қувурининг томдан чиқиб турган баландлиги:

500 мм дан кам бўлмаган ҳолда - ясси том устидан;

500 мм дан кам бўлмаган ҳолда - мўрининг том зийнати ёки панжарасидан 1,5 м гача масофада жойлашганда том зийнати ва панжараси устидан;

том зийнати ёки панжарасидан паст бўлмаган ҳолда мўри - том зийнати ёки панжарасидан 1,5 м дан 3 м гача масофада жойлашганда;

том зийнатидан пастга гори-зонгга 10° бурчак остида ўтказилган чизикдан паст бўлмаган ҳолда - мўри том зийнатидан 3 м дан ортик масофада жойлаштирилганда қабул қилиш лозим.

Мўриларни, печ билан иситиладиган биноларга ёндош ундан баланд бўлган биноларнинг тоmidан юқорига чиқариш лозим.

Мўрилар ёнида жойлашган тортувчи вентиляцияли каналларнинг баландлигини мўри баландлигига тенг қилиб қабул қилиш лозим.

3.71. Мўриларни девор қалинлигини 120 мм дан кам бўлмаган ҳолда хом гиштдан ёки асосида эшикчали, тозалаш учун тешикли, гиштни қовурға томони билан лойда беркитилган 250 мм чуқурликка эға чўнтакларни кўзда тутган ҳолда, қалинлиги 60 мм дан кам бўлмаган иссиқка чидамли бетондан поғона-поғонасиз вертикал қилиб лойихалаштириш лозим.

Мўриларни вертикалга нисбатан 30° гача, четга чиқиши 1 м дан ортик бўлмаган ҳолда оғишини қабул қилишга рухсат этилади, оғган жойлар силлиқ, вертикал жойларининг кундаланг кесим юзаларидан кам бўлмаган юзали доимий кесимга эға бўлиши шарт.

3.72. Гиштли мўрилар оғзини 0,2 м баландликда атмосфера ёғинларидан ҳимоя қилиш лозим. Соябонлар, дефлекторлар ва бошқа насадкаларни мўриларга ўрнатишга рухсат этилмайди.

3.73. Ёнувчи материаллардан томи бўлган бинолардаги мўрилар, тешиқларининг ўлчами 5x5 мм дан ортик бўлмаган металл туридан тай-ёрланган уққун тутқичлар билан бирга бўлишини кўзда тутиш лозим.

3.74. Ажратма - печ ёки тутун каналига бевосита ёндашиб турган, ёнмайдиган материаллардан тайёрланган девор ёки ёпма, тўсиқ конструкцияларининг бўлаги. Ажратма ўлчамлари 14-сон иловага мувофиқ қабул қилинади. Ажратма ёпма (шип) қалинлигидан 70 мм га катта бўлиши шарт. Печ ажратмасини бино конструкциясига кўзгалмас қилиб улаш ёки унга тираш мумкин эмас. Мўри ёки тутун каналларини, металл ёки темирбетон балкаларга тегиб турган жойидаги девор қалинлигини 130 мм қабул қилиш лозим.

3.75. Ёнувчи материаллардан тайёрланган тўсиқлар ёки деворлар ўймаларига ўрнатилган печ ёки мўрилар ажратмасини, печ ёки мўрини хона ўлчамлари чегарасида бутун баландлигича бўлишини кўзда тутиш лозим. Бунда ажратма қалинлигини мазкур девор ёки тўсиқнинг қалинлигидан кам қабул қилмаслик лозим.

3.76. Ёпмалар, деворлар, тўсиқлар билан ажратма орасидаги тирқишларни ёнмайдиган материаллар билан тўлдирилишини кўзда тутиш лозим.

3.77. Тислама - печ, мўри ёки тутун канали ва деворнинг ташқи юзаси билан ёнадиган материаллардан тайёрланган тўсиқ ёки бинонинг бошқа конструкциялари орасидаги бўшлиқ 14-сон иловага мувофиқ заводда тайёрланган печлар учун эса - тайёрловчи завод хужжатларига мувофиқ қабул қилиниши лозим.

Мактабгача болалар ва даволаш-профилактика муассасалари биноларида печ олдидаги ораликни ёнмайдиган материаллардан иборат бўлган деворлар билан беркитилишини кўзда тутиш лозим.

Тисламани беркитувчи деворларда пол устида ва юқорисида ҳар бирининг кесим юзаси 150 см 2 дан кам бўлмаган панжарали туйнуклар бўлишини кўзда тутиш лозим. Беркитилган ораликдаги полни ёнмайдиган материалдан ва хона полдан 70 мм баландликда жойлашган бўлишини кўзда тутиш лозим.

3.78. Печнинг тепасидаги уч қатор ғишт билан бажарилган ёпмаси ва пўлат тўр бўйича сувок ёки 10 мм ли асбест картон бўйича пўлат билан ҳимояланган ёнувчи ёки қийин ёнадиган шип орасидаги масофани даврий ёқиладиган печлар учун 250 мм ва узок вақт ёнадиган печлар учун 700 мм, шип ҳимояланганда эса мувофиқ равишда 350 ва 1000 мм қабул қилиш лозим.

Ёпмаси икки қатор ғишрдан иборат бўлган печлар учун эса, мазкур масофаларни 1,5 баробар ошириш лозим.

Иссиқлик изоляцияси ёпмаси бўлган металл печ тепасидан ҳимояланган шипгача бўлган масофани 800 мм, иссиқлик ҳимояси булмаган ёпма ва ҳимояланмаган шип орасини эса 1200 мм қабул қилиш лозим.

3.79. Иссиқлик сиғимли печ ёпмаси (том олди ёпмаси) ва ёнувчи ҳамда қийин ёнувчи материаллардан бажарилган шип оралиғидаги жойни барча томонидан ғишт девор билан беркитишга руҳсат этилади. Бунда печ ёпмасининг қалинлигини тўрт қаторгача ғишт териб ошириш шипгача бўлган масофани эса 3.78 б. га мувофиқ равишда қабул қилиш лозим. Печ устидаги берк жой деворларида, турли баландликда ҳар бирининг кесим юзаси 150 см 2 дан кам бўлмаган икки туйнукни кўзда тутиш лозим.

3.80. Ғишт ёки бетон мўриларнинг ташқи юзасидан ёнадиган ёки қийин ёнадиган материаллардан тайёрланган стропил, стропилга терилган тахталар ва томнинг бошқа деталаригача бўлган масофани камида 130 мм, изоляцияси бўлмаган сопол қувурлардан 250 мм иссиқлик ўтказишга қаршилиги 0,3 м 2 °С/Вт иссиқлик изоляцияси бўлганда эса ёнмайдиган ёки қийин ёнадиган материаллар билан орасидаги масофа 130 мм бўлишини кўзда тутиш лозим.

Ёнувчи ёки қийин ёнувчи материаллардан тайёрланган том конструкциялари ва мўрилар орасидаги бўшлиқни ёнмайдиган том материаллари билан қайта ёпиш лозим.

3.81. Бино конструкцияларини ёниб кетишдан:

а) Ёқиш эшиги тагидан ёнувчи ва қийин ёнувчи материаллардан тайёрланган полни, узун томони печ бўйлаб жойлаштирилган ўлчамлари 700x500 мм бўлган металл тахта билан;

б) Бурчак остида печни олд томонига ёрдам бўлган ёнувчи материаллардан тайёрланган девор ёки тўсиқларни полдан ёқиш эшигининг тепасидан 250 мм юқори жойгача металл тўр бўйича 25 мм қалинликдаги сувоқ ёки қалинлиги мм бўлган асбест картон бўйича металл тахта билан сақлаш лозим. Ёқиш эшигидан қарама - қарши жойлашган деворгача бўлган масофани камида 1250 мм қабул қилиш лозим.

3.82. Пол сиртидан кулдон ва газайланмалар тубигача бўлган энг кам масофалар:

а) пол ёки ёпмалар конструкцияси ёнадиган ёки қийин ёнадиган материаллардан бўлганда кулдон тубигача 140 мм газайланма тубигача 210 мм;

б) пол ёки ёпмалар конструкцияси ёнмайдиган материалдан бўлганда пол сиртига тенг қабул қилиниши лозим.

3.83. Каркас печлар шу жумладан, оёқда турадиган печлар тагидаги ёнадиган материаллардан қилинган полни, ёнғиндан 10 мм қалинликдаги асбест картон бўйича пўлат тахта билан ҳимоялаш лозим, бунда печ остидан полгача бўлган масофа камида 100 мм бўлиши шарт.

3.84. Печларни тутун қувурларига улаш учун узунлиги 0,4 м дан ортиқ бўлмаган калта қувурлардан қуйидаги шартлар бажарилганда фойдаланишни кўзда тутишга рухсат этилади:

а) калта қувур тепасидан ёнувчи материаллардан қилинган шипгача бўлган масофа, шип ёнишдан ҳимояланган бўлмаса - 0,5 м ва ёнишдан ҳимояланган бўлса - 0,4 м бўлиши шарт;

б) калта қувур тагидан ёнувчи ва қийин ёнувчи материаллардан иборат бўлган полгача масофа камида 0,14 м булиши шарт.

Ўтга чидамлилик чегараси 0,75 соат ва ундан ортиқ бўлишини таъ-минлаб, калта қувурларни ёнмайдиган материаллардан қабул қилиш лозим.

Хонадонни иситиш*

3.85*. Хонадонни иситиш тизимига хизмат кўрсатиш минтақаси – хондон, яккахол турар-жой уйи ёки унинг бир қисми бундан кейин- хонадон) қабул қилиниши лозим.

Хонадонни иситиш учун иссиқлик манбаи сифатида:

а) заводда тайёрланган, доимий хизматчисиз ишлайдиган, ёнилғи сифатида, қоида сифатида, табиий газдан фойдаланиб, ҳарорати 90 °С гача ва ишчи босими баландлиги беш қаватгача (шу жумладан бешинчи қават ҳам) бўлган турар-жой бинолари учун камида 0,3 Мпа бўлган автоматлаштирилган иситиш қозонлари;

б) ҳарбир хонадонга бевосита киритиладиган, иссиқлик етказувчининг температураси 10* илова кўра олинадиган очиқ иссиқлик тармоқлари;

в) асослашга ҳарбир хонадонга бевосита киритиладиган ёпиқ иссиқлик

тармоқларини кўзда тутиш лозим.

Хонадоннинг иссиқ сув таъминоти, қоида сифатида, хонадонни иситиш учун ишлатиладиган иссиқлик манбаидан кўзда тутиш лозим. Ўринлаштирилган хонадонни иситиш ва иссиқ сув таъминоти тизимининг ҳисобий иссиқлик унумини ҳисобий иситишга сарфланадиган иссиқлик оқими ва хонадонни иссиқ сув билан таъминлашдаги ўртача суткалик сарфини қабул қилиш лозим.

3.86*. Кўпқаватли биноларнинг хонадонлик тизимида бўлган автоматлаштирилган газли қозонлар ташқи ҳаво билан фақатгина ёниш учун ҳаво бериш канали ва ёниш маҳсулотларини чиқариб юбориш учун мўлжалланган каналлар билан таъминланган герметик ёниш камераси билан жиҳозланган бўлиш лозим.

3.87*. Газда ишлайдиган автоматлаштирилган иситиш қозонларини ҚМҚ 2.04.08-96 талабларига жавоб берадиган нотурар-жой хоналарда кўзда тутиш лозим. Газ қозони жойлашган хонадаги дераза туйнугининг ойналаниш майдони 1 м^3 хона ҳажмига $0,03 \text{ м}^2$ ҳисоб билан олиниши керак.

Хонадонни иситиш ва иссиқ сув таъминоти тизимининг иссиқлик тармоғи кириш узелини нотураржой хонасига жойлаштириш лозим.

Ёниш камераси очиқ қозонлардан фойдаланишда юқори қисмлардаги ёруғлик туйнукларининг, ташқи эшик ёки қозон жойлаштирилган хона деворининг ёпилмайдиган тирқишлари орқали ёқилғини ёниши учун керак бўлган ташқи ҳавонинг киришини кўзда тутиш керак. Тирқишнинг аслий майдони ўрнатилган қозон мўрисининг кесим юзасига тенг бўлиши лозим.

3.88*. Хонадонли иситиш тизимини иссиқлик етказувчини айлантиришни сунъийт ёки табиий ундайдиган тартибда лойиҳалаш керак. Агар иситиш қозонида айлантурувчи насос тўхтаган ҳолда иссиқлик йиғилишини автоматик тўхтатиш кўзда тутилмаган бўлса, сунъий айлантиришни қўллашга йўл қўйилмайди.

3.89*. Хонадонли иситиш тизимининг автоматлаштирилган иситиш қозонлари ташқи ҳавонинг ҳарорати бўйинча иситишга иссиқлик ажратишни автоматик мувофиқлашувини амалга оширувчи (оби-ҳаво бўйича мувофиқлашув) назоратчилар билан жиҳозлаш тавсия этилади.

Хонадонли иситиш ва иссиқ сув таъминоти ўринлаштирилган тизимини автоматик мувофиқлаштиришда, иссиқликни иссиқ сув таъминоти эҳтиёжига беришга бирламчи аҳамият беришни кўзда тутиш лозим.

3.90*. Иситиш қозонлари учун мўриларни мазкур нормаларнинг «Печ ёрдамида иситиш» бўлимининг ва ҚМҚ 2.04.08-96 талабларига мувофиқ лойиҳалаштириш лозим.

Мўрининг конструкцияси ва жойлашувини тутун газларидан ажралувчи конденсат намлик бўлмаслигини таъминлаган ҳолда ёки мўрида ҳосил бўлган конденсат намлигини йиғиб, ташқарига бартаф этишни кўзда тутган ҳолда қабул қилиш керак.

Мазкур нормаларнинг 3.70 бандига мувофиқ герметик ёниш камерали автоматик газ қозонларидан тутун газларини бартараф этиш бештагача бўлган қозонларининг мўриларини бирлаштириб девордан ўтувчи тик мўри орқали томдан юқорига чиқариш орқали амалга оширишга йўл қўйилади. Газ ёниш учун

керак бўлган ташқи ҳаво ҳарбир қозонга алоҳида ҳавоўтказувчини кўзда тутган ҳолда бажариш лозим.

3.91*. Хонадонли иситиш ва иссиқ сув таъминоти тизимини автоматлаштиришининг тамоийл схемаси, конструктив ечими, автоматик назоратчилар билан жамланган қозонлар билан жиҳозланган тузилмасини қозон ва автоматик назоратчилар тайёрловчи завод йўриқномаларига кўра қабул қилиши керак.

4. ВЕНТИЛЯЦИЯ, КОНДИЦИЯЛАШ ВА ҲАВО БИЛАН ИСИТИШ

Умумий ҳоллар

4.1*. Вентиляцияни, хонанинг хизмат кўрсатиш ёки хизмат кўрсатиш минтақасида ички ҳаво билан ташқи ҳавони алмашинувини ташкиллаштириш орқали ҳавонинг йўл қўйиладиган сифати ва тозалигини таъминлашни кўзда тутиш лозим.

Ҳавони кондициялашни, қоида сифатида, иссиқлик комфортининг оқилона параметрлари ёки технологик жараён талаблари чегарасида хонадаги метеорологик шароитни, ҳавонинг сифати ва тозалигини таъминлаш учун кўзда тутиш керак.

Иссиқлик етказувчи сифатида ҳаводан фойдаланиш, хоналарида иситишни таъминлаш учун сув иссиқлик етказиб берувчи сифатида технологик талаблар бўйича ва 10* иловага кўра йўл қўйилмаган ҳолда, кўзда тутилиши мумкин.

4.2*. Лойиҳалаштириш жараёнида юқори самарали, тежамли, эксплуатацияда қулай бўлган, энерготежамкор вентиляция ва кондициялашни яратиш учун:

а) вентиляция ва кондициялашда қуйидагиларни кўзда тутган ҳолда:

ишлаш жараёнида энг кам вентиляция зарарли чиқиндилар ажратувчи технологик қурилмалардан фойдаланиш;

зарарли ажратмаларни юқори самарали ушлаб қолувчи маҳаллий сўрувчиларни қўллаш;

зарарлар энг кўп ажратиладиган жойдаги ҳавони бартараф этиб кирадиган ҳавони тоза минтақаларга юбориш;

вентиляция ва кондициялашни етишмаётган иссиқликни тўлдириш ва ортиқча иссиқликни йўқотиш вазифасидан озод этиш орқали уларни ортиқча зўриқишига йўл қўймасликни кўзда тутиш керак;

б) кирувчи ҳаво сарфини, қоида сифатида, санитария меъёрлари даражасида ёки зарарликларни портлашдан хатарсиз концентрациясигача эритиш учун керак бўлган миқдорда, иссиқлик етишмовчилигини иссиқлик тизимлари билан тўлдирган ҳолда, ошиқча иссиқлик ва намликни совутиш ва рециркуляцияли ҳаво қурутувчи тизимлар билан ўзлаштиришини кўзда тутиш лозим;

в) вентилятор билан айлантирилувчи ҳаво сарфини қуйидагиларни кўзда тутган ҳолда камайтириши:

агар меъёр талаблариги зид бўлмаса қўшма вентиляция қўллаш, масалан,

механик ҳаво киритиши билан табиий чиқариб юбориш ёки механик чиқазиб юбориш билан табиий ҳаво киритиш;

ҳавони рециркуляция қилишдан фойдаланиш факатгина киритилувчи ҳаво оқимидаги ҳаво ҳароратини ошириш ва асослаш билан бошқа мақсадларда ҳаво пуркаш ва ҳаво-иссиқлик пардаси ҳосил қилиш учун йўл қўйилади;

ошиқча иссиқликни ўзлаштиришда ички ва ташқи ҳавонинг ҳарорат фарқларининг ва иссиқликка эгаллиги қиймати имкони борича катта бўлишида;

г) қуйидагиларни кўзда тутиб вентиляция ва кондициялаш тизимини максимал номарказлаштириш:

таркибига фақат айрим технологик участкалар ёки қаватнинг хонасини ўз ичига олувчи бир тизимга хизмат кўрсатиладиган кичик минтақалар;

бевосита ҳавоўтказгичга қўшиб қурилган «канал кўринишидаги» қурилмаларни тизимдан фойдаланишни;

д) қуйидагиларни кўзда тутиб ҳаво алмашинувини эҳтиёж даражаси бўйича миқдорий мувофиқлаштиришни қўллаш ва тизим иш режимини бошқаришни маҳаллийлаштиришни амалга ошириш:

ҳаво бўйича унумдорлигини равонлигини мувофиқлаштирувчи ёки босқичли, ҳаво сарфини ўзгартириш учун дроссель-клапан ва тўсқичларга эга бўлган вентиляторлар ўрнатиш;

ҳаводаги намлик, «СО₂ миқдори», «ҳаво сифати», «инсоннинг ташрифи» датчиклари ёрдамида ҳонадаги ҳаво мухити параметрлари ва тозаллигини автоматик мувофиқлаштириш;

бевосита хизмат кўрсатилувчи ҳонада бошқарув пултини жойлаштириб параметрларни қўл билан мувофиқлаштириш;

е) ҳаво ҳаракати учун табиий уйғотишдан максимал фойдаланиш;

ж) оқиб келувчи ҳаво учун минимал иссиқликдаги (совутилган) ташқи ҳаводан фойдаланишида қуйидагилар кўзда тутилади:

ташқи ҳавони иситиш ҳонадаги ҳаво билан аралаштириш жараёнида конденсат намлиги ҳосил бўлмайдиган ҳароратгачи иситилади, етишмайдиган иссиқликни тўлдириш иситиш тизими ҳисобидан амалга оширилади;

ташқи ҳавони +5 °С гача иситиш ва уни хона ичидаги ҳаво билан аралаштириб юқори қисмига юборишида электрокалориферлар қўлланишни;

ҳавони кондициялашда совитилмаган ташқи ҳавони ҳонага бериш, имкони борича ҳаво билан келувчи иссиқликни рециркуляция қилувчи хавосовутовчилар орқали аралаштириб бериш;

з) сўрилувчи ҳаводаги иссиқликдан (совуқдан) оқиб келувчи ҳавони иситишда фойдаланишини, бу, 8 бўлимга кўра, қайта фойдаланилувчи энергия манбаи сифатида;

и) замонавий юқори самарали қурилма, жиҳозлар ва ашёларни қўллаш, шу жумладан: модулли тўла завод тайёрлигига эга бўлган ҳавони кондициялаш қурилмалари, жамулжам оқава қурилмалари, унумдорлиги бўйича мувофиқлантирилувчи вентилятор ва калориферлар, кассетали ва матоли осон олинувчи филтрлар, мис-алюминий иссиқ алмаштирувчилар, дастурли электрон назоратчилар ва кондициялаш ва вентиляция тизимини автоматик бошқарув асбоблари, шу жумладан намлик, СО₂ концентрацияси, «ҳаво сифати»,

«инсон ташрифи» датчиклари, қайишқоқ ва яримбикр ҳавоўтказувчилар, ўзиёпишув тасмалари ва бошқа ёрдамчи буюмлар.

4.3*. Сунъий ундашга эга вентиляцияни:

- а) агар вентиляциянинг тўхтовсиз ишлашини таъминлаш талаб этилса;
- б) агар метеорологик шароитлар ва ҳаво тозалиги табиий ундашга эга вентиляция билан таъминланмаган бўлса;
- в) табиий шамоллатиши бўлмаган хоналар ва зоналар учун кўзда тутиш лозим.

Ҳавонинг кириб келиши ёки чиқазиб юборилиши учун қисман табиий ундашдан фойдаланиладиган аралаш вентиляцияга афзаллик бериб лойиҳалаш тавсия этилади.

Хонани табиий ҳаво кирувчи ва шамоллатилиши учун ёруғлик тешикларининг юқори қисмида форточкалар ёки пастга очилувчи, хона поли майдонининг 1- 1,5 % ни ташкил этувчи фрамугалар кўзда тутилиши лозим. Тўла очилувчи форточка ёки фрамуганинг очиқ кесими юзаси 0,15 - 0,2 м² ни ташкил этиши керак.

Жамоат ва маъмурий маиший биноларнинг турли хилдаги хоналари учун вентиляциянинг турини ва ҳавоалмашилиш сонини ШНҚ 2.08.02-09* ва ШНҚ 2.09.04-09 га биноан қабул қилиниши лозим. Турар-жой биноларида ҳавоалмашилиш миқдорини ШНҚ 2.08.01-05* га биноан таъминлаб, табиий сўриш вентиляциясини кўзда тутиш керак.

4.4. Сунъий ундашга эга ҳавони совутиб ёки совутмасдан ишлайдиган вентиляцияни, 23 Вт/м³ дан кўп бўлган ортиқча иссиқликка эга ёки юза зичлиги 140 Вт/м² дан ортиқ иссиқлик оқими билан кранчига нур тушиб турганда, кран кабинаси учун кўзда тутиш лозим.

Агар кранчи кабинасини ўраб турган ҳавода зарарли моддаларнинг концентрацияси ЧРК дан катта бўлса, вентиляцияни ташқи ҳаво билан бўлишини кўзда тутиш лозим.

4.5. Газ ва буғ ажралаётган А ва Б категориядаги биноларнинг дахлиз шлюзларига, шунингдек, биринчи ва иккинчи класс хавфлилиги бўлган зарарли газлар ёки буғлар ажралаётган хоналарга ташқи ҳаво берилишини кўзда тутиш лозим.

4.6. Сунъий ундашга эга сўрма ёки оқма-сўрма вентиляцияни 0,5 м ва ундан каттароқ чуқурчалар, шунингдек, кун сайин хизмат кўрсатишни талаб этадиган ҳамда А ва Б категорияли хоналарда жойлашган ёки солиштирма оғирлиги ҳавонинг солиштирма оғирлигидан ортиқроқ бўлган газ, буғ ва аэрозоллар ажралаётган хоналардаги кузатиш ариқлари учун кўзда тутиш лозим.

4.7. Шип вентиляторлари ва елпиғич-вентиляторларни (иш жойини ҳаво билан ювиб туриш учун қўлланилаётганидан ташқари) одатда ҳаво бериш вентиляцияси тизимига қўшимча равишда йилнинг иссиқ даврида ҳавонинг ҳаракат тезлигини 1 ва 2-сон иловаларга мувофиқ рухсат этилганидан юқорироқ, аммо юза зичлиги 140 Вт/м² гача бўлган нурли иссиқлик оқими нур бериб турган хонадаги иш жойлари ва алоҳида зоналарда 0,3 м/с дан кўп бўлмаган ҳолда, даврий ошириш учун кўзда тутиш лозим.

Уларни шунингдек жамоат, маъмурий-маиший ва ишлаб чиқариш

биноларида вентиляция ва кондициялаш тизимларига қўшимча равишда қўллашга рухсат этилади.

4.8*. Йилнинг иссиқ мавсумида хонанинг ички ҳавоси хароратини нормалар йўл қўядиган даражада ёки лойиҳалаш вазифаси бўйича таъминланиши учун совутиш кўзда тутилиши лозим.

Совутиш учун хонадаги ҳавони тўлиқ рециркуляция қилиш режимда ишлайдиган фэн-койиллар, мультитизимларнинг буғлатиш-вентиляциялаш блоклари ва сплит-кондиционерлар, конвекторли совутиш тизимлари ва бошқа рециркуляцияловчи ҳавосувутовчилар қўлланиши лозим.

Совутишни хонага 17* илова талабидагидан кам бўлмаган ҳаво сарфини таъминлаб бераоладиган табиий ёки механик вентиляция билан биргаликда қўллаш керак. Бунда совутиладиган хонадаги ошиқча иссиқлик миқдорига ҳавони вентиляциялашдаги иссиқлик оқими ҳам қўшилиши лозим.

4.9. Доимий иш жойларини ташқи ҳаво билан ювиб туришни:

а) юза зичлиги 140 Вт/м² дан ортиқ бўлган иссиқлик оқими билан нурлатиб турилганда;

б) зарарли моддалар ажралиши билан бирга борадиган ва беркитишни ташкил этиш ёки маҳаллий вентиляцияни иложи бўлмаган очиқ технологик жараёнларда зарарли моддаларнинг доимий иш жойларига тарқалишининг олдини олганда кўзда тутиш лозим.

Изох. Иссиқлик оқимининг юза зичлиги лойиҳалаштиришга берилган технологик топшириқ билан аниқланади.

Эритиш, қуйиш, прокат ва бошқа иссиқ цехларда иш жойини бу цехларни оралиғидаги аэрацияланаётган ички сув билан совутилган ёки совутилмаган ҳаво билан ювиб туришга рухсат этилади.

4.10*. Ҳаво билан иситишни 15-сон иловага мувофиқ равишда кирувчи ҳаво температураси ва сарфини аниқлаб 10* сон иловада кўрсатилган хоналар учун кўзда тутиш лозим. Бунда ҳавотарқатувчилардан чиқаётган ҳавонинг харорати, °С, хонада ажралувчи газлар, буғлар, аэрозоллар ва чангларни ўз-ўзидан алангаланиш температураси, °С дан камида 20 % паст қабул қилиниши лозим.

4.11. Ҳаво берадиган ва рециркуляциялайдиган ускуналарда ҳаво қиздириляётганда ҳаво қиздиргичдаги иссиқлик ташувчини (сув, буғ ва бошқа.) ва электр ҳаво қиздиргичларнинг, шунингдек, газ-ҳаво қиздиргичларнинг иссиқлик берувчи юзалари хароратини, вентиляция ускуналари жойлаштирилган бинолар категорияси ёки кўрсатилган ускуналар жойлаштирилган хона категориясига мувофиқ равишда, аммо 150°С дан ортиқ бўлмаган ҳолда қабул қилиш лозим.

4.12. Сунъий ундашга эга тизимларда ҳавони чангдан тозалашни шундай лойиҳалаштириш лозимки, бериляётган ҳаво таркибидаги чанг миқдори:

а) аҳоли яшаш пунктининг атмосфера ҳавосидаги ЧРК дан уни турар жой ва жамоат биноларининг хоналарига бериляётганда;

б) иш зонаси ҳавосидаги ЧРК ни 30 % дан уни ишлаб чиқариш ва маъмурий-маиший биноларнинг хоналарига бериляётганда;

в) иш зонасидаги ўлчамлари 10 мкм дан катта бўлмаган чанг заррачалари

бўлган ҳавода ЧРК нинг 30% дан уни кранчилар кабинасига, бошқариш пультага, ишловчиларнинг нафас олиш зонасига шунингдек, ҳаво билан ювишга берилаётганда;

г) венткляция жихозларига техник шартлар бўйича рухсат этилган концентрацияларидан ортиқ бўлмаслиги лозим.

4.13. Сунъий ундашга эга ҳаво берувчи вентиляция тизимларида йилнинг иссиқ даврида 4.3* ва 4.12 бб. ларни ҳисобга олган ҳолда очиладиган ўймалар орқали зарур ҳаво сарфини 50% дан ортиғи бериладиган хоналар учун ташқи ҳавони чанглардан тозалашни кўзда тутмасликка рухсат этилади.

Тизимлар

4.14. Маҳаллий сўрмалар тизимларини шундай лойихалаштириш лозимки, ундаги чиқариб юборилаётган ҳаво таркибидаги ёнувчи газлар, буғлар, аэрозоллар ва чанглар концентрацияси, чиқариб юборилаётган аралашма ҳароратида аланга тарқалишнинг пастки концентрация чегараси (АТПКЧ) нинг 50 % дан ошмаслиги лозим.

4.15. Ҳаволи иситиш ва ҳавонинг оқма вентиляцияси билан биргаликдаги тизими, шунингдек, ҳаволи иситиш тизимини резерв вентилятор билан ёки иккитадан кам бўлмаган тизим ёки иситиш агрегатини кўзда тутиб лойихалаштириш лозим. Вентилятор ишдан чиққан вақтда хонадаги ҳаво ҳароратини меъёрдагидан пасайтиришга, аммо 17-сон иловага мувофиқ равишда ташқи ҳаво берилишини таъминлаган ҳолда 5°C дан паст бўлмаслигига рухсат этилади.

4.16*. Табиий шамоллатиши бўлмаган ишлаб чиқариш ва маъмурий-маиший хоналар учун (кишилар доимо бўладиган) умум алмашинув вентиляцияси тизимларини ҳар бири талаб этилаётган ҳаво алмашинуви сарфининг 50 % таъминлайдиган камида иккита ҳаво берувчи ва иккита ҳаво сўрувчи вентиляторлар билан бўлишини кўзда тутиш лозим.

Резерв вентиляторлар билан битта ҳаво берувчи ва битта ҳаво сўрувчи тизимларни кўзда тутишга рухсат этилади.

Шу категория портлашёнғин хавфсизлигига эга ва монанд зарарли моддалар ажралаётган ёнма-ён хоналар очиладиган ўймалар билан қўшилган, юқорида қайд этилган хоналар учун ҳаво бериш тизимларини резерв бўлмаган вентилятор билан сўрувчи тизимларни эса резерв вентилятор билан лойихалаштиришга рухсат этилади.

4.17*. Йил бўйи ва сутка давомида хоналарда ҳавони талаб этилаётган параметрларини таъминлаш учун белгиланган кондициялаш тизимида камида иккита кондиционер билан бўлишини кўзда тутиш лозим. Кондиционерларнинг бирортаси ишдан чиққанда, йилнинг совуқ даврида берилган ҳароратнинг ва талаб этилаётган ҳаво алмашинувининг камида 50 % ни таъминлаш зарур; хонадаги берилган параметрларнинг доимийлигига технологик талаблар бўлганда ҳавонинг талаб этилаётган параметрларини тутиб туриш учун резерв кондиционерлар ва вентиляторлар, насослар ўрнатишни кўзда тутиш лозим.

Ҳавони кондициялаш учун қайта ишлаш жараёнида иссиқлик ва

совуқликдан фойдаланишга берилган микроиклимни ушлаб туришнинг прецезион тизимидан ташқари ҳолатларда йўл қўйилмайди.

Ташқи ҳавога бўлган эҳтиёж ўзгарувчан бўлган хоналар учун кондициялаш тизими қайта ишланувчи ҳаво сарфини миқдорий мувофиқлаштиришни кўзда тутиш тавсия этилади.

Турар-жой ва жамоат биноларида, қоида сифатида, санитар нормалар миқдорида ташқи ҳавони умумалмашинаув вентиляцияси биргаликда фойдаланилувчи рециркуляцияли ҳавосовутгич билан совутувчи тизим билан лойиҳалаштириш лозим.

4.18. 1 ва 2-класс хавфи бўлган зарарли моддаларни сўриб олувчи маҳаллий тизимларнинг ҳар бир тизими учун ёки вентилятор тўхтаганда технологик жихозларнинг тўхтатиши мумкин эмаслиги ва иш сменаси давомида хонадаги зарарли моддаларнинг концентрацияси ЧРК дан ошиши сабабли икки тизим учун битта резерв вентилятор бўлишини кўзда тутиш лозим. Агар зарарли моддалар концентрациясини ЧРК гача пасайтиришни 9.13 е б га мувофиқ равишда автоматик уланадиган авария вентиляцияси билан эришиш мумкин бўлса, резерв вентиляторни кўзда тутмасликка рухсат этилади

4.19. А ва Б категориядаги хоналар учун сунъий ундашга эга сўрма умум алмашинаув вентиляция тизимларини газ, буғ ва чанг ҳаво аралашмаси бўйича аланга тарқалишининг пастки концентрация чегараси 0,1 дан ошмайдиган хоналардаги ёнувчи газлар, буғлар ва чангларнинг концентрациясини тутиб туриш учун керакли бўлган ҳаво сарфини таъминловчи (ҳар бир тизим ёки бир нечта тизим учун) битта резерв вентилятор бўлишини кўзда тутиш лозим.

Резерв вентиляторни қуйидаги ҳолларда:

а) агар умум алмашинаув вентиляция тизими тўхтаганда у билан боғлиқ бўлган технологик қурилмаларнинг тўхташи мумкин бўлса, ёнувчи газлар, буғлар ва чангларни ажралиши тўхтатилганда;

б) агар хонада, газ, буғ ва чанг ҳаволи аралашмаларга аланга тарқалишининг пастки концентрацияси 0,1 дан ошмайдиган чегарада ёнувчи газлар, буғлар ва чанглар концентрациясини таъминлаш учун зарур бўлган энг кам ҳаво сарфи билан авария вентиляцияси кўзда тутилганда ўрнатиш мақсадга мувофиқ эмас.

Агар ”а” ва “б” бандларига мувофиқ резерв вентилятор ўрнатилмаган бўлса, 9.14 б. га мувофиқ, авария сигнализацияси уланишини кўзда тутиш лозим.

Портлаш хавфи бўлган аралашмаларни сўриб олувчи маҳаллий тизимларни ҳар бир тизими учун ёки вентилятор тўхтаганда технологик жихозларнинг тўхтатилиши мумкин эмаслиги ва ёнувчи газлар, буғлар ва чанглар концентрацияси 0,1 АТПКЧ дан ортиб кетиши сабабли, икки тизим учун битта резерв вентилятор бўлишини кўзда тутиш лозим. Агар хона ҳавосидаги ёнувчи моддалар концентрациясини 0,1 АТПКЧ гача 9.1,е б га мувофиқ равишда автоматик тарзда уланадиган авария вентиляцияси билан пасайтириш таъминланса резерв вентиляторни кўзда тутмасликка рухсат этилади.

4.20*. Турар жой, жамоат ва маъмурий - маиший бинолар учун табиий ундашга эга тортувчи вентиляция тизимини йилнинг совуқ давридаги хисобий параметрларда ички ҳаво харорати ва ташқи ҳаво харорати 5°С даги солиштира

оғирликлар фарқида ҳисоблаш лозим.

Ишлаб чиқариш хоналари учун табиий ундашга эга тортувчи вентиляция тизимини:

а) ҳисобий параметрлардаги ташқи ва ички ҳаво солиштирма оғирликлари фарқи йилнинг совуқ даврида барча иситиладиган хоналар учун иссиқ даврида ортиқча иссиқлик бўлган хоналар учун;

б) 1 м/с тезликка эга шамолнинг таъсирига йилнинг иссиқ даврида ортиқча иссиқлик бўлган хоналар учун ҳисоблаш лозим.

Тураар жой биноларида ошхона, ҳожатхона, ваннахона ва душхоналарда чиқарув каналлари орқали бартараф этилган ифлосланган ҳавони ўрнини тўлдириш форточка ва дераза ва эшикларнинг пастга очилувчи фрамугалари орқали табиий кирувчи ташқи ҳаво кўзда тутилиши лозим. Вентиляцияланувчи ҳаво ҳаракатланиши учун хонадон ичидаги эшикларнинг паст қисмида 0,02 м дан кам бўлмаган тирқич ёки бир жойда ҳосил қилинган асл кесими 0,015 м² дан кам бўлмаган вентиляция панжарасига эга бўлиши лозим.

4.21. Ишлаб чиқариш хоналари учун ҳаволи иситиш тизимини доимий иш жойларидаги ёруғлик тушувчи ўймаларнинг тагига ҳаво берилганда, агар бу ўймаларга иситиш асбоблари ўрнатишнинг иложи бўлмаса, йўқотилаётган иссиқликни тўлдиришни ҳисобга олган ҳолда кўзда тутиш лозим.

4.22. Вентиляция, ҳавони кондициялаш ва иситиш тизимларини бир ёнғин отсеки чегарасида жойлаштирилган ҳар бир гуруҳ хоналар учун алоҳида кўзда тутиш лозим.

Портлаш хавфи бўйича бир категориядаги, ёнғинга қарши тўсиқлар билан тўсилмаган, шунингдек бошқа хоналарга умумий майдони 1 м² да ортиқ очик ўймалари бўлган хоналарни битта хона каби қарашга рухсат этилади.

4.23. Вентиляция кондициялаш ва ҳавони иситиш (сўнгра - "вентиляция") тизимларини қуйидаги хоналар учун:

а) тураар жой;

б) Д категориядаги жамоат, мамурий-маиший ва ишлаб чиқариш (исталган бирикмада);

в) учдан ортиқ бўлмаган қаватларда жойлашган А, Б ёки В категорияларнинг биридаги ишлаб чиқариш;

г) В, Г ёки биридаги ишлаб чиқариш;

д) учдан ортиқ бўлмаган қаватда жойлашган А, Б ёки В категорияларнинг биридаги омборлар ва омборхоналар;

е) исталган бирикмалардаги А, Б ва В категориялари ва умумий майдони 1100 м² дан ортиқ бўлмаган барча бирикмалардаги А, Б ва В категорияларнинг омборлари, агар эшиклари бевосита ташқарига бўлган алоҳида бир қаватли бинода жойлашган бўлса;

ж) Г ва Д категориялари ва Д категориядаги омборлар;

з) В категория ва иш хоналарнинг майдонида жойлашган алоҳида маъмурий - маиший хоналар учун умумий деб қарашга рухсат этилади.

Амалиёт хоналаридаги вентиляция тизимларига бўлган талаблар 16-сон иловада келтирилган.

4.24. Бир гуруҳ хоналарга умумий майдони 200 м² дан ортиқ бўлмаган

бошқа бир гурух хоналарни кўша бориб қуйидаги гурух, хоналарининг винтиляция тизимини битта тизимга қўшишга рухсат этилади:

а) турар жой ва маъмурий-маиший ёки жамоат (тегишли меъёрий хужжатларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда) хоналарини бошқа мақсадларга мўлжалланган бир гурух хоналарнинг йиғма ҳаво қувурида ўтти тутиб олувчи клапанни ўрнатиш шартида;

б) Г ва Д категорияларидаги ишлаб чиқариш ва маъмурий - маиший (оммавий одамлар бўладиган жойлардан ташқари);

в) А, Б ва В категорияларидаги ишлаб чиқариш ва барча категориядаги ишлаб чиқариш хоналари, шу жумладан омборлар ва омборхоналар бошқа мақсадларга мўлжалланган бир гурух хоналарнинг йиғма ҳаво қувурида ўтти тутиб қолувчи клапан ўрнатилган шартида 4.10б, в ёки 4.10б, г бб. ларининг талаблари. бажарилганда (ёки турар жой ва оммавий одамлар буладиган хоналардан ташқари бошқа вазифани бажарувчи хоналар).

4.25. Зарарли моддалар ёки портловчи - ёнувчи аралашмаларни сўриб олувчи маҳаллий сўрма тизимларни умумалмашинав вентиляцияси тизимларидан 4.14 б. талабларини бажарган ҳолда алоҳида лойиҳалаштириш лозим.

Резерв вентилятор билан таъминланган, сутка давомида доимий ишлайдиган умумалмашинав вентиляцияси тизимига зарарли моддаларнинг маҳаллий сўрмалар тизимини, агар ҳавони улардан тозалаш лозим бўлмаса, уларга рухсат этилади.

Амалиёт хоналарининг вентиляция тизимларига бўлган талаблар 16-сон иловада келтирилган.

4.26. Ёнувчи моддалар таркибида бўлган ускуналар атрофидаги 5 метрли зонадан қайсики бу зонада портловчи - ёнувчи аралашма ҳосил қилиниши мумкин бўлса, ҳаво чиқариб юборилаётган В, Г, Д категория хоналари учун сўрма умумалмашинав вентиляцияси тизимларини шу хонанинг бошқа тизимларидан алоҳида бўлишини кўзда тутиш лозим.

4.27. Иссиқлик оқими билан нурланиб турган иш жойларига ҳаво бериш учун ҳаво билан ювиш тизимларини бошқа вазифани бажариш учун белгиланган тизимлардан алоҳида лойиҳалаштириш лозим.

4.28. А ва Б категориялардаги хоналарнинг бир дахлиз - шлюзига ёки бир гурух дахлиз - шлюзларига ташқи ҳавони сутка давомида ва йил давомида бериш учун тизимларни резерв вентиляторни кўзда тутган ҳолда бошқа мақсадга мўлжалланган тизимлардан алоҳида лойиҳалаштириш лозим.

Битта хонанинг дахлиз - шлюзига А ёки Б категориядаги бир гурух хоналарнинг дахлиз-шлюзига ва вентиляция қурилмалар учун А ёки Б категория хоналардаги дахлиз - шлюзларга берилаётган ҳавони шу хоналар учун белгиланган ҳаво бериш тизимидан ёки дахлиз - шлюзлар учун талаб этилаётган ҳаво алмашилишига резерв вентилятор ва ёнғин ҳосил бўлганда А, Б, В, Г ёки Д категория хоналаридаги ҳаво берилишини автоматик равишда ўчирилишини кўзда тутган ҳолда, В, Г ва Д категория хоналарга хизмат кўрсатувчи тизимдан алоҳида (рециркуляциясиз) лойиҳалаштиришга рухсат этилади.

Бошқа мақсадларга мўлжалланган дахлиз-шлюзлар учун ҳаво бериш

тизимини, одатда, шу дахлиз-шлюзлар химоялаётган хонани умумий тизимлари билан кўзда тутиш лозим.

4.29. Технологик жихозларнинг маҳаллий сўрмалар тизимларини қўшилиши натижасида портлаш хавфи бор аралашма хосил қилувчи ёки янада хавфлироқ ва зарарлироқ моддалар хосил қилувчи моддалар учун алоҳида бўлишини кўзда тутиш лозим. Лойиханинг технологик қисмида ёнувчи ва зарарли моддаларнинг маҳаллий сўрмаларини умумий тизимга бирлаштириш мумкинлиги кўрсатилиши шарт.

4.30. Ёнувчи газлар ва буғлар ажратувчи А, Б ва В категорияли омборхоналардаги умумий ҳаво алмашиш тизимини сунъий ундашли бўлишини кўзда тутиш лозим. Агар ажралаётган газлар ва буғлар ҳаводан енгил бўлса ва талаб этилаётган ҳаво 1 соатда 2 баробардан кўп бўлмаса, ҳавони фақатгина юқориги зонадан чиқариб юборилишини кўзда тутган ҳолда, бундай тизимларни табиий ундашлилигини кўзда тутишга рухсат этилади. 10 т дан ортиқ сифимга эга А ва Б омборхона хоналари учун тизимнинг маҳаллий бош-қарувини кириш жойига жойлаштириб талаб этилаётган ҳаво алмашишига сунъий ундашли резерв сўрма вентиляция тизимини кўзда тутиш зарур.

4.31. Зарарли газлар ва буғлар ажратувчи омбор хоналаридан умумалмашинув сўрма вентиляция тизимини сунъий ундашли бўлишини кўзда тутиш лозим. 3-чи ва 4-чи класс хавфи бор зарарли газлар ва буғлар ажралаётган омбор хоналарида, агар улар ҳаводан енгил булса ва тизимнинг маҳаллий бошқаруви омборга кириш жойида жойлаштирилиб, талаб этилаётган ҳаво алмашишини учун резерв сўрма вентиляция тизими кўзда тутилганда, умумалмашинув вентиляция тизими сунъий ундашли бўлишини кўзда тутиш лозим.

4.32. Ҳаво қувурлари ёки вентиляция қурилмаларида чўкадиган ёки конденсацияланадиган ёнувчи моддаларнинг маҳаллий сўрмалар тизимларини ҳар бир хона ёки ҳар бир қурилма учун алоҳида лойиҳалаштириш лозим.

4.33. А ва Б категориялардаги хоналар учун умумалмашинув сўрма вентиляция тизимларини сунъий ундашли бўлишини кўзда тутиш лозим. Йилнинг иссиқ даврида шамол бўлмаган вақтда, иш қобилияти ва 4.55 б. талаблари табиий ундашлилигини кўзда тутишга рухсат этилади.

4.34. Хоналарнинг умумалмашинув вентиляция тизимларини, шу хоналарда жойлашган чуқурчалар ва кузатиш ариқчаларининг вентиляцияси учун фойдаланишга рухсат этилади.

Ташқи ҳавони қабул қилиш қурилмалари

4.35. Табиий ундашли ҳаво бериш вентиляцияси учун фойдаланилаётган қабул қилиш қурилмалари, шунингдек, очиладиган дераза ва ўймаларни 2.12 б. талабларига мувофиқ жойлаштириш лозим.

4.36. Йилнинг иссиқ даврида бинонинг ҳар бир 1 м³ ҳажмига технологик жараёнлардан иссиқликнинг солиштирма мўллиги 150 Вт дан ортиқ бўлган ишлаб чиқариш бинолари учун қабул қилиш қурилмаларни, 2.14 - 2.16 бб. бўйича ўрнатилган ташқи ҳаво ҳарорати ошишини ҳисобга олган ҳолда кўзда

тутиш лозим.

4.37. Қабул қилиш туйнуклари таг қисмини, Ўзбекистон Республикаси Бошгидромети берган кўрсаткичлар ёки ҳисоб билан аниқланган барқарор қор қатлами сатҳидан 1 м дан ортиқ; баландликда, аммо ер сатҳидан 2 м дан паст бўлмаган ҳолда жойлаштириш лозим.

Қум бўронлари ва чанг, ҳамда қумни интенсив кўчиш районларида қабул қилиш туйнукларидан кейин қум ва чангларни тиндириш камераларини кўзда тутиш ва туйнукнинг таг қисмини ер сатҳидан камида 3 м юқорида жойлаштириш лозим.

Қабул қилиш қурилмаларини ўсимлик аралашмалари билан ифлосланишидан ҳимоялашни, лойихалаштиришга берилган топшириқдаги кўрсатмага мувофиқ кўзда тутиш лозим.

4.38. Ташқи ҳаво учун умумий қабул қилиш қурилмаларини, бир хонада жойлаштирилиши мумкин бўлмаган ускуналарга ҳаво бериш тизими учун лойихалаштириш мумкин эмас.

Чиқазилаётган ва берилаётган ҳаво сарфи*

4.39*. Чиқазилаётган ва берилаётган ҳаво сарфини 15* иловага кўра ҳисоблаб топиб, санитария ва портлаш-ёнғин хатарсизлиги нормаларини таъминлаш учун керак бўлган қийматдан каттароғи қабул қилиниши керак. Хонадаги ташқи ҳавонинг сарфи 17* иловада талаб қилинган сарф миқдоридан кам бўлмаслиги керак.

4.40*. Берилувчи ҳаво сифатида қайта ишланманган ёки қайта ишланган ҳаводан фойдаланиш лозим. Асосланган ҳолда рециркуляцияни қўллашга, яъни кирувчи ҳаво сифатида ташқи ва чиқазилувчи ҳаво аралашмасидан фойдаланишга йўл қўйилади.

4.41. Дахлиз - шлюзларга берилаётган ҳаво сарфини 4.5 ва 4.28 бб. ларга мувофиқ равишда, дахлиз-шлюз белгиланган хоналардаги босимга нисбатан уларда 20 Па ортиқча босимини (эшиклар берк бўлганда), дахлиз - шлюзлар билан ажратилган бинолар орасидаги босимлар фарқини ҳисобга олган ҳолда ҳосил қилиш ва тутиб туриш ҳисобидан қабул қилиш лозим. Дахлиз-шлюзларга берилаётган ҳаво сарфи 250 м³/соат дан кам бўлмаслиги шарт. А ва Б категорияли бинолардаги лифтларнинг машина бўлимига берилаётган ҳаво сарфини лифт шахтасига туташ қисмдаги босимдан 20 Па га юқори босим ҳосил қилиш учун ҳисоб йўли билан аниқлаш лозим. Дахлиз - шлюздаги (лифтларнинг машина бўлимида) ва туташ хоналардаги ҳаво босими фарқи 50 Па дан ортиқ бўлмаслиги шарт.

4.42. Йилнинг иссиқ даврида ортиқча иссиқлиги бўлган хоналар учун берилаётган ҳаво сарфини кўзда тутиб, одатда:

а) ташқи ҳавони тўғри ёки билвосита буғланиш билан совутишни;

б) ишларни бажариш шартига кўра, ҳавони юқори намлиги талаб этилаётган хоналардаги ҳавонинг намлигини оширишни кўзда тутган ҳолда аниқлаш лозим.

4.43*. Ҳаво рециркуляцияси асослаш орқали хоналарда берилувчи ҳавони самарали тарқалишини ташкиллаштириш учун бир ёки бир неча бир турдаги

хоналар доирасида қабул қилишга йўл қўйилади.

4.44. Ҳаво рециркуляцияси:

а) 1-чи ва 2-чи класс хавфи бўлган зарарли моддалар массаси бўйича ташқи ҳавонинг максимал сарфи аниқланган хоналардан;

б) ҳаво таркибида ЎзР Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги ўрнатган меъёрлардан ортиқ, касал қўзғатувчи бактериялар ва замбуруғ концентрациялари бўлган ҳамда яққол ажралиб турган ёқимсиз ҳидлар бўлган хоналардан;

в) ҳаво қиздиргич олдида ҳавони тозалаш кўзда тутилмаганда, ҳаво қиздиргични қизиган юзаларга тегиши натижасида буғланадиган, зарарли моддалар бўлган хоналардан;

г) А ва Б категориялардаги хоналардан (ташқи дарвоза ва эшиклар олдида ҳаволи ва иссиқ-ҳаво пардалари бўлганидан ташқари);

д) В, Г ва Д категориялардаги хоналарда жойлашган қурилмалар атрофидаги 5 метрли зонадан, агар бу зоналарда ёнувчи газлар, буғлар, аэрозолларни ҳаво билан аралашшидан портлаш хавфи бор аралашма ҳосил қилиш мумкин бўлганда;

е) зарарли моддалар ва ҳаво билан портлаш хавфи бўлган аралашмаларнинг маҳаллий сурмалар тизимидан;

ж) дахлиз-шлюзлардан руҳсат этилмайди.

Ҳаво рециркуляцияси, чанг-ҳаво аралашмасининг (портлаш хавфи бўлган чанг - ҳаво аралашмасидан ташқари), уларни чангдан тозалангандан сўнг, маҳаллий сўрмалар тизимидан руҳсат этилади.

Изоҳ. Амалиёт хоналаридан ҳаво рециркуляциясига бўлган талаблар 16-сон мажбурий иловада келтирилган.

4.45. Ҳаво рециркуляцияси:

а) бир оила эгаллаб турган уй ёки меҳмонхона номери, бир квартира чегарасида;

б) 4.44,а б. да келтирилган хоналардан ташқари; 1-чи ва 2-чи класс хавфи бўлган бир хил зарарли моддалар ажратаётган бир ёки бир неча хона чегарасида чегараланади.

Ҳаво алмашилишини ташкил қилиш

4.46*. Жамоат, маъмурий - маиший ишлаб чиқариш биноларининг хоналаридан ҳавонинг чиқариб юборилишини ва берилаётган ҳавонинг тақсимланишини, сутка ёки йил давомида қўрсатилган хоналардан фойдаланиш тизимини, шунингдек, иссиқлик, намлик ва зарарли моддаларни ўзгарувчан киришини ҳисобга олган ҳолда кўзда тутиш лозим.

Вентиляциянинг умумалмашинаув тизимларида ҳаво сарфини мавсумий ўзгариши учун қуйидаги қурилмаларни кўзда тутиш лозим:

а) мувофиқланувчи айланиш частотасига эга бўлган вентиляторлар;

б) ўқли йўналтирувчи аппаратли вентиляторлар.

Агар ҳавонинг мавсумий сарфи икки ва ундан ортиқ марта фарқ қилса, у ҳолда вентиляция юқини қоида сифатида, бири йилнинг совуқ мавсумида фойдаланилмайди икки гуруҳдан иборат тизимда тақсимланади.

4.47*. Берилаётган ҳавони, одатда, бевосита кишилар доимо бўладиган хоналарга бериш лозим.

Асосланган ҳолда хонага ҳаво мухити камроқ ифлосланган кўшни хонадон ташқи ҳаво киришини кўзда тутишга йўл қўйилади.

4.48. Жамоат, маъмурий - маиший хоналар учун белгиланган берилиши керак бўлган ҳавонинг бир қисмини, биноларга хизмат кўрсатиш учун белгиланган кўшни хоналарга ёки йўлакларга ҳаво сарфини 50% дан ошмаган ҳажмида беришга рухсат этилади.

4.49. А ва Б категорияли хоналарда, шунингдек, зарарли моддалар ёки яққол ажралиб турган ёқимсиз ҳид ажраладиган ишлаб чиқариш хоналарида, ҳавонинг ортиқча босимини ушлаб туриш лозим бўлган "тоза" хоналардан ташқари, манфий балансинг бузилишини кўзда тутиш лозим.

Ҳаво кондицияланиши бўлган хоналар учун, агар уларда зарарли ва портлаш хавфи бор газлар, буғлар ва аэрозоллар ёки яққол ажралиб турган ёқимсиз ҳид бўлмаса, мусбат балансинг бузилишини кўзда тутиш лозим.

Даҳлиз - шлюз бўлмаганда, баланс бузилишини таъминлаш учун ҳаво сарфини, ҳимояланаётган хона (эшиклар берк бўлганда) босимига нисбатан камида 10 Па босим фарқи ҳосил қилиш ҳисобидан, аммо ҳимояланаётган хона ҳар бир эшигига 100 м³/соат дан кам бўлмаган ҳолда аниқланади. Даҳлиз-шлюз бўлганда, баланс бузилишини таъминлаш учун керак бўлган ҳаво сарфини, даҳлиз - шлюзга берилаётган ҳаво сарфига тенг қилиб олинади.

4.50*. Йилнинг совуқ даврида ишлаб чиқариш биноларида, асослаб берилганда, баландлиги 6 м ва ундан кам бўлса, биноларда 1 соатда бир маротаба ҳаво алмашишидан ортиқ бўлмаган ҳажмда ва баландлиги 6 м дан ортиқ бўлган биноларда 1 м² полга 6 м³/соат ҳисобидан манфий баланс бузилишига рухсат этилади.

4.51. Берилаётган ҳавони шундай йўналтириш керакки, унда ҳаво кўпроқ ифлосланган зона орқали камроқ ифлосланган зонага ўтмаслиги ва маҳаллий сўрмалар тизимининг ишини бузмаслиги лозим.

4.52. Ишлаб чиқариш хоналарида ҳаво тақсимлагичларидан иш зонасига берилаётган ҳавони:

а) иш зонасидан баландроқ ёки унинг чегарасида чиқарилаётган, шу жумладан, уюрмали вентиляциясида, горизонталь оқимлар билан;

б) полдан 2 м ва ундан юқори баландликка чиқарилаётган, қиялантирилган (пастга) оқимлар билан;

в) полдан 4 м ва ундан юқори баландликда чиқарилаётган вертикаль оқимлар билан узатиш лозим.

Унча кўп бўлмаган ортиқча иссиқликка эга бўлган ишлаб чиқариш хоналарига берилаётган ҳавони, юқори - зонада жойламган ҳаво тақсимлагичлардан вертикаль, юқоридан пастга йўналтирилган, горизонталь ёки қиялантирилган (пастга) оқимлар билан узатишга рухсат этилади.

4.53. Иссиқ - намлик нисбати 4000 кДж/кг ва ундан кам бўлганда, кўп миқдорда намлик ажратилаётган хоналарда, одатда, берилаётган ҳавонинг бир қисмини хонанинг тўсиқ конструкцияларидаги намликни конденсацияланиш зонасига бериш лозим.

Чанг ажралаётган хоналарда берилаётган ҳавони, одатда, юқориги зонада жойлашган ҳаво тақсимлагичлардан, юқоридан пастга йўналтирилган оқимлар билан бериш лозим.

Чанг ажралиши бўлмаган турли вазифаларни бажарувчи хоналарда берилаётган ҳавони хизмат кўрсатиш ва иш зонасида жойлашган ҳаво қиздиргичлардан пастдан - юқорига йўналтирилган оқимлар билан беришга рухсат этилади.

Турар жой, жамоат ва маъмурий - маиший бинолардаги хоналарда берилаётган ҳавони, одатда, юқори зонада жойлаштирилган ҳаво тақсимлагичлардан бериш лозим.

4.54. Берилаётган ҳавони доимий иш жойларига, агар улар зарарли моддалар ажратувчи манба олдида жойлашган бўлиб, улар олдида маҳаллий сўриб олишни ташкил этиб бўлмаса, бериш лозим.

4.55. Вентиляция тизими билан хоналардан ҳаво чиқарилишини, ҳаво энг юқори ҳарорат ёки энтальпияга эга бўлган ёки ифлосроқ зоналардан кўзда тутиш лозим. Чанглар ва аэрозоллар ажралганда, умумалмашинув вентиляцияси тизими билан ҳавони пастки зонадан чиқариб юборилишини кўзда тутиш лозим.

Ифлосланган ҳавони кишилар доим бўладиган жойлардаги нафас олиш зонаси орқали йўналтириш мумкин эмас.

Рециркуляцион хавонинг қабул қилиш қурилмаларини, одатда, хонанинг иш ёки хизмат кўрсатиш зонасида жойлаштириш лозим.

Зарарли ёки ёнувчи газ ёки буғлар ажратаётган ишлаб чиқариш хоналарида, ифлосланган ҳавони юқориги зонадан 1 соатда бир маротаба ҳаво алмашиш миқдоридан камайтирмай, баландлиги 6 м ба-ландроқ бўлган хоналарда, хонанинг 1 м² га 6 м³/соат дан камайтирмай чиқариб юбориш лозим.

4.56. Умумалмашинув вентиляция тизимлари билан хонанинг юқори зонасидан ҳавони чиқариб юбориш учун қабул қилиш туйнукларини:

а) шип ёки ёпма тагида, аммо полдан, ортиқча иссиқлик, намлик ва зарарли газларни чиқариш учун ўрнатилган туйнукни пастки қисмигача 2 м дан паст;

б) портлаш хавфи бор газ, буғ ва аэрозоллар (водороднинг ҳаво билан аралашмасидан ташқари) чиқариб юборилаётганда, шип ёкм ёпма текислигидан туйнукни юқорисигача 0,4 м дан кам;

в) ҳавонинг водород билан аралашмаси чиқариб юборилаётган - да, баландлиги 4 м ва ундан кам бўлган хоналарда шип ёки ёпма текислигидан туйнук юқорксигача 0,1 м дан кам ёки баландлиги 4 м дан ортиқ бўлган хоналарда, хонанинг баландлиги 0,025 дан паст (аммо 0,4 м дан ортиқ) бўлмаган ҳолда жойлаштириш лозим.

4.57. Пастки зонадан умумалмашинув вентиляцияси тизими билан ҳаво чиқариб юбориш учун қабул қилиш туйнукларини полдан туйнук тагигача 0,3 м гача масофада жойлаштириш лозим.

Иш зонаси чегарасида жойламган маҳаллий сўрмалар орқали ўтаётган ҳаво сарфини шу зонадан чиқариб юборилаётган ҳаво каби ҳисобга олиш лозим.

Авария вентиляцияси

4.58. Ишлаб чиқариш хоналари-нинг авария вентиляциясини улардан кутилмаганда катта миқдорда зарарли ёки ёнувчи газлар, буғлар ёки аэрозоллар кириши мумкинлиги сабабли, авария вақти бўйича технологик ва вентиляция жихозларни тўғри келмаслигини ҳисобга олган ҳолда, лойиҳанинг технологик қис-ми талабларига мувофиқ равишда кўзда тутиш лозим.

4.59. Авария вентиляцияси учун ҳаво сарфини лойиҳанинг технологик қисми кўрсатмалари бўйича қабул қилиш лозим.

4.60. А ва Б категориялар биноларидаги авария вентиляциясини сунъий ундашли тизим билан лойиҳалаштириш лозим.

Агар портлаш хавфи бўлган ёнувчи газлар, буғлар ва аэрозолларнинг ҳаво билан аралашмасининг гуруҳи, категорияси ва ҳарорати портлашдан ҳимояланган вентиляторларга берилган техникавий шартларга мувофиқ бўлмаса, у ҳолда исталган қаватли бинолар учун авария вентиляцияси тизими (4.71 б. га мувофиқ) эжекторлар билан бўлимини ёки (4.72 б. га мувофиқ) бир қаватли бинолар учун авария вақтида уларга ҳаво зичлигидан кам зичликка эга бўлган ёнувчи газлар ва буғлар кирганда аэрацияли ойнабанд томлар, шахталар ёки дефлекторлар орқали газлар ва буғларни чиқариб юбориш учун сунъий майлли оқимли вентиляция бўлишини кўзда тутиш лозим.

4.61. А, Г ва Д категорияли хоналарнинг авария вентиляциясини сунъий майлли қилиб лойиҳалаштириш лозим. Йилнинг иссиқ давридаги **Б** ҳисобий параметрларда талаб этилаётган хавф сарфи таъминланган шароитда, авария вентиляциясини табиий майлли этиб лойиҳалаштиришга рухсат этилади.

4.62. Авария вентиляцияси учун:

а) авария вентиляцияси зарур бўлган ҳаво сарфини таъминловчи, умумалмашинаув вентиляцияси ва маҳаллий сўрмалар вентиляция тизимини, асосий ва резерв тизимларидан;

б) “а” бандда кўрсатилган тизимлар ва етмаётган ҳаво сарфи учун авария вентиляцияси тизимларидан;

в) агар асосий ва резерв тизимлардан фойдаланиш мумкин бўлмаса ёки мақсадга мувофиқ бўлмаганда, фақатгина авария вентиляцияси тизимларидан фойдаланиш мумкин.

4.63. Авария вентиляцияси тизими билан хонага кираётган газлар ва буғларни чиқариб юбориш учун сўрма қурилмаларни (панжаралар ёки патрубклар) 4.56 ва 4.57 бб. ларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги зоналарда:

а) иш - иш зонасига ҳавонинг солиштирма оғирлигидан,- солиштирма оғирлиги оғирроқ газлар ва буғлар кирганда;

б) юқориги - камроқ солиштирма оғирликка эга газлар ва буғлар кирганда жойлаштириш зарур.

4.64. Авария вентиляцияси билан чиқариб юборилган ҳаво сарфини тўлдириш учун маҳсус ҳаво бериш тизимларини кўзда тутиш мақсадга мувофиқ эмас.

Ҳаво пардалари

4.65*. Хонага ташқи ҳаво киришини пасайтирувчи ҳаволи ва иссиқ ҳаволи пардаларни қоида сифатида ташқи ҳавонинг ҳисобий температураси минус 15 °С ва ундан пастроқ бўлган районларда (параметр **Б**):

а) хона ташқи деворларидаги доимо очик бўлган ёғуғлик тешиклари, ҳамда тамбурсиз ва бир сменада беш мартадан кўпроқ ёки камида 40 мин очиладиган дарвоза ва кириш жойлари олдида;

б) бинони лойиҳалаш вазифасида ҳаволи ва иссиқ ҳаволи пардалар рўйхати киритилган юкори синф комфортга эга бўлган жамоат бинолари вестибюлларидаги ташқи эшиклари олдида;

в) ташқи ҳаво ҳисобий температурасидан қатъий назар – ҳўл режимдаги хоналарнинг ташқи эшиклари, дарвозалари ва ёруғлик тешиклари олдида кўзда тутилиши лозим.

Ҳаво пардалари орқали бериладиган иссиқлик, бинонинг ҳаво ва иссиқлик балансида ҳисобга олинмайди.

4.66. Ташқи девор олдидаги иссиқ ҳаво пардаларига берилаётган ҳаво ҳароратини 50°С дан оширмасдан ва ташқи дарвоза ҳамда ўймалар олдида 70°С дан оширмасдан қабул қилиш лозим.

4.67. Ташқи деворлар, дарвозалар ва ўймалар орқали хонага кираётган ҳаво аралашмасининг ҳисобий ҳароратини камида, °С:

14 - енгил ишлардаги ишлаб чиқариш хоналари учун;

12 - ўртача оғирликдаги ишда ишлаб чиқариш хоналари ва жамоат маъмурий - маиший биноларнинг вестибюллари учун;

8 - оғир ишдаги ишлаб чиқариш хоналари учун;

5 - оғир ишдаги дарвоза ва ўймаларнинг эшикларидан 6 м ва ундан камроқ, ташқи деворлардан 3 м ва ундан камроқ масофада доимий иш жойи бўлмаган ишлаб чиқариш хоналари учун қабул қилиш лозим.

4.68. Ташқи ўймалар, дарвозалар ва эшиклар олдидаги ҳаволи ва иссиқ - ҳаво пардаларини шамол босимини ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаш лозим. Ҳаво сарфини, ташқи ҳавонинг ҳарорати ва шамолнинг тезлигини **Б** параметрларда, аммо 5 м/с дан ортиқ бўлмаган ҳолда қабул қилиб, аниқлаш лозим. Шамолнинг тезлиги **Б** параметрларда **А** параметрлардан кам бўлса, ҳаво қиздиргични **А** параметрларда текшириш лозим. Ҳаво ёки иссиқ - ҳаво пардаларининг тирқишлари ёки туйнукларидан ҳавонинг чиқиш тезлигини, м/с дан кўпида;

8 - ташқи девор олдида;

25 - дарвоза ва технологик ўймалар олдида қабул қилиш лозим.

Жиҳозлар

4.69. Вентиляторлар, кондиционерлар, оқимли камералар, ҳаво иситгичлар, иссиқлик утилизаторлари, чанг ушлагичлар, сузгичлар (филтрлар), клапанлар, шовкин сўндиргичлар ва бошқаларни (сўнгра- “жиҳозлар”) ҳавони ҳисобий сарфидан келиб чиққан ҳолда танлаш лозим, бунда нозичликлар орқали ҳаво сўрилиши ва йўқотилиши: жиҳозларда - ишлаб чиқарувчи заводнинг

маълумотлари бўйича; вентиляторгача бўлган сўрмалар тизими ва вентилятордан кейинги оқимли тизимларнинг ҳаво қувурларида эса - 4.114 б. нинг талабларига мувофиқ ҳисобга олинади (хизмат кўрсатилаётган хоналар ичида ўтказилган умумалмашинаув вентиляцияси тизимларининг ҳаво қувурлари қисмларидан ташқари). Тутун ва ўтни тутиб қолувчи клапанлар нозичликлари орқали ҳаво сўрилиши 5.4 б. нинг талабларига мувофиқ бўлиши шарт.

4.70. Ҳаво иситгич қувурларида сув. музлашидан ҳимоялаш учун қуйидагиларни:

а) 0 °С ва Б параметрлари бўйича ташқи ҳавонинг ҳисобий ҳароратида қувурлардаги сувнинг ҳаракат тезлигини камида 0,12 м/с қабул қилиш ёки ҳисоблаш йўли билан асослашни;

б) ҳаво иситгичлар олдида аралаштириш насослари ўрнатилишини техникавий асослаш натижасида;

в) иссиқлик ташувчиси - буғ бўлганда конденсат ажратувчи ускуналарни ҳаво иситгичлардаги конденсат оқиб тушадиган қалта улаш қувурчалардан камида 300 мм пастроқда жойлаштиришни ва конденсатни конденсат ажратувчи ускунадан терма бакларгача ўз оқими бўйича чиқиб кетишини кўзда тутиш лозим.

Изоҳ. Танлаб олинган ҳаво иситгичининг иссиқлик оқими ҳисобий иссиқлик оқимидан кўпи билан 10% га ортиқроқ бўлиши шарт.

4.71. Портлашдан ҳимояланган кўринишда ишланган жиҳозларни қуйидаги ҳолларда:

а) агарда улар А ва Б категориядан хоналарда ёки шу каби хоналарга хизмат кўрсатувчи тизимларнинг ҳаво қувурларида жойлашган бўлса;

б) А ва Б категорияли хоналарни вентиляция, кондициялаш ва ҳаво билан иситиш (шу жумладан, ҳаво - ҳаволи иссиқлик утилизатори билан) тизимлари учун;

в) 4.26 б. да кўрсатилган сўрма вентиляция тизимлари учун;

г) портлаш хавфи бўлган аралашмаларнинг маҳаллий сўрма тизимлари учун кўзда тутиш лозим.

Оддий кўринишда ишланган ус-қуналарни В, Г ва Д категорияли хоналарда жойлашган, буғ-, газ-ҳаволи аралашмаларини чиқариб ташлайдиган маҳаллий сўрмалар тизимлари учун, агар технологик лойиҳалаш меъёрларига мувофиқ технологик ускуналар нормал ишлаганда ёки бузилганда кўрсатилган портлашга хавфли концентрациядаги аралашма пайдо бўлиш имконияти мустасно бўлса, кўзда тутиш лозим.

Агар портлашдан ҳимояланган вентиляторларни техникавий шартларига ёнувчи газлар; буғлар, аэрозоллар, чанглар билан ҳаво аралашмаларининг ҳарорати, категорияси ва гуруҳи мос келмаса, у ҳолда эжекторли қурилмаларни кўзда тутиш лозим. Эжекторли қурилмалар тизимларида оддий кўринишда ишланган вентиляторлар, ҳаво ҳайдагичлар ёки компрессорлар, агар улар ташқи ҳавода ишласа, кўзда тутилиши лозим.

4.72. А ва Б категорияли хоналар учун вентиляция, кондициялаш ва ҳаво билан иситиш, оқимли тизимларнинг жиҳозларини, шунингдек, вентиляция жиҳозлари учун хоналарда жойлашган, бошқа категорияли хоналардаги

ҳавонинг иссиқлигидан фойдаланиладиган ҳаво - ҳаволи иссиқлик утилизаторларини, агар 4.88 б. да кўрсатилган портлашдан ҳимояланган тескари клапанлар кўзда тутилган бўлса, оддий кўринишда ишланганини қабул қилиш лозим.

4.73. Ҳимоялаш тўсиқларини ҳаво қувурларига уланмаган вентиляторнинг сўриб олиш ва дам бериш тешиқларида кўзда тутиш лозим:

4.74. Ёнувчи моддалардан портлашга ҳавфли чанг - ҳаволи аралашмасини тозалаш учун қуйидаги чанг ушлағичлардан ва сузғичлардан (сўнгра - “чанг ушлағичлар”):

а) портлашдаш ҳимояланган кў-ринишда ишланган, одатда, ушлан-ган чангни узлуксиз чиқариб таш-ловчи қурилмалар билан - қуруқ тозалашда;

б) одатда, портлашдан ҳимояланган кўринишда ишланган; техникавий асосланган ҳолларда эса оддий кўринишда ишланган - хўл тозалашда (шу жумладан, кўпикли) фойдаланиш лозим.

4.75*. Кирувчи ҳавонинг тақсимлағичларини:

а) ҳаво сарфини мувофиқлантирувчи тузилмага эга бўлган вентиляция, кондициялаш, ҳаво иситғичларида;

б) горизонтал текисликда 180° гача бўлган бурчакка ва вертикал текисликда 30° гача бурчакка ҳаво оқимини йўналтирувчи ва сарфини мувофиқлаштирувчи тузилмага эга бўлган иш жойларини ҳаво билан пуркаш учун қабул қилиш лозим.

4.76*. Чиқарувчи тизимлардаги газ асбоблари билан жиҳозланган панжаралар қўллаш лозим.

4.77. Ёнувчи ашёлардан ясалган оқиб келувчи ҳавонинг ҳаво тақсимлағичлари (перфорацияланган ва тирқишли ҳаво қувурларидан ташқари) ва тортиш қурилмаларидан фойдаланишга рухсат этилади.

4.78. Ёнмайдиган ашёлардан ясалган иссиқлик утилизаторлари ва шовқин сўндирғичлардан фойдаланиш лозим: иссиқлик утилизаторларининг иссиқлик алмашинувчи (ички) сиртлари учун кийин ёнадиган ашёларни қўллашга рухсат этилади.

4.78.1*. Вентиляция, кондициялаш ва ҳаволи иситиш тизимларида кўпроқ эксплуатация жараёнида юқори энергетик самарадорлик коэффициентига ва камроқ энергия йўқотилишига эга бўлган қурилма, буюм ва ашёлар ишлатилиши лозим, хусусан:

а) мувофиқлаштирувчи унумдорликка эга бўлган, ишчи юкланманинг бутун диапазонда самарали бўлган қурилмалар;

б) мувофиқлаштирилувчи айланиш частотасига эга бўлган ва электродвигатель валида қанотли насослар ва вентиляторлар;

в) чиллерларнинг белгиланган қувватини пасайтириш учун совуқлик аккумуляторлари;

г) ҳаво ҳаракати унча баланд тезликка эга бўлмаган иссиқлик алмаштирувчилар ва филтрлар;

д) иссиқлик ва совуқликни пластинкали утиллаштирувчилар;

е) «обихаво бўйича», сутканинг вақтига кўра, «эхтиёжга кўра» тизимлари билан бошқариш учун рақамли электрон назоратчилар;

ж) юқори сезувчанлик ва аниқликдаги ҳаво параметрлари датчиклари;

з) девори текис юзага эга бўлган ва ҳаво чиқазиб юбориши минимал бўлган курилма ва ҳавоўтказгичлар;

и) буғ изоляция эҳтиёжи бўлганида, ҳавоўтказгичларни самарали иссиқлик изоляция қилиш.

Жиҳозларни жойлаштириш

4.79. Ҳаво рециркуляцияси бўлган ва бўлмаган ҳаволи ва иссиқ-ҳаво пардаларнинг жиҳозларидан ташқари, қуйидаги хизмат кўрсатиладиган хоналарда:

а) А, Б ва В категорияли омборхоналарда;

б) турар жой, жамоат ва маъмурий - маиший биноларнинг хоналарида, ҳаво сарфи 10 минг м³/соат ва ундан кичик бўлган жиҳозлардан ташқари жиҳозни жойлаштиришга рухсат этилмайди.

Авария ҳолатида ишловчи вентиляция тизимлари ва маҳаллий сўрмаларнинг жиҳозларини хизмат кўрсатадиган хоналарда жойлаштирилишига рухсат этилади.

4.80. Оқиб келиш вентиляцияси ва кондициялаш тизимларининг ускуналарини ҳаво рециркуляциясига рухсат этилмайдиган хоналарда жойлаштириш мумкин эмас.

4.81. А ба Б категорияли хоналар, тизимларининг ускуналарини, шунингдек, портлашга хавфли аралашмаларнинг маҳаллий сўриб олиш тизимларининг ускуналарини ертўла хоналарида жойлаштиришга рухсат этилмайди.

4.82*. Оқиб кираётган ҳавони чангдан биринчи босқичли тозалаш сузгичларини, одатда, ҳаво иситгичларигача, кўшимча тозалаш сузгичларини эса - хонага ҳавони чиқарилишидан олдин жойлаштириш лозим.

4.83. Портлашга хавфли чанг - ҳаво аралашмасини куруқ тозалаш учун чанг ушлагичларни, одатда, вентиляторлар олдида жойлаштириш лозим.

4.84. Портлашга хавфли чанг - ҳаво аралашмасини куруқ тозалаш учун чанг ушлагичларни ишлаб чиқариш биноларидан ташқарида, очик деворлардан камида 10 м масофада ёки алоҳида биноларда, одатда, вентиляторлар билан бирга жойлаштириш лозим.

Ушланган чангни доимий чиқариб ташлайдиган курилмаси бўлмаган портлашга хавфли чанг - ҳаво аралашмаси куруқ тозалаш учун мўлжалланган чанг ушлагичларни, ҳавонинг сарфи 15 минг м³/соат ва ундан кам бўлганда, чанг массаси эса бункерлар ва сиғимларда 60 кг ва ундан кам бўлганда, шунингдек, ушланган чангни доимий чиқариб тамлайдиган курилмаси бўлганда чанг ушлагичларни, вентиляторлар билан бирга ишлаб чиқариш биноларининг вентиляция ускуналари учун алоҳида хоналарида (ертўлалардан ташқари) жойлаштиришга йўл қўйилади.

4.85. Ёнгинга хавфли чанг-ҳаво аралашмасини куруқ тозалаш учун чанг ушлагичлар ва сузгичларни (сўнгра - “чанг ушлагичлар”) қуйидагича:

а) агарда бутун бино баландлигида чанг ушлагичлардан горизонтал бўйича камида 2 м масофада дераза ўймалари бўлмаса ёки очилмайдиган икки қаватли металл панжарали ромлар арматураланган шиша билан ойналанган ёки шиша

блоклари билан тўлдирилган бўлса, I ва II даражали ўтга чидамли бинолар ташқарисида бевосита деворлар олдида, очиладиган деразалар мавжуд бўлганда эса чанг ушлагичларни бино деворларидан камида 10 м масофада жойлаштириш лозим;

б) III, IIIa, IIIб, IV, IVa, V даражали ўтга чидамли бинолардан ташқарида, деворлардан камида 10 м масофада жойлаштириш лозим;

в) вентиляция жиҳозлари учун мўлжалланган алоҳида хоналарда вентилятор ва бошқа ёнғинга хавфли чанг - ҳаволи аралашмаларнинг чанг ушлагичлари билан бирга бинолар ичида жойлаштириш лозим; бундай чанг ушлагичларни ертўла хоналарида, агар ертўла хоналаридаги бункерларда ёки бошқа ёпиқ сиғимларда йиғилаётган чанг оғирлиги 200 кг дан ошмаса ва ёнувчи чангни доимий механизацияланган чиқариб ташлаш ёки уни кўлда чиқариб ташлаш шароитлари бўлса, шунингдек, агар чанг ушлагичлар технологик жиҳозлар билан блокировка қилинган бўлса, ҳавонинг сарфи 15 минг м³/соат дан ошмаганда ишлаб чиқариш хоналари ичида (А ва Б категориядаги хоналардан ташқари) ўрнатишга рухсат этилади.

Ишлаб чиқариш хоналарида, ёнувчи чангдан чиқувчи ёнғинга хавфли чанг - ҳаволи аралашмадан тозалаш учун, агар сузгич ўрнатилган хонага бевосита кирадиган тозаланган ҳаводаги чанг концентрацияси ишчи зонасининг ҳаво таркибидаги зарарли моддалар ЧРК сининг 30 % дан ошмаса, сузгичлар ўрнатишга рухсат этилади.

4.86. Портлаш ва ёнғинга хавфли чанг - ҳаволи аралашма учун чанг тиндирувчи камераларни қўллашга рухсат этилади.

4.87. Чанг - ҳаволи аралашмани хўллаб тозалаш учун чанг ушлагичларни иситилмайдиган хоналарда вентиляторлар билан ёки улардан алоҳида жойлаштириш лозим. Чанг ушлагичларни иситилмайдиган хоналарда ёки бинолардан ташқарида жойлаштиришга рухсат этилади.

Чанг ушлагичлар (чанг - ҳаволи аралашмани қуруқ ёки хўллаб тозалаш учун) иситилмайдиган хоналарда ёки бинолардан ташқарида жойлаштирилганда чанг ушлагичларда сувни музлашдан сақлаш чораларини кўзда тутиш лозим.

4.88. А ва Б категориялардаги хоналарда хизмат кўрсатувчи оқимли вентиляция, кондициялаш ва ҳаво билан иситиш тизимларнинг жиҳозлари (сўнгра - “оқимли тизимлар жиҳозлари”) сўрма тизимларнинг жиҳозлари, шунингдек, ҳаво рециркуляцияли оқимли - сўрма тизимларнинг жиҳозлари ёки ҳаво - ҳаволи иссиқлик утилизаторлари билан бирга вентиляция жиҳозлари учун умумий хонада жойлаштиришга рухсат этилмайди.

А ва Б категориялардаги хоналарга, шу жумладан, ишчиларнинг дам олиши ва исиниши, маъмурият хоналарига хизмат кўрсатувчи оқимли тизимларнинг, шу хоналарда жойлашган ҳаво қувурларида, вентиляция жиҳозлари учун хоналар тўсиқлари билан ҳаво қувурлари кесишган жойларида портлашдан ҳимояланган тескари клапанларни кўзда тутиш лозим.

4.89. В категориядаги хонага хизмат кўрсатувчи ҳаво рециркуляцияли оқимли тизимлар жиҳозларини, портлаш - ёнғинга хавфли бўлган бошқа категориядаги хоналар учун тизимлар жиҳозлари билан бирга, вентиляция

жиҳозлари учун умумий хоналарда жойлаштиришга рухсат этилмайди.

4.90. Турар жой хоналарида хизмат кўрсатувчи оқимли тизимлар жиҳозларини, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш хоналарига хизмат кўрсатувчи оқимли тизимлар жиҳозлари билан, шунингдек, сўрма тизимлар жиҳозлари билан бирга, вентиляция жиҳозлари учун умумий хоналарда жойлаштиришга рухсат этилмайди.

4.91. Ўткир ёки ёқимсиз ҳидли ҳавони чиқариб ташлайдиган (ҳожатхоналардан, чекиш хоналаридан ва ҳ.к.) сўрма тизимлар жиҳозларини, оқимли тизимлар жиҳозлари билан бирга, вентиляция жиҳозлари учун умумий хоналарда жойлаштиришга рухсат этилмайди.

4.92. А ва Б категориялардаги хоналарга хизмат кўрсатувчи умумалмашинаув вентиляциясининг сўрма тизимлари жиҳозларини, бошқа тизимлар учун жиҳозлар билан бирга, вентиляция жиҳозлари учун умумий хоналарда жойлаштириш шарт эмас.

А ва Б категориялардаги хоналар учун умумалмашинаув вентиляциясининг сўрма тизимлари жиҳозларини, хўл чанг ушлагичли ёки чанг ушлагичсиз бўлган портлашга хавфли аралашмаларнинг маҳаллий сўрмалар тизимларини жиҳозлари билан бирга, агар ҳаво қувурларида ёнувчи моддаларнинг чўкинди қат-ламлари пайдо бўлиши истисно бўлса, вентиляция жиҳозлари учун умумий хоналарда жойлаштиришга рухсат этилади. В категориядаги хоналардан сўрма тизимлар жиҳозларини I категориядаги хоналардан сўрма тизимлар жиҳозлари билан бирга умумий хонада жойлаштириш шарт эмас.

4.93. портлашга хавфли аралашмаларни маҳаллий сўрмалар тизимларининг жиҳозларини, бошқа тизимлар билан бирга, 4.93 б. даги кўрсатилган ҳоллардан ташқари, вентиляция жиҳозлари учун умумий хоналарда жойлаштириш шарт эмас.

4.94*. Иссиқлиги (совуқлиги) дан ҳаво - ҳаволи иссиқлик утилизаторларида фойдаланиладиган сўрма тизимларининг жиҳозларини, шунингдек, рециркуляцияли тизимларнинг жиҳозлари 4.91. ва 4.92. бб. лар талабларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш лозим.

Ҳаво - ҳаволи иссиқлик утилизаторларини кирувчи тизим вентиляция қурилмалари учун мўлжалланган хоналарга жойлаштиришга йўл қуйилади.

Жиҳозлар учун хоналар

4.95. Турар жой, жамоат, маъмурий - маиший ва ишлаб чиқариш биноларида вентиляция жиҳозлари учун хоналарни лойиҳалашда ШНҚ 2.08.01-05*, ШНҚ 2.08.02-09*, ишлаб чиқариш биноларини лойиҳалаш бўйича амалдаги меъёрий ҳужжатларнинг талабларига риоя қилиш лозим.

4.96. Сўрма тизимлар жиҳозлари учун хоналарнинг категорияларини, улар хизмат кўрсатаётган хоналарнинг портлаш - ёнғин ва ёнғин хавфи категориялари бўйича қабул қилиш лозим. Хона ташқарисида жойлашган эжекторларга ташқи ҳаво узатаётган вентиляторлар, ҳаво ҳайдагичлар ва компрессорлар учун хоналар Д категориясига, бошқа хоналардан олинаётган ҳавони узатаётгани эса - шу хоналар категориясига мансуб деб қабул қилиш лозим.

Жамоат ва маъмурий - маиший хоналарда В, Г ва Д категориядаги хоналарга жойлашган технологик ускуналардан портлашга хавфли аралашмаларни чиқариб ташловчи маҳаллий сўрмалар тизимларининг жиҳозлари учун, шунингдек, 4.27 б, да курсатилган, умумалмашинав сўрма вентиляциясининг жиҳозлар учун хоналар категориясини технологик лойиҳалаш меъёрларига мувофиқ ҳисоблаб аниқлаш ёки А ва Б деб қабул қилиш лозим.

Портлашга хавфли чанг - ҳаво аралашмасини вентиляторлардан олдин жойлашган хўл тозаловчи чанг ушлагичли маҳаллий сўрмалар тизимлари жиҳозлари учун хоналарини асосланганда Д категориясидаги хоналар қаторига киритишга руҳсат этилади.

Турар жой, жамоат, маъмурий - маиший биноларни умумалмашинав вентиляциясининг сўрма тизимлари жиҳозлари учун хоналарни Д категориясига киритиш лозим.

Портлашли - ёнғин ва ёнғин хавфлиги бўйича ҳар хил категориядаги бир нечта хоналарга хизмат кўрсатаётган сўрма тизимлар жиҳозлари учун хоналарни ўта хавфлироқ бўлган категорияга киритиш лозим.

4.97. Оқимли тизимларнинг жиҳозлари учун хоналарни қуйидагиларга.

а) В категориясига, агар уларда тизимларнинг бирида сиғими 75 л ва ундан ортиқ (оғирлиги 60 кг ва ундан ортиқ) мойли сузгичлар жойлашган бўлса;

б) В категориясига, агар тизим В категориясидаги хоналар ҳавосини рециркуляцияси билан ишлаётган бўлса; қуйидаги хоналардан ташқари: ёнувчи газлар ва чанг чиқиндиларисиз хонадан ҳаво олинган ёки ҳавони чангдан тозалаи учун кўпикли ёки хўл чангушлагичлар қўлланилганда;

в) ҳавосининг иссиқлиги ҳаво - ҳаволи иссиқлик утилизаторларидан фойдаланиладиган хоналар категориясига;

г) қолган хоналарда - Д категориясига киритиш лозим.

Портлашли - ёнғин ва ёнғин хавфлиги бўйича турли категориядаги бир неча хоналарга хизмат кўрсатаётган оқимли тизимлар жиҳозлари учун хоналарни ўта хавфлироқ бўлган категориясига киритиш лозим.

4.98. А ва Б категорияларидаги хоналарга хизмат кўрсатаётган тизимлар ва 4.27 б. да кўрсатилган тизимлар жиҳозлари учун хоналарда, шукингдек, портлаш хавфли аралашмаларни маҳаллий сўрмалар тизимлари жиҳозлари учун хоналарда, иссиқлик пунктлари, сувли насослар, таъмирлаш ишларини бажариш, мойни қайта тиклаш (регенерациялаш) ва бошқа мақсадлар учун жойларни кўзда тутим шарт эмас.

4.99. Вентиляция жиҳозлари учун хоналарни, хизмат кўрсатилаётган хоналар жойлашган ёнғин бўлинмаси (отсеки) доирасида жойлаштириш лозим. Вентиляция жиҳозлари учун хоналарни ёнғин бўлинмасининг ёнғинга қарши девори ортида ёки I, II ва IIIа даражали ўтга чидамли бинолардаги ёнғинга қарши зона доирасида жойлаштиришга руҳсат этилади. Бунда хона ёнғинга қарши деворга бевосита туташиб туриш шарт; ёнғинга қарши деворни кесиб ўтаётган ҳаво қувурларида эса, ўтти тутиб қолувчи клапанларни кўзда тутиш лозим.

4.100. Портлашга хавфли аралашмаларни қуруқ тозаловчи чанг хонани кишилар кўп бўладиган (авария ҳолатидан ташқари) хоналар остига

жойлаштиришга рухсат этилмайди.

4.101. Вентиляция жиҳозлари учун хоналар баландлигини жиҳозлар баландлигидан камида 0,8 м га кўп бўлиши, шунингдек, унга юк кўтарувчи машиналарни ишлаши ҳисобга олинмиши, аммо полдан тўсиқ конструкциясининг туртиб чиқиб турган жойигача камида 1,8 м бўлиши кўзда тутилиши шарт.

Хоналарда ва иш майдонларида жиҳозларни туртиб чиқиб турган қисмлари орасидаги, шунингдек, жиҳоз ва қурилиш - конструкториялари орасидаги ўтиш жойи энини йиғув ва таъмирлаш ишларини бажарилишини ҳисобга олиб камида 0,7 м деб кўзда тутиш лозим.

4.102. Сўрма тизимлар жиҳозлари учун хоналарда 1 соатда бир карра ҳаво алмашилишидан кам бўлмаган сўрма вентиляциясини кўзда тутиш лозим.

4.103. Оқимли тизимлар жиҳозлари учун хоналарда (оқимли тутунга қарши вентиляция тизимларидан ташқари), шу хоналарда жойлашган жиҳозлар ёки алоҳида тизимлардан фойдаланиб, 1 соатда камида икки каррали ҳаво алмашинадиган оқимли вентиляциясини кўзда тутиш лозим;

4.104. Вентиляция жиҳозлари учун хона орқали енгил алангаланадиган ва ёнадиган суюқликли ва газли қувурларни ётқизиб ўтказиш таъқиқланади.

Оқимли тизимлар вентиляция жиҳозлари учун хона орқали канализация қувурларини, ёнғин канализацияси қувурлари ёки вентиляция жиҳозлари учун юқорида жойлашган хоналардан сув йиғиш учун қувурлардан ташқари, ётқизиб ўтказишга рухсат этилмайди.

4.105. Бир дона жиҳознинг (вентилятор, электрюритгичлар) ёки унинг қисмининг оғирлиги 50 кг дан ортиқ бўлганда жиҳознинг таъмирланишини таъминлаи учун юк кўтарувчи машиналарни (агар технологик эҳтиёжлар учун мўлжалланган механизмлардан фойдаланишнинг иложи бўлмаса) кўзда тутиш лозим.

Ҳаво қувурлари

4.106. Умумалмашинаув вентиляцияси, ҳаволи иситиш ва кондициялаш тизимлари ҳаво қувурларида ёнғин даврида хонага ёниш маҳсулотлари (тутун) қиришига йўл қўймаслик мақсадида қуйидаги қурилмалар.

а) жамоат, маъмурий - маиший бинолар учун қаватлар бўйича терма ҳаво қувурларининг вертикал коллекторларга уланган жойига - ўтқи тутиб қолувчи клапанлар;

б) тузар жой, жамоат ва маъмурий - маиший кўп қаватли бинолар хоналари учун, шунингдек, Г ва Д категориясидаги ишлаб чиқариш хоналари учун вертикал ва горизонтал коллекторларни қаватлар бўйича терма ҳаво қувурларига уланган жойида - ҳаво занжирлари.

Ҳар бир горизонтал коллекторга 5 тадан ортиқ қават бўйича ҳаво қувурларини улаш шарт эмас;

в) А, Б ва В категориясидаги хоналарга хизмат кўрсатаётган ҳаво қувурларида, ҳаво қувурлари хизмат кўрсатаётган хонага яқин жойлашган ёнғинга қарши тўсиқ ёки ёпмани кесиб ўтган жойида - ўтқи тутиб қолувчи клапанлар;

г) бир қават доирасида умумий коридорга чиқиш жойлари билан умумий

майдони 300 м² дан ошмаган, А, Б ёки В категориялардан биридаги хоналар гуруҳига (омбордардан ташқари) хизмат кўрсатаётган ҳар бир транзит терма ҳаво қувурида (тармоқланишдаги энг яқин вентил-лятордан 1 м дан ортиқ бўлган масофада) - ўтқи тутиб қолувчи клапан;

д) А, Б ва В категориясидаги ҳар бир хона учун алоҳида ҳаво қувурларида уларни терма ҳаво қувури ёки коллекторга уланган жойида - тесқари клапанлар кўзда тутилиши лозим.

Изоҳлар: 1. "а" ва "в" бандларда кўрсатилган ўтқи тутиб қолувчи клапанларни тўсиқда, бевосита тўсиқ олдида исталган томонида ёки унинг ташқарисида, тусиқдан клапангача ҳаво қувури участкасида ўтга чидамлик чегараси тўсиқнинг ўтга чидамлик чегарасига тенг бўлган ҳолда таъминлаб, ўрнатиш лозим.

2. Агар техник сабабларга кўра клапанлар ёки ҳаво занжирларини ўрнатишнинг иложи бўлмаса, унда ҳар хил хоналардаги ҳаво каналларини бир тизимга бирлаштириш мумкии эмас, бундай ҳолда ҳар бир хона учун клапанларсиз ёки ҳаво занжирларисиз алоҳида тизимлар кўзда тутилиши лозим.

3. Портлаш ва ёнғинга хавфли аралашмаларни маҳаллий сўрма тизимлари ҳаво каналлари "в" ва "д" бандларига мувофиқ ҳолда лойиҳалаштириш лозим.

4. Турар жой, жамоат, маъмурий - маиший биноларнинг умумалмашинаув вентиляцияси ҳаво қувурларини иссиқлик чордоғига бирикиши ҚМҚ 2.01.01-94 га мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг III - қурилиш - иқлимий зонасида қури-лаётган бинолардан ташқари, кўзда тутилишига рухсат этилмайди.

5. Даволаш - профилактикага мўлжаллаган биноларда вертикал коллекторлардан фойдаланишга рухсат этилмайди.

4.107. Тесқари клапанларни (вентиляция ишламаган вақтда) турли қаватларда жойлашган, ташқи ҳавонинг сарфи зарарли моддалар ассимиляцияси шартидан аниқланган хоналарнинг биридан бошқа-ларига 1-чи ва 2-чи класс хавфи бўлган зарарли моддаларнинг оқиб ўтишидан ҳимоялаш учун кўзда тутилиши лозим.

4.108. Ҳаво қувурларини 18-сон иловада кўрсатилган материаллардан фойдаланиб лойиҳалаштириш лозим. Асбест - цемент материаллардан тайёрланган ҳаво қувурларини қўллашга рухсат этилмайди.

Ҳаво қувурлари учун талаб этилган ўтга чидамлик чегарасига теги ёки ундан юқорироқ чегарасига эга бўлган биноларнинг ёнмайдиган конструкцияларидан, енгил конденсацияланадиган буғлар таркибида бўлмаган ҳавони узатиш учун фойдаланишга рухсат этилади, бунда конструкцияларни зичлаштиришни, ички сиртларини силлиқлаштиришни (сувоқлаш, елимлаш ва ш.к.) ва ҳаво қувурларини тозалашни кўзда тутиш лозим.

4.109. Доиравий, тўғри бурчакли ва бошқа кесимли ҳаво қувурларини қўллашга йўл қўйилади. Кўндаланг кесим ўлчамларини 19-сон иловадан қабул қилишга рухсат этилади.

4.110. Ёнмайдиган материаллардан бўлган ҳаво клапанларини:

а) портлашга хавфли ва ёнғинга хавфли аралашмаларнинг маҳаллий сўрма тизимлари, авария ҳолати тизими ва ҳамма узунлиги бўйича ҳарорати 80 °С ва юқори бўлган ҳавони узатаётган тизимлар учун;

б) транзит тармоқлар ёки турар жой, жамоат, маъмурий - маиший ва ишлаб чиқариш биноларини умумалмашинув вентиляция, ҳавони кондициялаш ва ҳавони иситиш тизимлари коллекторлари учун;

в) вентиляция жихозлар учун хоналар ичида ҳамда техник қаватлар ва ертўлаларда ўтказиш учун лойиҳалаштириш лозим.

4.111. Қийин ёнадиган материаллардан иборат ҳаво қувурларини Д категориясидаги бир қаватли турар жой, жамоат, маъмурий - маиший бинолар ва ишлаб чиқариш хоналари учун одамлар кўп йиғиладиган хоналар ва 4.110, а б. да кўрсатилган тизимлардан ташқари, кўзда тутишга рухсат этилади.

4.112. Ёнувчи материаллардан бўлган ҳаво қувурларини хизмат кўрсатаётган хоналари чегараларида 4.110 бандда кўрсатилган ҳаво қувурларидан ташқари, кўзда тутишга рухсат этилади.

Ёнувчи материаллардан бўлган Д категориядаги хоналардан ўтувчи ва хизмат кўрсатувчи ҳаво қувурлари тизимининг эгилувчан қистирмалари ва шахобчаларини, агар уларнинг узунлиги қийин ёнувчи материаллардан бўлган ҳаво қувурлари узунлигининг кўпида 10% ни ва қийин ёнувчи материаллардан бўлган ҳаво қувурлари учун - 5% ни ташкил қилса, лойиҳалаштиришга рухсат этилади. Вентиляторнинг эгилувчан қистирмалари, 4.110, а б. да кўрсатилган тизимлардан ташқари қийин ёнувчи материаллардан лойиҳалаштиришга рухсат этилади.

4.113. Ҳаво қувурларининг емирилишга қарши ҳимоялаш учун ёнувчи материаллардан тайерланган, қалинлигини 0,5 мм дан ошмаган бўёқ ёки қалинлиги 0,5 мм дан ошмаган плёнка (парда) дан фойдаланишга рухсат этилади.

4.114. Ҳаво қувурларини:

а) П классдаги (зич) - вентилятор олдидаги статик босими 1400 Па дан кўп бўлган умумалмашинув вентиляцияси ва ҳаволи иситиш тизим-ларининг транзит тармоқлари учун ва босимга боғлиқ бўлмаган маҳаллий сўрмалар ва кондициялаш тизимлари транзит тармоқлари учун ҳамда А ва Б категориясидаги хоналарга хизмат кўрсатаётган тизимлар учун;

б) Н классдаги (нормал) қолган ҳолларда қўллаш лозим.

Ҳаво қувурларининг нозичликлари орқали ҳавонинг йўқотилиши ва сўрилиши 1 - жадвалда кўрсатилган катталиклардан ошмаслиги лозим.

4.115. Хизмат кўрсатилаётган ёки бошқа хонанинг тўсиғини ёки ёнғинга қарши тўсиғини кесиб ўтгандан сўнг вентиляция жихозлар учун хонагача бўлган транзит ҳаво каналлари ва коллекторлари 2 - жадвалда кўрсатилган ўтга чидамлилиқ чегарасидан кам бўлмаган ҳолда кўзда тутилиши лозим.

1- ж а д в а л

Ҳаво қувури-нинг класс	Вентилятор олдидаги ҳаво қувурида ҳавонинг ортиқча статик босими (мусбат ёки манфий) қуйидагича бўлганда, кПа, ҳаво қувурларининг 1 м ² ёйилган майдонидаги ҳаво йўқолиши ёки сўрилиши, м ³ /соат																
	0,2	0,4	0,6	0,8	1,0	1,2		1,6	1,8	2,0	2,5	3,0	3,5	4,0	4,5	5,0	

Н	3,6	5,8	7,6	9,2	10,7	12,1	13,4	-	-	-	-	-	-	-	-	-
П	1,2	1,9	2,5	3,0	3,5	4,0	4,4	4,9	5,3	5,7	6,6	7,5	8,2	9,1	9,9	10,6

Изоҳлар: 1. Хаво қувурларидаги ҳавонинг йўқотилиши ёки сўрилиши c тизимдаги ҳавони фойдали сарфидан, % да, қуйидаги формуладан аниқлашга рухсат этилади

$$c = K l \frac{D_m p^{0.67}}{D_v^2 v} \quad (4)$$

бу ерда: K - коэффициент, II классдаги хаво қувурлари учун 0,004 га тенг N классдаги - 0,012 деб қабул қилинади;

l - транзит хаво қувурларини йиғинди узунлиги, маҳаллий сўрмалар учун эса хизмат кўрсатилаётган хонадаги тармоқлар ҳам ҳисобга кирилади, м;

D_v - вентиляторга уланган жойдаги хаво қувурларининг диаметри, м;

D_m - хаво қувурини ҳисобга олинаётган 1 қисмининг ўртача диаметри. Тўғри бурчакли хаво қувурлари учун D_v ёки $D_m = 0,32 S$ деб қабул қилиш лозим. Бу ерда S - хаво қувурининг периметри, м;

p, v - вентиляторга уланган жойида, мос равишда, хаво қувуридаги ортикча статик босим, Па, ва ҳавонинг тезлиги, м/с.

2. Тўғри бурчакли кесимли хаво қувурлари учун ҳавонинг йўқотилиш ва сўрилиш катталигини аниқлаш учун 1,1 коэффициентини киритиш лозим.

2 - ж а д в а л

Вентиляция тизими хизмат кўрсатаётган хоналар	Транзит хаво каналлари ва коллекторнинг, уларни хона орқали ўтказилганда ўтга чидамлилиқ чегараси, соат								
	А,Б,В категориядаги омборлар ва ёнувчи материаллар омборхона	категориялар			ишлаб чиқариш биноларидаги коридорлар	Мазмۇрий - маиший	жамоат	Коридорлар (ишлаб чиқариш биноларидан ташқар.)	Туражой
		А, Б ёки В	Г	Д					
А,Б,В категориядаги омборлар ва ёнувчи материаллар сақланадиган омбор	$\frac{0,5}{0,5}$	$\frac{0,5}{0,5}$	$\frac{0,5}{0,5}$	$\frac{0,5}{0,5}$	$\frac{0,5}{0,5}$	Рухсат этилмайди			
А,Б ёки В категориялари	$\frac{0,5}{0,5}$	$\frac{0,25}{0,5}$	$\frac{0,25}{0,5}$	$\frac{0,25}{0,5}$	$\frac{0,25}{0,5}$	$\frac{0,25}{0,5}$	$\frac{0,25}{0,5}$	$\frac{0,25}{0,5}$	Рухсат этилмайди
Г ёки Д категориялари	$\frac{0,5}{0,5}$	$\frac{0,25}{0,5}$	Меъёрлан-майди		$\frac{0,25}{0,5^*}$	$\frac{0,25}{0,5}$	$\frac{0,25}{0,5}$	$\frac{0,25}{0,5}$	Шу каби
ишлаб чиқариш	$\frac{0,5}{0,5}$	$\frac{0,25}{0,5}$	Меъёрланмайди						

Вентиляция тизими хизмат кўрсатаётган хоналар	Транзит ҳаво каналлари ва коллекторнинг, уларни хона орқали ўтказилганда ўтга чидамлик чегараси, соат								
	А,Б,В категориядаги омборлар ва ёнувчи материаллар омборхона	категориялар			ишлаб чиқариш биноларидаги коридорлар	Маъмурий - маиший	жамоат	Коридорлар (ишлаб чиқариш биноларидан ташқар.)	Тураар жой
		А, Б ёки В	Г	Д					
биноларидаги коридорлари			0,5*	0,5*	0,5*	0,5*	0,5*	0,5*	“
Маъмурий - маиший	Рухсат этилмайд	$\frac{0,25}{0,5}$	$\frac{0,25}{0,5}$	Меъёрланмайд					
		0,5*	0,5*	0,5*	0,5*	0,5*	0,5*	0,5*	“
Жамоат	Шу каби	$\frac{0,25}{0,5}$	$\frac{0,25}{0,5}$	Меъёрланмайд					
		0,5*	0,5*	0,5*	0,5*	0,5*	0,5	0,5	0,5
коридорлар (ишлаб чиқариш бинолардан ташқ.)	Рухсат этилмайд			Меъёрланмайд					
				0,5*	0,5*	0,5*	0,5	0,5	0,5
Тураар жой	Шу каби			Меъёрланмайд					
				0,5*	0,5*	0,5*	0,5*	0,5	0,5*

* 0,25 соат - Ша, IV, IVa ва V даражали ўтга чидамли биноларда.

Изоҳлар: 1. Жадвалда ўтга чидамлик чегарасининг қийматлари каср кўринишда келтирилган: суратда - хизмат кўрсатилаётган бино чегарасида; маҳражда - хизмат кўрсатилаётган қават ташқарида.

2. Бир қаватдаги бир неча ҳар хил хоналар орқали ўтказилаётган ҳаво каналлари учун ўтга чидамлик чегарасини бир хил каттароқ қийматини кўзда тутиш лозим.

4.116. Жамоат ва маъмурий-маиший бинолар хоналари учун ҳамда В (омборлардан ташқари), Г ва Д категориясидаги хоналар учун ўтга чидамликнинг меъёрланадиган чегараси 0,75 соат ва ортиқ бўлган ҳар бир ёнғинга қарши тўсиқлар ёки ўтга чидамликнинг меъёрланадиган чегараси 0,25 соат ва ундан ортиқ бўлган ҳаво қувурлари ёпмалари кесишганда ўтти тутиб қолувчи клапанларни ўрнатишни кўзда тутган ҳолда, ўтга чидамлик чегараси меъёрланадиган ёнмайдиган материаллардан бўлган транзит ҳаво қувурларини лойиҳалаштиришга рухсат этилади.

4.117. Исталганча қўлланишга мосланган тизимларнинг транзит ҳаво қувурлари ва коллекторларини лойиҳалаштиришга:

а) қийин ёнадиган ва ёнадиган материаллардан, ҳар бир ҳаво қувури алоҳида ўтга чидамлик чегараси 0,5 соат бўлган, ёнмайдиган материаллардан қилинган шахта, ғилоф ёки гильзада ўтказилган шартда;

б) ҳаво қувурлари учун меъёрланадиган пастроқ, аммо 0,25 соатдан паст

бўлмаган ўтга чидамлик чегарасидаги материаллардан ҳамда ҳаво қувурлари ва коллекторлари ўтга чидамлик чегараси 0,5 соат бўлган, ёнмайдиган материаллардан қилинган умумий шахталар ва бошқа тўсиқлардан ўтказилган шартда А, Б ва В категориядаги хоналар учун коллекторлар рухсат этилади.

4.118. Вентиляция жихозлар учун хонадарда ва ташқаридан ўтказилган ҳаво қувурлари ва коллекторларини ўтга чидамлик чегараси, вентиляция жихозлар учун хона орқали ўтказилган транзит ҳаво қувурлари ва коллекторларидан ташқари, меъёрланмайди.

4.119. А ва Б категориясидаги хоналарнинг тамбур - шлюзлар тизимлари, ҳамда портлашга хавфли аралашмаларни маҳаллий сўрмалар тизимлари учун транзит ҳаво каналлари 0,5 соат ўтга чидамлик чегарасида лойиҳалаштириш лозим.

4.120. Ёпмалар ва ёнғинга қарши тўсиқларни кесиб ўтадиган ҳаво қувурларида ва тирқишларида ўрнатиладиган ўтни тутиб қолувчи клананларни қуйидаги ўтга чидамлик чегараси билан:

ёпманинг ва тўсиқнинг меъёрланадиган ўтга чидамлик чегараси 1 соат ва ундан ортиқ бўлганда - 1 соат;

ёпманинг ва тўсиқнинг меъёрланадиган ўтга чидамлик чегараси 0,75 соат ва ундан ортиқ бўлганда - 0,5 соат;

ёпманинг ва тўсиқнинг меъёрланадиган ўтга чидамлик чегараси 0,25 соат ва ундан ортиқ бўлганда - 0,25 соат бўлган ҳолини кўзда тутиш лозим.

Қолган ҳолларда ўтни тутиб қолувчи клапанлар, улар ишлатилишига мўлжалланган ҳаво қувурларининг ўтга чидамлик чегарасидан кам бўлмаган, аммо 0,25 соат дан кам бўлмаган ҳолини кўзда тутиш лозим.

4.121. Ҳаво қувурларини, ёнғинга қарши меъерлар талабларини бажарган ҳолда, ёнғинга қарши деворларида ўтказилишига рухсат этилади.

4.122. Транзит ҳаво қувурларини (оқимли тутунга қарши вентиляция ҳаво қувурлари бундан мустасно) зинапоя катаклари ва сақланиш хоналари орқали ўтказиш шарт эмас.

4.123. А ва Б категориядаги хоналар учун ҳаво қувурлари ва портлашга хавфли аралашмаларни маҳаллий сўрма тизимлари ҳаво қувурларини ертўлаларда ва ерости каналларидан ўтказиш шарт эмас.

4.124. Биноларнинг деворлари, пардеворлари, ёпмалари орқали транзит ҳаво қувурлари ўтиш жойини (жумладан, ғилофлар ва шахталарда) кесиб ўтаётган тўсиқда меъёрланган ўтга чидамлик чегарасини таъминлаган ҳолда ёнмайдиган материаллар билан зичлаш лозим.

4.125. Портлашга хавфли аралашмалар ўтадиган ҳаво қувурларини, газлар, буғлар, чанглар ва аэрозоллар ўз - ўзидан алангаланиш ҳароратидан камида 20% дан пастрок ҳароратга эга бўлган иссиқлик ташувчи қувурлар кесиб ўтишига рухсат этилади.

4.126. Портлашга хавфли аралашмаларни, шунингдек 1-чи ва 2-чи класслар хавфидаги зарарли моддаларни маҳаллий сўрмалар тизимлари ҳаво қувурларининг босимли тармоқларини бошқа хоналар орқали ўтказиш шарт эмас.

Ечиладиган бирикмалари бўлмаган II классли пайвандланадиган

қўрсатилган ҳаво қувурларини ўтказишга рухсат этилади.

4.127. Ҳаво қувурлари, шунингдек, ҳаво қувурлари сифатида фойдаланиладиган қуриш конструкциялари ичида ва ташқарисида уларнинг деворларидан 50 мм дан кам бўлмаган масофада газ қувурлари ва ёнувчи моддали қувурлар, кабеллар, электр ўтқазиш ва канализация қувурларини жойлаштиришга рухсат этилмайди, шунингдек, ҳаво қувурларини шу коммуникациялар билан кесишишига рухсат этилмайди.

4.128. Ҳаво алмашинув сўрма тизимлари ва ҳаводан энгил ҳаво билан ёнувчи газлар аралашмасининг маҳаллий сўрмалар тизимларининг ҳаво қувурларини газ - ҳаволи аралашмаси ҳаракат йўналиши бўйича камида 0,005 қияликда лойиҳалаштириш лозим;

4.129. Намлик ёки бошқа суюқликларнинг кондицияланиши ёки ўтириб қолиш эҳтимоли бўлган ҳаво қувурларини ҳаво ҳаракатланиши томонига камида 0,005 қияликда ва суюқликнинг чиқариб юборилиши кўзда тутилган ҳолда лойиҳалаштирилиши лозим.

4.130. Ҳаво қувурлари тармоқлари бўйича босим йўқолишининг фарқланиши 10% дан ошмаслиги шарт.

4.131*. Қуйидагиларни назарга олган ҳолда вентиляциялаш ва ҳаволи иситиш кирувчи тизимларининг ҳавоўтказгичлари иссиқлик изоляция қилинишлари лозим:

а) ҳавоўтказгич юзасининг температураси 40 °С дан юқорироқ ва 15 °С дан пастроқ бўлганида беҳуда иссиқлик ва совуқлик йўқолитишини қисқартириш учун;

б) транзит ҳаво ўтказгичларда талабдаги температуранинг сақлаш керак бўлганида;

в) ички ҳаво қировланиш нуқтаси температурасидан совуқ ҳаво ташилаётганида ҳавоўтказгичнинг ташқи юзасидаги температура пастроқ бўлиб қолганида конденсат ҳосил бўлишини олдини олиш учун.

Ҳаво ўтказгичларни теплоизоляция қилишида ёнғин-техник хусусиятлари бўйича мазкур ҳавоўтказгич ашёларига қўйилган талабларни, унинг қўйиладиган жойини ҳисобга олган ҳолда қондирувчи ашёларни қўлланиш лозимлигини кўзда тутиш.

5. ЁНҒИНДАГИ ТУТУНГА ҚАРШИ ҲИМОЯ

5.1. Ёнғин вақтида тутунни чиқариб юбориш учун тутунга қарши авария вентиляциясини (сўнгра - “тутунга қарши вентиляция”) ёнғинни хавфсиз тугатиш ва бино хоналаридаги кишиларнинг эвакуациясини таъминлаш учун лойиҳалаштириш лозим.

5.2. Тутунни:

а) ҚМҚ 2.08.01-94, ҚМҚ 2.08.02-96, ҚМҚ 2.09.04-98 ва бошқа амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ равишда, турар жой, жамоат ва маъмурий - маиший биноларнинг ҳоллари ёки йўлакларидан;

б) баландлиги 26,5 м дан юқори бўлган ишлаб чиқариш ва маъмурий - маиший биноларни йўлакларидан;

в) табиий ёритиш учун ёритиш ўймалари бўлмаган (сўнгра- “табиий ёритишсиз”), каватлар сони 2 ва ундан ортиқ бўлган А, Б ва В категориялардаги ишлаб чиқариш биноларининг узунлиги 15 м дан ортиқ бўлган йўлаклардан;

г) полдан 2,2 м ва юқори баландликда фрамуга пастигача деразининг юқори қисмида фрамугани очиш учун ва ойнабанд туйнуклардаги ўймаларни, агар хоналар А,Б ёки В категорияларга; IVа даражали ўтга бардошли биноларда Г ёки Д категориялари каторига киритилса, очиш учун (икки холатла ҳам ёнғин пайтида тутунни чиқариб юбориш учун етарли майдонга эга бўлганда) механизациялашган узатишга эга бўлмаган, табиий ёритилиши бўлган еки табиий ёрилитиши бўлмаган доимий иш жойига эга бўлган ишлаб чиқариш ва омборхона хоналарининг ҳар биридан;

д) табиий ёритилиши бўлмаган ҳар бир хонадан: жуда кўп кишилар бўлиши учун мўлжалланган жамоат ёки маъмурий-маиший хоналардан: ёнувчи материалларни сақлаш ёки улардан фойдаланиш учун белгиланган майдони 55 м² ва ундан ортиқ бўлган хоналардан, агар унда доимий иш жойлари бўлса; майдони 200 м² ва ортиқ бўлган кийим ечиш жойларидан ёндаш йўлак орқали чиқариб юборишни лойиҳалаштиришга рухсат этилади.

Тутунни, майдони 200 м² ва кам бўлган В категориядаги ишлаб чиқариш хоналаридан, ёндаш йўлак орқали чиқариб юборишни лойиҳалаштиришга рухсат этилади.

Ушбу банднинг талаблари:

а) А ва Б категориядаги хоналардан ташқари, автоматик равишда сув ёки кўпикли ўт ўчириш ускуналари билан жиҳозланган, майдони 200 м² дан кам биноларга;

б) автоматик газ билан ўт ўчириш ускуналари билан жиҳозланган хоналарга;

в) 16-сон иловада кўрсатилган амалиёт хоналарига татбиқ этилмайди.

Изох. Тутунни чиқариб юбориш кузда тутилган асосий бино майдонида, ҳар бири 50 м² ва кам майдонли бошқа хоналар жойлаштирилганда, тутун сарфи ҳисобини шу хоналарнинг умумий майдонини ҳисобга олган ҳолда ҳисобланган шароитда, бу хоналардан алоҳида тутун чиқариб юборишни кўзда тутмасликка рухсат этилади.

5.3. Йўлак ёки холлдан чиқариб юборилган тутун сарфини, кг/соат. йўлак бўлмаганда тутуннинг солиштирама оғирлигини 6 Н/м³, унинг ҳароратини 300 °С ва ташқарига ёки зина сатҳига очиладиган эшиклар орқали йўлакка қираётган ҳавони қабул қилиб, 20-сон илова бўйича ёки ҳисоблаш йўли билан аниқлаш лозим.

Икки тавақали эшик бўлганда. ҳисоб учун (бу ерда ва қуйида) катта тавақасининг очилиши қабул қилинади.

5.4. Йўлаклар ёки холлардан тутун чиқарилаётганда, сунъий майлли алоҳида тизимлар билан лойиҳалаштириш лозим. Тутун сарфи аниқланаётганда қуйидагиларни:

а) пўлат тахталардан ясалган тутун шахталари, каналлар ва ҳаво қувурларини зич бўлмаган жойларидан тутун сўрилишини II класс каби 4.114 б. га мувофиқ равишда, бошқа материаллардан ясалганда эса II класс каби 4.114 б.

га мувофиқ ёки ҳисоблаш бўйича тутун сўрилишини;

б) тутун клапанлари берк бўлганда, зич беркитилмаган жойлардан, завод - тайёрловчиларнинг маълумотлари бўйича, аммо формула бўйича аниқланадиган катта бўлмаган ҳаво сўрилими G_v , кг/соат ни ҳисобга олиш лозим:

$$G_v = 40,3 (A_v \cdot \Delta P)^{0,5} n, \quad (5)$$

бу ерда A_v - клапаннинг ўтиш кесими юзаси, м²;

ΔP - клапаннинг икки томони бўйича босимлар фарқи, Па;

n - ёнғин вақтида тизимдаги берк клапанлар сони.

5.5. Тутун қабул қилувчи ускуналарни, йўлак ёки холл шипи тагидаги тутун шахталарида жойлаштириш лозим. Тутун қабул қилиш ускуналарининг тармоқланиш жойларидаги тутун шахталарига улашга рухсат этилади. Тутун қабул қиладиган ускуна хизмат кўрсатаётган йўлак узунлигини 30 м дан ортиқ бўлмаган ҳолда қабул қилиш лозим.

Йўлак ёки холлнинг тортувчи вентиляция тизимига, бир қаватдаги иккитадан ортиқ бўлмаган тутун қабул қилувчини улашга рухсат этилади.

5.6. Бевосита хонадан чиқарилаётган тутун сарфини, 5.2, г ва 5.2, д бб. ларга мувофиқ ҳисоблаш бўйича ёки 20-сон иловага мувофиқ:

а) G , кг/соат ни, ёнғин ўчогининг периметри бўйича;

б) G_1 , кг/соат ни, эвакуацион чиқишларнинг эшикларини уларнинг чегараси ташқарисидан тутун сўрилишини ҳимоялаш бўйича аниқлаш лозим.

Изоҳлар: 1.5.6,6 б. га мувофиқ тутун сарфини аниқлаётганда, йилнинг иссиқ ёки совуқ даври учун ҚМҚ 2.01.01-94 бўйича шамолнинг катта тезлигини, аммо 5 м/с дан кўп бўлмаган ҳолда қабул қилиш лозим.

2. Айрим хоналар учун, уларга 5.2, д б. га мувофиқ тутунни йўлак орқали чиқаришга рухсат этилганда, 5.3 б. ёки 5.6 б. талабларига мувофиқ равшда аниқланган тутун сарфининг катта микдорини ҳисобий деб қабул қилинади,

5.7. Майдони 1600 м² дан ортиқ бўлган хоналарнинг тутун зоналари, уларнинг бирортасида ёнғин содир бўлиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда бўлиши лозим. Ҳар бир тутун зоналарини, одатда, шип (ёпма) остида “тутун резервуарлари” ҳосил қилувчи, шипдан (ёпмадан) полга қараб пастга тушувчи, аммо ундан 2,5 м дан пастга тушмайдиган, ёнмайдиغان материаллардан тайёрланган зич вертикаль пардалар билан тўсиш лозим.

Пардалар билан тўсилган ёки тўсилмаган тутун зоналарини, ёнғин ўчоғи ҳосил бўлиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда кўзда тутиш лозим.

Тутун зонасининг майдони 1600 м² дан ошмаслиги лозим.

5.8. Хона ёки тутун резервуа-рини тутун билан тўлиш вақти t , с, ни куйидаги формула билан аниқлаш лозим:

$$t = 6,39 A(Y^{0,5} - H^{0,5})/P_f, \quad (6)$$

бу ерда A - хона ёки тутун резервуарининг майдони, м²;

Y - тутуннинг пастки чегараси сатҳи, хоналар учун $Y = 2,5$ м. тутун резервуарлари учун эса парданинг пастки қиррасидан хона полигача бўлган баландлик каби қабул қилинади, м;

H - хонанинг баландлиги, м;

P_f - ёнғин маркази периметри, ҳисоблаш ёки 20-сон иловага кўра аниқланади.

5.9. Клапанлар, шахталар ва ҳаво қувурларидаги тутун ҳаракати тезлиги, м/с, ни ҳисоблаш бўйича қабул қилиш лозим.

Тутун ҳарорати t , °С, ва ўртача солиштирма оғирлиги γ , Н/м³, ҳажми 10 минг м³ ва ундан кам бўлган хоналардан чиқариб юборилаётганда:

суёқлик ва газлар ёнганда $t = 600^\circ\text{C}$, $\gamma = 4 \text{ Н/м}^3$;

каттиқ моддалар ёнганда $t = 450^\circ\text{C}$, $\gamma = 5 \text{ Н/м}^3$;

толали моддалар ёнганда ва тутун йўлақлар ёки холлардан чиқарилганда $t = 300^\circ\text{C}$, $\gamma = 6 \text{ Н/м}^3$ га тенг қабул қилиниши лозим.

Ҳажми 10 минг м³ дан ортиқ бўлган бинолардан чиқариб юборилаётган тутунни ўртача солиштирма оғирлигини формула бўйича аниқлаш лозим:

$$\gamma_m = \gamma + 0,05 (V_p - 10), \quad (7)$$

бу ерда V_p - хона ҳажми, минг м³.

5.10. Бир қаватли биноларнинг хоналаридан бевосита тутун чиқарилишини, одатда, тутун клапанлари бўлган тутун шахталари орқали табиий майллиги бор тортувчи тизимлар билан ёки очиладиган шамол кирмайдиган ойнабанд туйнук орқали кўзда тутиш лозим.

Деразаларга ёнма-ён бўлган кенглиги $l \leq 15$ м бўлган зоналардан тутунни. полдан ости 2,2 м дан кам бўлмаган баландликда жойлашган деразаларнинг фрамугалари (тавақалари) орқали чиқариб юборишга рухсат этилади.

Кўп қаватли биноларда, одатда, сунъий майлга эга тортиб олувчи ускуналар кўзда тутилиши лозим: ҳар бир алоҳида хоналар учун, табиий майлли алоҳида тутун шахталарини кўзда тутишга рухсат этилади.

Кутубхоналар, китоб сақлаш хоналари, архивлар, қоғоз омборларида, газларнинг ўртача солиштирма оғирлигини 7 Н/м³ ва хароратини 220°С деб қабул қилиб, сунъий майлли сўрма ускуналарни кўзда тутиш лозим.

Сунъий майлли бўлганида, вертикаль коллекторга, тўртдан ортиқ бўлмаган хоналардан ёки ҳар бир қаватдаги тўртдан ортиқ бўлмаган тутун зоналаридан тармоқларини улашга рухсат этилади.

5.11. Тутунга қарши химоя учун:

а) ёнғин пайтида тутун чиқарилаётганда - юмшоқ вставкасиз, хизмат кўрсатаётган хона категориясига мувофиқ бажарилган, электрюртгич билан бир валда жойлашган радиал вентилятор қурилмаларини урнатишни кўзда тутиш лозим. Ёнмайдиган материаллардан тайёрланган юмшоқ вставкаларни қўллашга, шунингдек, ҳаво билан совитилаётган понасимон кайишли ёки муфтали узатгични радиал вентилятор ускуналарини қўлданга рухсат этилади;

б) хоналардан бевосита тутун чиқарилаётганда - ўтга бардошлик чегараси 0,75 соат дан кам бўлмаган. йўлақлар ва холлардан - 0.5 соат, ёнгиндан кейин газлар чиқарилаётганда 0,25 соат бўлган ёнмайдиган материаллардан тайёрланган ҳаво қувурларини (5.13 б);

в) ёнгиндан сўнг газларни чиқариб юбориш учун 0,25 соат, йўлақлар, холлар ва хоналардан тутун чиқариб юборилаётганда 0,5 соат ўтга бардошлик

чегарасига эга ёнмайдиған материаллардан тайёрланған, ёнғин пайтида автоматик тарзда очиладиған тутун клапанларини (5.13 б.) кўзда тутиш лозим. Битта хонага хизмат кўрсатувчи тизим учун ўтга бардошлик чегараси меъёрланмаған чегарага эга тутун клапанларини қўллашга рухсат этилади.

Тутун қабул қилиш ускуналарини хона, тутун зоналари ёки тутун резервуарлари юзалари бўйича иложи борича бир текисда жойлаштириш лозим. Битта тутун қабул қилиш ускунаси хизмат кўрсатаётган юзани 900 м^2 дан ортиқ бўлмаған ҳолда қабул қилиш лозим.

г) ёнадиған ва ёниши қийин бўлған материаллардан қурилған томлардан камида 2 м баландликда тутун атмосферага чиқарилишини кўзда тутиш лозим. Чиқариб юбориладиған туйнук чеккасидан камида 2 м масофада ёнмайдиған материаллар билан химояланған томларда тутунни пастроқ баландликда чиқаришга рухсат этилади. Ҳаво табиий майллаштирилганда шахта устига дефлектор ускуналари ўрнатишни кўзда тутим лозим. Сунъий майллаштиришга эга тизимларда тутунни соябони бўлмаған қувурлар орқали чиқариб юборилишини кўзда тутиш лозим;

д) вентилятор олдида тескари клапанлар ўрнатишни кўзда тутиш лозим. Агар хизмат кўрсатилаётган ишлаб чиқариш хоналарида 20 Вт/м^3 (ўтиш шароитларида) дан иссиқлик ортиқ бўлса, тескари клапанларни ўрнатишни кўзда тутмасликка рухсат этилади.

Пастда жойлашған қаватлар ва ертўлалардаги тутун чиқарувчи шахталардан, эритиш, қуйиш, прокат ва бошқа иссиқ цехларнинг аэрацияланаётган ораликларига тутун чиқаришни кўзда тутишга рухсат этилади. Бу ҳолда шахта оғзини аэрацияланаётган ораликнинг полдан камида 6 м баландликда бинонинг қурилиш конструкцияларидан горизонталь бўйича камида 1 м ва вертикаль бўйича ками 3 м масофада ёки тутун шахталари оғзида дренаж намланиши ташкил этилганда, полдан камида 3 м баландликда жойлаштириш лозим. Бу шахталарда тутун клапанлари ўрнатмасликни кўзда тутиш лозим.

5.12. Тутунни чиқариш учун ўрнатилған вентиляторларни, 1 - тур ёнғинга қарши тўсиқлари бўлған, бошқа тизимдаги хоналардан алоҳида, хоналарда жойлаштириш лозим. Тутунга қарши химоянинг тортиб олувчи қурилмалари хоналарида, йилнинг иссиқ даврида (**Б** параметрлар) ёнғин бўлганда ҳаво ҳароратини 60°C дан ошмаслигини таъминлайдиған вентиляцияни кўзда тутиш лозим.

Тортиб олувчи тизимлар вентиляторларини бинонинг ташқарисидан ва томида ўрнатишга рухсат этилади. Ташқарига ўрнатилған вентиляторлар (“томлардаги”дан ташқари), одатда, бегона кишилардан тўр сим билан ўралған бўлиши шарт.

5.13. Газ билан ёнғинни ўчириш ускуналари билан химояланаётган хоналардан ёнғиндан сўнг тутун ва газларни чиқаришни, хоналарни пастки зоналаридан сунъий майллик билан кўзда тутиш лозим.

Ҳаво қувурларини (транзит қувурлардан ташқари) газ билан ёнғинни ўчириш учун хизмат кўрсатаётган хоналарнинг тўсиқлари билан кесишған жойларда ўтга бардошлик чегараси 0,25 соат дан кам бўлмаған ўтни тутиб

қолувчи клапанларини кўзда тутиш лозим.

5.14. Ёнгин вақтида тутунни ва ёнгиндан сўнг газларни чиқариб юбориш учун 5.3 - 5.13 бб. талабларини қониктирадиган авария ва асосий вентиляция тизимларидан фойдаланишга рухсат этилади.

5.15. Ёнгин вақтида биноларни тутунга қарши ҳимояси учун:

а) тутун билан қопланмайдиган зина сатҳларига эга биноларда, уларнинг чиқиш жойида даҳлиз - шлюзлар бўлмаганда, лифт шахталарига;

б) 2 - турдаги тутун билан қопланмайдиган зина сатҳларига;

в) 3 - турдаги тутун билан қопланмайдиган зина сатҳлари булганда, даҳлиз - шлюзларга;

г) жамоат, маъмурий - маиший ва ишлаб чиқариш биноларининг ертўла қаватида, лифтлар олдида даҳлиз - шлюзларга;

д) В категориядаги хоналарнинг ертўла қаватидаги зиналар олдида даҳлиз - шлюзларга;

Изоҳ. Эритиш, қуйиш, прокат ва бошқа иссиқ цехлардаги даҳлиз - шлюзларга, бинонинг аэрацияланаётган ораликларидан олинаётган ҳавони беришга рухсат этилади.

е) А ва Б категорияли биноларда ёнгин вақтида, уларда ҳавонинг ортиқча босими тутиб туриладиган лифт шахталаридан ташқари, лифтларнинг машина хоналарига ташқи ҳаво узатилишини кўзда тутиш лозим.

5.16. Тутунга қарши ҳимоя учун ташқи ҳаво сарфини:

а) барча қаватлардаги (пастдагидан ташқари) лифт шахталаридаги эшиклар берк бўлганда; лифт шахталарининг пастки қисмида;

б) ёнгин бўлаётган қаватдаги йўлаклар ва холлардан эвакуация йўли бўйича зина сатҳига эшиклар очик бўлиб, бошқа барча қаватлардаги йўлаклар ва холлардан бино ташқарисига чиқадиган эшиклар ёпиқ бўлганда, 2 - чи турдаги тутун билан қопланмайдиган зина сатҳларини ҳар бир отсекиннинг пастки қисмида;

в) холл ёки йўлакларга битта эшиги очик бўлган 3-чи турдаги тутун билан қопланмайдиган зина сатҳига эга биноларнинг ёнгин бўлаётган қават даҳлиз - шлюзларида эшиклар ёпиқ бўлганида 5.15.г. б. га мувофиқ ертўла қаватларида лифтлар олдидаги даҳлиз - шлюзларда, шунингдек, ертўла қаватига эшиклар очик бўлганида 5.15, д б.га мувофиқ ертўла қаватидаги даҳлиз - шлюзларда 20 Па дан кам бўлмаган ҳаво босимини таъминлаш учун ҳисоблаш лозим.

Ёнгин вақтида коридорга, холлга ёки ертўла қаватига битта очик эшик билан ишлаётганда даҳлиз - шлюзларга берилаётган ҳаво сарфини ҳисоблаш йўли билан ёки эшик ўрнида 1,3 м/с тезлик бўйича аниқлаш лозим.

5.17. Тутунга қарши ҳимояни ҳисоблаётганда куйидагиларни:

а) ташқи ҳаво ҳарорати ва шамол тезлигини йилнинг совуқ даври учун (Б параметрлар). Агар йилнинг иссиқ даври учун шамол тезлиги йилнинг совуқ давридаги тезлигидан ортиқ бўлса, ҳисоблар йилнинг иссиқ даври учун (Б параметрлар) текширилиши лозим. Йилнинг иссиқ ва совуқ даври учун ҳам шамол тезлигини 5 м/с дан ортиқ бўлмаган ҳолда қабул қилиш лозим;

б) бинодан эвакуация чиқишига қарама - қарши бўлган фасадга шамол йўналишини;

в) бинони шамолга қараган томонидаги босимга нисбатан даҳлиз - шлюзлардаги, 2 - турдаги тутун билан қопланмайдиган зина сатҳларидаги ва лифтлар шахталаридаги ортиқча босимларни;

г) эвакуация йўлларида эшикларни берткитишга босим 150 Па дан ортиқ бўлмаган ҳолда;

д) икки тавақали эшиклар бўлганида, битта катта тавақанинг юзаси қабул қилиниши лозим.

Лифт кабиналари пастки қаватда бўлиши шарт, шу қаватдаги лифт шахтасига бўлган эшиклар очик бўлиши шарт.

5.18. Тутунга қарши ҳимоялаш учун қуйидагиларни:

а) радиал ёки ўқли вентиляторларни, бошқа мақсадга мўлжалланган вентиляторлардан ҳоли, 1 - турдаги ёнғинга қарши парда деворли алоҳида хоналарда ўрнатилишини кўзда тутиш лозим. Вентиляторларни томда ва биноларнинг ташқарисида, бегона одамлар киришидан тўсиқлар билан ҳимояланган ҳолда ўрнатилишига рухсат этилади;

б) ўтга чидамлилиқ чегараси 0,5 соатга тенг бўлган ёнмайдиган ашёлардан II классли ҳаво қувурларини ўрнатишни ;

в) вентиляторда тескари клапанни ўрнатилишини кўзда тутиш лозим. Тескари клапанни, хизмат кўрсатилаётган ишлаб чиқариш биносида ортиқча иссиқлик 20 Вт/м^3 ва ундан юқори (ўтиш шароитларида) бўлганда ўрнатмасликка рухсат этилади;

г) ташқи ҳавони қабул қилиш тешикларини тутун чиқариб юбориладиган жойдан камида 5 м масофада кўзда тутиш лозим.

6. СОВУҚЛИК ТАЪМИНОТИ

6.1*. Ҳавони кондициялаш ва совутиш тизимининг совуқлик таъминотида қуйидагилардан фойдаланишни кўзда тутиш лозим:

а) тўғридан тўғри ташқи ҳавони буғланиш орқали совутиш билан, агар бунда хоналардаги ҳисобий метеорологик шароит яратаолинса;

б) ташқи ҳавони билвосита буғланиш билан совутиш, унинг иссиқлик сақланувчанлиги **B** параметри бўйича 60 кДж/кг дан кам бўлса;

в) агар сувнинг температураси 16 °С дан паст бўлса совуқ артезиан ёки дарё суви билан;

г) қолган ҳолларда – сунъий совуқлик манбаъларидан совутивчи машиналардан ёки лойиҳалашга бўлган вазифага кўра.

Фен-койил ёки совутиш конвекторлари билан совутиш тизими ва техник-иқтисодий асослаш билан сув совутиш машиналари – чиллерларда тайёрланган совуқ сувдан ҳавони совутишда фойдаланиш лозим.

6.2. Совуқлик таъминоти тизимини, одатда, икки ёки ундан кўп бўлган совутиш машиналари ёки қурилмалар сонидан лойиҳалаштириш лозим; қуввати ростланадиган бир совутиш машинасини ёки бир қурилмани лойиҳалаштиришга рухсат этилади.

Ишлаб чиқариш хоналарини кондициялаш тизимларининг совуқлик таъминоти учун машиналар сонини каттароқ қувватга эга бўлган битта машина

ишдан чиққан пайтда, параметрларни рухсат этилган оғиши билан асослаш лозим.

6.3*. Захиравий совутиш машиналари сутка давомида ишлайдиган кондициялаш тизими учун ёки лойиҳалаш вазифасига кўра кўзда тутишга йўл қўйилади.

6.4. Совуқлик таъминоти тизимларнинг ускуналари ва қувурларидаги совуқлик йўқолишини, ҳисоблаш билан аниқлаш лозим, улар совутиш қурилмасининг қувватидан кўпи билан 10% га тенг деб қабул қилинади.

6.5*. Бир контур бўйича уланган сувли (намакобли) берк хладон буғлатгичли совуқлик таъминоти тизимида сиртли ҳаво совутгичларни (хладонлар буғлатгичлари) ва контакли ҳаво совутгичларни (форсункали камералар ва бошқ.) қуйидаги ҳолларда:

а) очиқ оловдан фойдаланилмайдиган хоналарда.

б) агар буғлатгичлар бир совутиш машинасининг алоҳида (автоном) айланиш (циркуляция) контурига уланган бўлса:

в) агар ойланиш контуридан чиқариб ташлашдаги хладон массаси хизмат кўрсатиладиган хоналарнинг кичикроғида рухсат этилувчи авария концентрацияси (РАК) хонага берилувчи 1 м^3 ташқи ҳаво сарфига 310 г дан ошмаса, ёки умумалмашинув оқава-сўриш вентиляцияси бўлмаганида 1 м^3 хона ҳажмига, РАК қиймати ишлаб чиқарувчининг гигиеник сертификати мавжуд бўлса, унинг кўрсатмаларига биноат қабул қилишга йўл қўйилади.

6.6. Сувли (намакобли) совуқлик таъминоти тизимларини, одатда, бак - аккумулятор ёки сиғимли қилиб лойиҳалаштириш лозим.

Совуқлик ишлаб чиқарувчанлиги ростланадиган машиналар қўлланилган ҳолда, бак - аккумуляторлари бўлмаган совуқлик таъминоти тизимларини лойиҳалаштиришга рухсат этилади.

6.7. Совутиш қурилмалари аппаратларини совутадиған сувнинг ҳарорати ва сифатини, машиналарнинг техникавий шартларига мувофиқ қабул қилиш лозим.

6.8. Сувни совутадиғаи қоплама - қувурли буғлатгичларда (агент қувурлараро қайнаганда) совуқлик агентининг қайнаш ҳароратини плюс 2°C дан, бошқа буғлатгичлар учун эса - минус 2°C дан паст бўлмаган ҳолда қабул қилиш лозим.

6.9. Совутиш агенти хладон бўлган компрессион турдаги совутиш қурилмаларини, исталган совутиш машинасида мойнинг миқдори 250 кг ва ундан юқори бўлса, ишлаб чиқариш, жамоат ва маъмурий - маиший бинолар хоналарида, агар уларнинг устёпмаси устида ёки остида доимий ёки вақтинча (аварияли ҳолатлардан ташқари) кишилар оммавий бўладиган хоналар мавжуд бўлса, ўрнатишга рухсат этилмайди.

Турар жой, даволаш-профилактика муассасалари (стационарлар), ногиронлар ва қариялар интернатлари, болалар муассасалари ва меҳ-монхоналар биноларида совутиш қурилмаларини (автоном кондицио-нерларнинг совутиш қурилмаларидан ташқари) жойлаштиришга рухсат этилмайди.

6.10. Совутиш агенти аммиак бўлган совутиш қурилмаларини, ишлаб чиқариш хоналарини совуқлик билан таъминлаш учун, уларни алоҳида биноларда, олдқурма ёки алоҳида бир қаватли ишлаб чиқариш биноларининг

хоналарида жойлаштириб, қўллашга рухсат этилади. Конденсаторлар ва буглатгичларни бинонинг деворларидан камида 2 м масофада очик майдончаларда жойлаштиришга рухсат этилади.

Совутиш агенти аммиак бўлган сиртли ҳаво совутгичларни қўллашга рухсат этилмайди.

6.11. Буғ эжекторли совутиш машиналарини очик майдончаларда ёки ишлаб чиқариш биноларида жойлаштириш лозим.

6.12. Бром - литийли совутиш машиналарини ёпиқ хоналарда жойлаштириш лозим. Уларни очик майдончаларда жойлаштиришга, насослар, реагентлар омборхоналари, бошқарув пульти учун хоналарни кўзда тутилган ҳолда рухсат этилади.

6.13. Компрессорли ва абсорбцион совутиш машиналарини иссиқлик насоси цикли бўйича ишлатишни қўллаш тавсия қилинади, бунда паст потенциалли иссиқлик манбаларидан фойдаланиш имкониятларини баҳолаш лозим.

6.14. Совуқлик агенти хладон булган иссиқлик насослари ва буғ эжекторли ва бром - литийли совутиш машиналари жойлаштирилган хоналарни Д категориясига, совуқлик агенти аммиак бўлганларни эса - Б категориясига киритиш лозим. Мойни сақлаш ва регенерациялашни алоҳида В категорияли хоналарда кўзда тутиш лозим.

6.15. Сақлагич клапанлардан хладон чиқариш учун кувурлар оғзини, деразалар ва эшиклар ва ҳавони қабул қилиш тешикларидан камида 2 м баландроқ, ер сатҳидан эса - 5 м баландроқда жойлаштиришни кўзда тутиш лозим. Хладон чиқаришни юқорига йўналтириш лозим.

Аммиак чиқариш учун кувурлар оғзини, 50 м радиусида жойлашган энг баланд бинонинг тоmidан ками билан 3 м га юқорироқ баландликка чиқариш лозим.

6.16*. Совутиш қурилмалар хоналаридан ортиқча иссиқликни чиқаришга ҳисобланган умумалмашинув вентиляциясини кўзда тутиш лозим.

Бунда сунъий ҳаракатланувчан сўрма вентиляция тизимини икки зонали (1/3 қисми юқоридан ва 2/3 қисми пастдан) қилиб, камида қуйидагиларни:

а) 134, R134a, R407, R410a, 500, 502 турдаги хладонлар қўлланилганда 1 соат ичида учкаррали, авария бўлганда эса - бешкаррали ҳаво алмашинувини;

б) аммиак қўлланилганда 1 соат ичида тўрткаррали, авария бўлганда эса - 11 каррали ҳаво алмашинувини таъминлашни кўзда тутиш лозим.

6.17. Совутиш қурилмаларида техникавий мақсадларда қўллаш таъқиқланган хладонлардан фойдаланишга рухсат этилмайди.

6.18. Хладонлардан фойдаланилганда совутиш қурилмаларининг сони 3 ва ундан ортиқ бўлганда, марказлаштирилган вакуумлаш, хладонни тўлдириш ва ресиверларга йиғиш тизимларини кўзда тутиш тавсия қилинади.

7. ҲАВО ЧИҚИНДИЛАРИ

7.1. Маҳаллий сўрмалар ва ифлослантирувчи захарли моддаларни (сўнгра - “чанг - газ - ҳаволи аралашма”) ўз ичига оладиган ишлаб чиқариш хоналарининг

умумалмашилиш вентиляциялари тизимларидан атмосферага чиқариладиган ҳавони, одатда, тозалаш лозим. Бундан ташқари, зарарли моддаларнинг қолган қисмини атмосферада тарқатиш зарур. Амалдаги меъёрий ҳужжатларга (ОНД - 86, “Қорхоналарнинг чиқиндиларидаги ўз ичига олган зарарли моддаларнинг ҳаво атмосферасидаги концентрациясини ҳисоблаш услу-би”) га мувофиқ, ушбу объектнинг вентиляция чикишидан атмосферага чиқариладиган зарарли моддалар концентрациялари, бошқа чиқишлардаги фонли концентрацияларни ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги ҳолларда ошмаслиги шарт:

а) ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги орқали ўрнатилган, аҳоли яшайдиган жойларидаги атмосфера ҳавосидаги зарарли моддаларнинг чегаравий рухсат этилган энг катта бир маротабали концентрациялари (сўнгра - ЧРК_n) ёки ушбу объект учун ўрнатилган шаҳарларнинг дам олиш уйлари ва дам олиш зоналарининг, катта санаторияларнинг, курортларнинг санитария - ҳимоя қўриқлаш зоналарида ЧРК_n 0,8 бўлган ёки кичик миқдордан ошмасли шарт. Зарарли моддалар учун ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўрнатмаган энг катта бир маротабали концентрациянинг ЧРК_nси сифатида, аҳоли яшаш жойларидаги атмосфера ҳавосидаги зарарли моддаларнинг ўртача суткалик чегаравий рухсат этилган концентрациясини қабул қилиш лозим;

б) ишлаб чиқариш хоналарининг иш зонаси учун зарарли моддаларнинг чегаравий рухсат этилган ҳаводаги концентрациялари (сўнгра - ЧРК_{w,z}), ишлаб чиқариш ва маъмурий - маиший бинолар хоналарига очиладиган ойна ўймалари орқали кирадиган ҳаво оқими учун 0,3 дан ошмаслиги шарт.

7.2. Табиий ундашли тизимлардаги чанг - газ - ҳаволи аралашмалар чиқиндиларини тозалашни, шунингдек, 7.1 б. нинг талабларига риоя қилинганда, сунъий ундашли кичик қувватли манбаалар тизимларидан, ёки агар "Атмосфера ҳавосини ифлосланишдан ҳимоя" лойиҳа бўлимига мувофиқ, чиқиндиларни тозалаш талаб этилмаса, кўзда тутмасликка рухсат этилади.

Аварияли вентиляция тизимларидан зарарли моддаларни атмосферага тарқатилишини лойиҳанинг технологик қисмининг кўрсатмаларига мувофиқ лойиҳалаштириш лозим.

7.3. Кичик қувватли вентиляция манбаси сифатида q_1 , q_2 , ва q_3 лардан ошмайдиган чанг учун, бундан ташқари, 100 мг/м^3 , ҳар бир зарарли модда бўйича, бир ёки шартли манба q , мг/м^3 , концентрацияли $L \leq 10 \text{ м}^3/\text{с}$ чанг - газ - ҳаволи аралашманинг умумий сарфи билан айлана майдони (юзасининг) диаметри 20 м чегарасида бино томида жойлашган манбалар гуруҳининг ўрнини босадиган шартли манба ёки бир манбани ҳисоблаш лозим. q_1 , q_2 , ва q_3 қийматларини қуйидаги формулалар бўйича аниқлаш лозим:

$$q_1 = 10 \frac{H + D}{D} q_n ; \quad (9)$$

$$q_2 = \frac{L_{\text{con}}}{L} q_n ; \quad (10)$$

$$q_3 = 0,08 \frac{l}{D} K q_{w,z} ; \quad (11)$$

(9) - (11) формулаларда:

H - манба оғзининг ер сатҳидан жойлашиш баландлиги, м; манбалар гуруҳлари учун **H** шартли манбанинг баландлиги каби барча манбалар гуруҳларининг баланд-ликларининг ўрта арифметигига тенг аниқланади;

D - манба оғзининг диаметри, м; манба гуруҳлари учун шартли манба диаметри қуйидагига тенг

$$D = (D_a^2 + D_b^2 + \dots + D_1^2)^{0,5}, \quad (12)$$

агар манба оғзи юмалоқ бўлмаса, у ҳолда **D** учун формула бўйича аниқланадиган $D = 1,13 A^{0,5}$, бу ерда **A** - манба оғзининг кўндаланг кесим юзаси, м², диаметрни қабул қилиш лозим;

L_{con} - зарарли моддаларни сийраклаштириш учун атмосфера ҳавосининг шартли сарфи: манбадан аҳоли пунктининг чегарасигача масофалар 50, 100, 300, 500 м ва ундан ортиқ бўлганда, мос равишда 60, 250, 2000, 6000 м³/с га тенг бўлади:

L - битта аниқ ёки шартли манба учун чанг-газ-ҳаволи аралашманинг сарфи, м³/с;

l - бир манба оғзи билан ташқи ҳавони қабул қилиш қурилмаси орасидаги горизонтал бўйича масофа, м, $l < 10 D$ бўлганда $l = 10 D$ деб; $l > 60 D$, бўлганда эса - $l = 60 D$ деб қабул қилиш лозим.

Бир гуруҳ **i** манбалар учун, қабул қилиш тешигидан манбагача **l** масофа қуйидагича тенг

$$l = (l_a + l_b + \dots + l_i) / i, \quad (13)$$

бу ерда l_a , l_b , l_i - ҳар бир гуруҳ манбасидан горизонтал бўйича масофа, қайсики, ташқи ҳавони қабул қилиш қурилмаси бўлгандаги оқимлар ўқлари уларни габарт ўлчамаларига мосдир;

K - 21-сонли илова бўйича аниқланадиган оқимдаги зарарли моддалар концентрациясининг камайишини тавсифловчи коэффициент;

q_n, **q_{wz}** - мос равишда аҳоли пунктлари ҳавосига ва иш зонаси ҳавосига нисба-тан зарарли моддаларнинг чегаравий рухсат этилган концентрацияси, мг/м³;

Суммация эффектига эга булган зарарли моддалар чиқиндилари шартли манбаси ва бир манба учун битта моддага келтирилган шартли **q** концентрацияси, мг/м³ қуйидагича аниқланади:

а) **q₁** ва **q₂** билан солиштирилганда

$$q = q_1 + q_2 \frac{q_{n1}}{q_{n2}} + \dots + q_i \frac{q_{n1}}{q_{ni}}; \quad (14)$$

формула буйича;

б) **q₃** - билан солиштирилганда

$$q = q_1 + q_2 \frac{q_{w,z1}}{q_{w,z2}} + \dots + q_i \frac{q_{w,z1}}{q_{w,zi}}; \quad (15)$$

формула буйича;

(14), (15) формулаларда:

q_1, \dots, q_i - ҳаракат суммацияси эффектига эга бўлган зарарли моддаларнинг концентрацияси, мг/м³;

q_{n1}, \dots, q_{ni} ва $q_{w,z1}, \dots, q_{w,zi}$ - мос равишда ҳаракат суммацияси эффектига эга бўлган зарарли моддалар учун ЧРК_n ва ЧРК_{w,z};

1, ..., i - ишчи зонаси хавосига нисбатан суммация эффектига эга бўлган зарарли моддаларнинг сони;

(9) - (11) формулаларда суммация эффектига эга бўлган зарарли манбалари учун q_n ва $q_{w,z}$ ларнинг шартли концентрацияси q , мг/м³. аниқланган модда буйича ЧРК_n ва ЧРК_{w,z} га тенг деб қабул қилинади.

7.4. Сунъий ундашли тизимлардан чанг - газ - ҳаволи аралашмани зонтлари бўлмаган шахталар ва қувурлар орқали тик юқорига қуйи-даги:

а) А ва Б категория хоналаридан ёки 1-чи, 2-чи класс хавфи бор зарарли моддаларни ва ёқимсиз ҳидли моддаларни чиқариб юборувчи тизимлардан умумалмашинав вентиляцияси;

б) зарарли ва ёқимсиз ҳидли моддалар ва портлаш хавфи бор аралашмаларни маҳаллий сўрма тизимларидан чиқаришни кўзда тутиш лозим.

7.5. Ишлаб чиқариш хоналаридаги вентиляция тизимидан атмосферага чиқариш жойини, ҳисоб - китоб бўйича ёки ташқи ҳаво учун қабул қилиш жиҳозларидан, горизонтал бўйича 10 м дан кам бўлмаган масофада, горизонтал масофа 10 м дан кам бўлганда вертикал бўйича 6 м масофада жойлаштириш лозим. Бундан ташқари, зарарли моддаларни маҳаллий сўрма тизимлардан чиқариш жойини, бинонинг том устидаги баландроқ қисмидан, агар чиқиб турган жойгача бўлган масофа 10 м дан кам бўлса, камида 2 м баландликда жойлаштириш лозим.

Авария вентиляцияси тизимидан чиқаришларни, ердан туйнукнинг пастки киррасигача камида 3 м масофада жойлаштириш лозим.

7.6. Портлаш хавфи бор буғ-газ- ҳаво аралашмали маҳаллий тортиш тизимининг чиқариб туриш манбандан, энг яқин алангаланиш эҳтимоли бор манба нуқтасигача (учқунлар, юқори ҳароратли газлар ва б.) бўлган масофа l_z , м, дан кам бўлмаган ҳолда қабул қилиш лозим:

$$l_z = 4 D \frac{q}{q_z} \geq 10, \quad (16)$$

бу ерда D - манба оғзининг диаметри, м;

q - ёнувчи газлар, буғлар, чангларнинг чиқариш жойидаги концентрацияси, мг/м³.;

q_z - ёнувчи газлар, буғлар ва чангларнинг, аланга тарқатишининг пастки кокцентрацион чегарасининг 10% га тенг бўлган концентрацияси, мг/м³;

7.7. Тортиб олувчи вентиляция тизимидан чиқариш мўриларини, агарда бирорта қувур ёки шахталарда ёнувчи моддаларнинг ўтириб қолиш эҳтимоли бўлса ёки чиқариб юборилаётган моддаларнинг аралашшидан портлаш хавфи бўлган аралашмалар ҳосил бўлиш эҳтимоли бўлса, одатда, алоҳида лойиҳалаш лозим.

Бундай чиқарилаётган моддаларни, ҳар бир ҳаво қувурининг уланиш жойидан оғзигача ўтга бардошлик чегараси 0,5 с бўлган вертикал

бўлинмаларини кўзда тутган ҳолда, бир шахта ёки қувурга йиғишга рухсат этилади.

8. ИККИЛАМЧИ ИССИҚЛИК ВА ҚАЙТА ТИКЛАНДИГАН ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

8.1*. Иситиш вентиляция ва кондициялашни. одатда:

а) маҳаллий сўрма ва умумалмашинаув вентиляцияси, кондициялаш тизимлари билан чиқарилаётган хавонинг;

б) кондициялаш, вентиляция ва иситиш учун яроқли, иссиқлик ва совук ташувчи кўринишида бераётган технологик қурилмаларнинг;

в) қуёш, геотермал, шамол ва ҳ. к.- анъанавий бўлмаган энергия манбаларининг иккиламчи иссиқлик ва қайта тикланадиган энергетик ресурслар (ҚТЭР) дан фойдаланган ҳолда лойиҳалаштириш лозим.

8.2*. Иситиш, вентиляция ёки кондициялаш учун ҚТЭР дан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги ва иссиқлик насоси қурилмалари ва иссиқликни утилизация қилиш жихозларини, иссиқликни (совукни) утилизация қилиш схемаларини танлаш, тизимларда иссиқликнинг ишлатилиши ва ҚТЭР келишининг нотекислигини ҳисобга олган ҳолда, техник - иқтисодий ҳисобга асосланган бўлиши шарт. Иқтисодий тенг бўлган лойиҳавий ечимлар бўлганда (келтирилган сарфлар $\pm 5\%$ чегарасида), ёқилғини кўпроқ иқтисод этишни таъминлайдиган ечимни қабул қилиш тавсия этилади.

8.3. ИКЭРларда иссиқликни (совукни) ишлатиш учун берилаётган ҳаводаги зарарли моддалар концентрацияси 2.12 б. да кўрсатилгандан ортиқ бўлмаслиги шарт.

8.4. Ҳаво - ҳаволи ва газ - ҳаволи иссиқлик утилизаторларидаги ҳаво қувурларининг уланган жойларида берилаётган ҳаво босими, чиқариб юборилаётган ҳаво ёки газ босимидан ортиқ бўлишини таъминлаш лозим. Бунда босимларнинг максимал фарқи, иссиқликни утилизация қилиш жихозларига бўлган техник шартлар бўйича рухсат этилган қийматдан ортиқ булмаслиги шарт.

Ҳаво - ҳаволи, газ - ҳаволи иссиқлик утилизаторларида аппаратнинг конструктив хусусиятлари ҳисобига зарарли моддалар ўтишини ҳисобга олиш лозим.

8.5. Ҳаво - ҳаволи иссиқлик утилизаторларида берилаётган ҳавони иситиш учун:

а) А ва Б категория хоналаридан; А ва Б категория хоналаридаги ҳаводан, шу хоналарнинг ҳавосини иситиш учун фойдаланишга рухсат этилади. Портлашдан ҳимояланган ҳолда бажарилган жихозлардан тизимда қўлланганда;

б) таркибида 1-чи класс хавфи бор зарарли моддалар бўлган, портлаш хавфига эга аралашма ёки ҳаво маҳаллий тортиш вентиляцияси тизимидан. Портлаш хавфи бўлмаган чанг ҳаво аралашмаларни маҳаллий тортиш тизимидан, улар чангдан тозалангандан сўнг, ҳавони ишлатишга рухсат этилади;

в) таркибида иссиқлик алмашиш юзаларида ўтириб қоладиган ёки конденсацияланадиган, 1-чи ва 2-чи класс хавфи бор зарарли моддалар ёки

регенератив иссиқлик утилизаторларида, шунингдек, иссиқлик қузури базасидаги иссиқлик утилизаторларида кескин.

г) ЎЗР Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги. томонидан кўрсатилган хавфли концентрациялар таркибида касал қўзғатувчи бактериялар, вируслар, замбуруғлар бўлган ҳаводан фойдаланишга рухсат этилмайди.

8.6. Иссиқлик утилизаторларида берилаётган ҳавони иситиш (совутиш) учун, иссиқлик алмашувчи оқимларни герметик (зич) бўлиши таъминланганда ва назорат қилиш органи билан келишилганда, зарарли ва ёнувчи суюқликларнинг иссиқлигидан фойдаланишга рухсат этилади; келишув бўлмаганида, таркибида 1-чи, 2-чи ва 3-чи класс хавфи бўлган зарарли моддалар бўлмаган ёки авария натижасида ажралиб чиқиш бўлганида хона ҳа-восидаги шу моддаларнинг концентрацияси ЧРК дан ошиб кетмайдиган миқдорда таркибида иссиқлик ташувчиси бўлган қўшимча контурдан фойдаланиш лозим.

8.7. Контактли иссиқлик утилизаторларида (сув билан суғориш камераларида ва ҳ.к.) берилаётган ҳавони иситиш (совутиш) учун, ичиш сифатига эга сувдан ёки зарарли моддалар таркибида бўлмаган сув аралашмаларидан фойдаланиш лозим.

8.8. Таркибида чўкадиган чанг ва аэрозоллар бўлган вентиляция ҳавонинг иссиқлигидан (совуқлиги) фойдаланилганда, ҳавони иссиқликни утилизацияловчи ускуналарнинг техник шартлари бўйича рухсат этилган концентрациясигача тозалашни, шунингдек, иссиқлик алмашувчи юзаларни ифлосланишдан тозалашни кўзда тутиш лозим.

8.9. ИКЭР иссиқликни утилизациялаш тизимларида, оралик иссиқлик ташувчини музлашдан ва иссиқлик утилизаторларини иссиқлик алмашувчи юзаларида қиров ҳосил бўлишидан ҳимоялаш бўйича тадбирларни кўзда тутиш лозим.

8.10. Вентиляция тизимлар ва технологик жиҳозларда ИКЭР иссиқлигини ишлатувчи тизимларни, резерв иссиқлик таъминотини асослаб берилган ҳолда кўзда тутиш лозим.

8.11. Анъанавий бўлмаган энергия манбаларидан (қуёш. геотермал ва ҳ.к.) фойдаланувчи иситиш тизимларини лойиҳалаштиришда, иссиқлик юкланмасини тўла беркитиш учун, анъанавий энергия манбаларидан резерв иссиқлик таъминотини кўзда тутиш лозим.

9. ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ВА АВТОМАТЛАШТИРИШ

9.1. Иситиш, вентиляция ва кондициялаш тизимларини электр қабул қилгичларини, бинонинг технологик ва муҳандислик жиҳозлари учун ўрнатилган электр қабул қилгичлар категориясидаги каби кўзда тутиш лозим.

Ёнғиндан сўнг тутун ва газларни чиқариб юбориш тизимларидан ташқари, (5.13 б. га қар.) авария вентиляцияси ва тутунга қарши ҳимоя тизимининг I категорияли электр таъминотини кўзда тутиш лозим. Маҳаллий шароитларга кўра I категорияли электр қабул қилгичлар таъминотини иккита бир - бирига боғлиқ бўлмаган манбалардан амалга оширишнинг иложи бўлмаганда уларни битта манбадаги икки трансформаторли подстанциянинг бошқа - бошқа

трансформаторлардан ёки иккита яқин жойлашган бир трансформаторли подстанциялардан таъминлашни амалга оширишга рухсат этилади. Бунда подстанциялар турли трассалар бўйича ўтказилган, турли таъминловчи линияларга уланган бўлиши шарт ва одатда, паст кучланиш томонидаги резерв автоматик киритиш қурилмасига эга бўлиши шарт.

9.2. Тутунга қарши ҳимоя тизимлари билан жиҳозланган бинолар ва хоналарда автоматик ёнғин сигнализациясини кўзда тутиш лозим.

9.3. Автоматик ёнғинни ўчириш ускуналари ёки автоматик ёнғин сигнализацияси билан жиҳозланган бино ва хоналар учун, вентиляция, кондициялаш ва ҳаво билан иситиш тизимлари (сўнгра - "вентиляция тизимлари"), электр қабул қилгичларни (бир фазали ёритиш тармоғига уланган электр қабул қилгичлардан ташқари), шунингдек, шу ускуналар билан тутунга қарши ҳимоя тизимини;

а) ёнғин вақтида А ва Б категория хоналаридаги дахлиз-шлюзларга ҳаво бериш тизимидан ташқари вентиляция тизимини ўчириш;

б) ёнғин вақтида тутунга қарши ҳимоя тизимларини (5.13 б. да кўрсатилган тизимлардан ташқари) улаш;

в) ёнғин содир бўлган хоналар ёки тутун зоналаридаги ёки ёнғин бўлаётган йўлакдаги тутун клапанларини очиш ва ёнғинни тутиб турувчи клапанларни ёпиш учун автоматик блокировка қилишни кўзда тутиш лозим.

Тутун ва ёнғинни тутиб турувчи клапанлар, фрамугалар (тавақалар) ва тутунга қарши ҳимоя учун ишлатилаётган ёки белгиланган дераза ёки ойнабанд туйнук, шахталарни бўлак очиш ускуналари автоматик, дистанцион ва қўлда бажариладиган (улар ўрнатилган жойда) бошқаришга эга бўлиши шарт.

Изоҳлар: 1. Вентиляция тизимини қисман ёки тўла ўчиришга бўлган зарурият технологик талаблар бўйича аниқланиши шарт.

2. Ёнғин ҳақида фақат қўл сигнализацияси тизимига эга хоналар учун, бу хоналарга хизмат кўрсатувчи вентиляция тизимини дистанцион ўчириш ва тутунга қарши ҳимоя тизимини улашни кўзда тутиш лозим.

9.4. Автоматик ёнғинни ўчириш ёки автоматик сигнализация ускуналарига эга бўлган хоналар, улар хизмат кўрсатаётган хоналардан ташқарида жойлашган дистанцион ускуналар билан жиҳозланган бўлиши шарт.

А ва Б категорияли хоналардаги барча вентиляция тизимларини бир вақтда ўчиришга талаблар бўлганда, дистанцион ускуналар бино ташқарисида бўлишини кўзда тутиш лозим.

В категорияли хоналар учун майдони 2500 м² дан кам бўлмаган алоҳида зоналар учун вентиляция тизимининг дистанцион ўчирилишини кўзда тутишга рухсат этилади.

9.5. А ва Б категория хоналардаги вентиляция ва иситиш тизимларининг металл қувурлари ва ҳаво қувурлари жиҳозлари, шунингдек, портлаш хавфи бор аралашмани чиқариб юборувчи маҳаллий сўрмалар тизимлари учун ЭЎҚ талабларига мувофиқ равишда ерга улашни кўзда тутиш лозим.

9.6*. Тизим назорати ва автоматлаштириш даражасини технологик талабларга ва лойиҳалаш вазифасига кўра танлаш лозим.

«Оби ҳавога кўра», сутканинг соатига кўра, «эхтиёжга кўра» тизимлари билан бошқаришни амалга оширувчи, иситиш, вентиляция ва кондициялаш тизимларини автоматлаштириш назоратчисини тайёрловчи- завод йўриқномасига кўра лойиҳаланиши лозим. Автоматлаштириш схемасига асослаш билан киритилган ўзгаришлар ва қўшимчалар назоратчи функциясига мос бўлиши лозим.

9.7. Иссиқлик ташувчи (совуқлик ташувчи) ва ҳаво параметрларини қуйидаги тизимларда:

а) ички иссиқлик таъминоти - оқимли вентиляциян курилма учун хонадаги умумий иссиқлик ташувчини бериш ва қайтиш қувурларидаги иссиқлик ташувчисининг ҳарорати ва босимини;

б) маҳаллий иситиш асбоблари билан иситиш - назорат хоналаридаги (лойиҳанинг технологик қисми талаблари бўйича) ҳаво ҳароратини;

в) ҳаво билан иситиш ва ҳаво бериш вентиляцияси - назорат хонасидаги (лойиҳанинг технологик қисми талаблари бўйича) берилаётган ҳаво ҳарорати ва ҳаво ҳароратини;

г) ҳаво билан ювиш - берилаётган ҳаво ҳароратини;

д) кондициялаш - ташқи, рециркуляциян, намлаш камерасидан кейин ёки юза ҳаво совутгичидан кейин берилаётган ва хоналардаги (улар созланганда) ҳаво ҳароратини;

е) совуқ билан таъминлаш - ҳар бир иссиқлик алмаштириш ёки аралаштириш ускуналаригача ва ундан кейин совуқлик ташувчининг ҳароратини, умумий қувурдаги совуқлик ташувчининг босимини;

ж) фильтрлар, статик босим камералари, иссиқлик утилизаторлари билан вентиляция ва кондициялаш - ҳавонинг босими ва босимлар фарқини (ускуналарнинг техник шароити талаблари ёки фойдаланиш шартлари бўйича) назорат қилиб туриш зарур.

9.8*. Масофада туриб назорат қилиш асбобларини асосий параметрларини ўлчаш учун кўзда тутиш лозим; бошқа параметрларни ўлчаш учун маҳаллий асбобларни (стационар ёки кўтариб юрадиган) кўзда тутиш лозим.

Бир нечта тизим учун, уларнинг жиҳозлари битта хонада жойлашганда, узатиш қувурида босим ва ҳароратни ўлчаш учун битта умумий асбоб ва қайтиш қувурларида ҳар бири учун алоҳида асбобларни кўзда тутишга рухсат этилади.

Мувофиқлаштирилувчи параметрларини рақамли индикация қилувчи назоратчилардан фойдаланишда визуал кузатиш назорат-ўлчов асбобларни кўзда тутмасликка йўл қўйилади.

9.9. Жиҳозларнинг ишлами ҳақидаги сигнализацияни («Уланган», «Авария») қуйидаги тизимлар учун:

а) ишлаб чиқариш, маъмурий - маиший ва жамоат биноларнинг табиий шамоллатиши бўлмаган хоналарининг вентиляцияси;

б) 1-чи ва 2-чи класс хавфига эга зарарли моддалар ва портлаш хавфи бўлган аралашмани чиқариб юборувчи маҳаллий сўрмалар;

в) А ва Б категорияли хоналардаги жамоат сўрма вентиляцияси;

г) назорат қилинаётган параметрларнинг четга чиқиши аварияга олиб келиши мумкин бўлган, А ва Б категорияли омборлар хоналарининг сўрма вентиляцияси учун кўзда тутиш лозим.

Изох. Табиий шамоллатиши бўлмаган хоналарга дахлдор бўлган талаблар хожатхоналар, чекиш, ечиниш хоналари ва бошқа ёрдамчи хоналарга ёйилмайди.

9.10*. Иситиш, вентиляция ва кондициялаш тизимларидаги асосий параметрларни масофада туриб назорат қилиш ва қайд қилишни технологик талаблар ва лойиҳалашга бўлган вазифа бўйича лойиҳалаштириш лозим.

9.11*. Параметрларни автоматик созлашни қуйидаги тизимлар учун:

а) бевосита иссиқ тармоқларига уланувчи хонадон автоматлаштирилган қозонли ёки тизимни хонадон 3.13* бандига кўра;

б) ҳаво билан иситиш ва ювишни;

в) ўзгарувчан ҳаво сарфи, шунингдек, ташқи ва рециркуляцияли ҳавонинг ўзгарувчан аралашмаси билан ишловчи, ҳаво берувчи ва тортувчи вентиляцияни;

г) асослаб берилганда, ҳаво бериш вентиляциясини;

д) кондициялашни;

е) совуқлик билан таъминлашни;

ж) хоналардаги ҳавони маҳаллий намлигини меъёрига етказишни лойиҳалаштириш лозим.

Изох. Жамоат, маъмурий - маиший ва ишлаб чиқариш бинолари учун, одатда, иссиқлик сарфининг камайишини таъминлайдиган, параметрларни созлаш дастурини кўзда тутиш лозим.

9.12. Ҳаво параметрларини созлаш ва назорат қилиш датчикларини, хизмат кўрсатилаётган хона зоналаридаги характерли нуқталарда, улар қизиган ёки совуган юзалар ва берилаётган ҳаво оқимлари таъсир кўрсатмайдиган ерларда жойлаштириш лозим. Датчикларни рециркуляцияли ҳаво қувурларида, агар улардаги ҳаво параметрлари хонадаги ҳаво параметрларидан фарқ қилмаса ёки ўзгармас катталиққа фарқ қилса, жойлаштиришга рухсат этилади.

9.13. Автоматик блокировка қилишни:

а) вентиляторлар ёқилиши ва ўчирилиш вақтида ташқи ҳаво клапанларини очиш ва ёпиш учун;

б) вентиляция тизимларини, тўла ёки қисман ўзаро алмашиши ҳаво қувурлари билан уланган тизимлардан бирортаси ишдан чиққанда, очиш ва ёпиш клапанларини;

в) газ билан ёнғинни ўчириш ускуналари билан ҳимояланган хоналардаги вентиляция тизимини вентиляторлари ўчирилган, шу хоналар учун ўрнатилган ҳаво қувурларидаги клапанларни беркитиш (5.13 б. га қар.);

г) асосий ускуналар ишдан чиққанда, резерв ускуналарни улаш;

д) иситиш агрегатлари ва ҳаво иситгичлар уланган ёки ўчирилганда, иссиқлик тамувчи узатишини улаш ёки ўчириш;

е) хонанинг иш зонасидаги ҳавода, ЧРК дан ортиқ концентрацияга эга зарарли моддалар, шунингдек, бинодаги ҳавода газ - буг - чанг - ҳаво аралашмасини АТПКЧ 10% дан ортиқ ёнувчи моддалар концентрациясини ҳосил бўлганда, авария вентиляцияси тизимини улаш учун кўзда тутиш лозим.

9.14. 1-чи ва 2-чи класс хавфи бўлган зарарли моддалар ёки портлаш хавфи бўлган аралашмани чиқараётган, маҳаллий сўрмалар тизимлари учун ўрнатилган вентиляторларни технологик ускуналарига ўрнатилмаган автоматик блокировка, 4.18 ва 4.19 бб. ларга мувофиқ, вентиляторлар ишдан чиққанда технологик ускуналарни тўхтатишни, технологик ускуналарни тўхтатишни иложи бўлмаганда эса - авария вентиляцияси сигнализацияси уланишини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштириш лозим.

9.15*. Ташқи ёки берилаётган ҳавони ўзгарувчан сарфига эга тизимлар учун, ташқи хавонинг минимал сарфини таъминлаш учун блокировка ускуналарини кўзда тутиш лозим.

Электрҳавоиситгичларни қизиқ кетишдан ҳимоя қилган ҳолда кўзда тутиш лозим.

9.16. Ҳавони нам чанг тутгичларда тозалашга эга сўрма вентиляция учун қуйидагиларни:

а) вентилятор уланганда сув беришни улашни;

б) сув бериш тўхтаганда ёки чанг тутгичдаги сув сатҳи пасайганда вентиляторнинг тўхталишини;

в) чанг тутгичларда сув бўлмаганда ёки сув сатҳи белгилангандан паст бўлганда вентиляторни улашнинг иложи йўқлигини таъминлаган ҳолда, чанг тутгичга сув бериш учун қурилмалари бўлган вентиляторнинг автоматик блокировкасини кўзда тутиш лозим.

9.17. Ҳаво пардаси уланишини, дарвозалар, эшиклар ўймалари очилиши билан блокировка қилиш лозим. Пардаларни автоматик ўчирилишини, дарвозалар, эшиклар ёки технологик ўймалар беркитилгандан сўнг ва сувнинг музламаслигини таъминлаб, иссиқлик ташувчи сарфини минималгача қисқартиришни инобатга олиб, хонадаги меъёрий ҳаво ҳарорати қайта тиклангач, кўзда тутиш лозим.

9.18. Ҳаво иситгичларидаги сувни музлашдан автоматик ҳимоясини, йилнинг совуқ даври учун ҳисобий ташқи ҳаво ҳарорати минус 5 ва ундан паст (Б параметрлар) районларда кўзда тутиш лозим.

9.19. Тизимларни диспетчерлаштиришни, технологик жараёнлар ёки муҳандислик жиҳозлар ишини диспетчерлаш кўзда тутилган ишлаб чиқариш, турар жой, жамоат ва маъмурий - маиший бинолар учун лойиҳалаштириш лозим.

9.20*. Датчиклар ўрнатилинган жойдаги ҳавони кондициялашда метеорологик шароитнинг аниқлигини (агар махсус талаблар бўлмаса) температура бўйича ± 1 °C ва нисбий намлик бўйича ± 7 % деб қабул қилиниши лозим.

10. ҲАЖМИЙ - РЕЖАВИЙ ВА КОНСТРУКТИВ ЕЧИМЛАР

10.1. Йилнинг иссиқ даврида ҳавонинг табиий кириши учун белгиланган, ишлаб чиқариш хоналарининг очиладиган деразалари ёки ўймаларини, одатда, полдан ёки иш майдонидан 1,8 м дан ортиқ бўлмаган баландликда, йилнинг

совуқ даврида ҳаво кириши учун эса 3,2 м дан кам булмаган баландликда жойлаштириш лозим.

Турар жой, жамоат ва маъмурий - маиший биноларда, ҳаво берилиши учун мулжалланган очиладиган дарчалар, фрамугалар ёки бошқа жиҳозларни кўзда тутиш лозим.

10.2. Иш майдони ёки пол сатҳидан 2.2 м ва ундан юқорироқ баландликда жойлаштирилган, иш-лаб чиқариш ва жамоат биноларининг ёруғлик ўймаларидаги тавақалар, фрамугалар ёки пардалар учун, хонадаги хизмат кўрсатиш ёки иш зонаси чегарасида, ёнғин вақтида тутунни чиқариш учун фойдаланиладиганлари учун эса - бу хоналардан ташқарида жойлаштириладиган, масофадан туриб ва кўлда очиш ускуналарини кўзда тутиш лозим.

10.3. Стационар зина ва майдонларни, техника хавфсизлиги қоидаларига мувофиқ равишда, пол ёки ер сатҳидан 1,8 м ва юқорироқ баландликда жойлаштирилган асбоблар ва арматуралар, ускуналарга хизмат кўрсатиш учун лойиҳалаштириш лозим.

Арматуралар, асбоблар, вентиляция ва иситиш агрегатлари, шунингдек, автоном кондиционерларни, ўрнатилган техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилган ҳолда, кўчма қурилмалардан хизмат кўрсатиш ва таъмирлашга рухсат этилади.

10.4. Ташқи эшиклардан 3 м дан, дарвозалардан 6 м дан кам масофада жойлашган доимий иш жойларини, совуқ ҳаво шамоли уриб туришидан тўсиқлар ёки экранлар билан ҳимоя қилиш лозим.

10.5. Вентиляция ва совутиш қурилмаларига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш учун, 4.105 б. да кўзда тутилган, юк кўтариш машиналари учун қурилиш конструкцияларини ишлаб чиқиш лозим.

10.6. Ёнғинга қарши девор ортида (4.99 б. га қар.) жойлаштирилган вентиляция қурилмалар хонасининг тўсиқ конструкцияларини, 0,75 соат ўтга бардошлик чегараси билан, эшикларни 0,6 соат ўтга бардошлик чегараси билан бўлишини кўзда тутиш лозим.

10.7. Вентиляция ёки совутиш жиҳозларни йиғиш ва ажратиш (ёки уларнинг қисмларини алмаштириш) учун йиғиш ўймаларини кўзда тутиш лозим.

11. СУВ ТАЪМИНОТИ ВА КАНАЛИЗАЦИЯ

11.1*. Берилаётган ва рециркуляцион ҳаволарга ишлов бериш учун фойдаланилаётган суғориш, намлаш, намликни меъёрига етказиш камералари ва бошқа жиҳозларни сув билан таъминлашни, УзРСТ 950-2000 бўйича ичимлик суви сифатига эга бўлган сув билан таъминлашни кўзда тутиш лозим.

11.2. Вентиляция ва кондициялаш тизимларидаги суғориш камералари ва бошқа аппаратларда айланаётган сувларни филтрлаш лозим.

11.3. Техникавий сифатга эга бўлган сувни, сўрма тизимларнинг (рециркуляциялилардан ташқари) ҳўл чанг тутгичлари, шушнингдек, окиб келиш ва иссиқлик утилизацияси жиҳолари учун кўзда тутиш лозим.

11.4. Канализацияга сув ажратиб чиқаришни, иситиш, исииқлик ва совқлик тизимларини сувдан бўшатиш, конденсатни ажратиб олиш, шунингдек, вентиляция ва конициялаш тизимлари ускуналаридан сувни чиқариш учун кўзда тутиш лозим.

11.5. Совутиш қурилмалари аппаратларини совутиш учун мўлжалланган сувнинг сифатини, совутиш маиналарининг техникавий шартлари бўйича қабул қилиш лозим.

1 - сон ИЛОВА
Мажбурий

ТУРАР ЖОЙ, ЖАМОАТ ВА МАЪМУРИЙ - МАИШИЙ ХОНАЛАРНИНГ ХИЗМАТ ЗОНАСИДА ҲАВОНИНГ ҲАРОРАТИ, НИСБИЙ НАМЛИГИ ВА ҲАРАКАТ ТЕЗЛИГИНИНГ РУХСАТ ЭТИЛГАН МЕЪЁРЛАРИ

Йил даври	Ҳавонинг ҳарорати, °С	Ҳавонинг нисбий намлиги, %, кўпи билан	Ҳаво ҳаракатининг тезлиги, м/с, кўпи билан
Иссиқ	Ташқи ҳавонинг ҳисобий ҳароратидан кўпи билан 3 °С га юқори (А параметрлар) ва 33 °С дан кўп бўлмаган	65	0,5
Совуқ	18 - 24	65	0,2

Изоҳлар: 1. Йилнинг совуқ даврида, кўча кийимидаги кишилар бўлган жамоат ва маъмурий - маиший хоналар учун ҳавонинг ҳарорати 14 °С дан паст бўлмаслиги лозим.
2. ҳавонинг ҳисобий нисбий намлиги 75% дан ортиқ бўлган районларда (А параметр) нисбий нимликни 75% гача қабулш қилишга рухсат этилади.
3. Меъёрлар, хонада 2 соатдан ортиқ узлуксиз истикомат қилувчи кишилар учун ўрнатилган.

2 - сон ИЛОВА
Мажбурий

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХОНАЛАРНИНГ ДОИМИЙ ИШЧИ ЎРИНЛАРИДАГИ ҲАВОНИНГ ҲАРОРАТИ, НИСБИЙ НАМЛИГИ ВА ҲАРАКАТ ТЕЗЛИГИНИНГ ОПТИМАЛ ВА ШИНАМЛИГИ БЎЙИЧА ЧЕГАРАВИЙ, ШУНИНГДЕК, РУХСАТ ЭТИЛГАН МЕЪЁРЛАРИ

Йил даври	Иш кате-горияси	Оптимал меъёрлар			Иссиқлик шинамлиги бўйича чегаравий меъёрлар			Рухсат этилган меъёрлар		
		Ҳарорат °С	Нисбий намлик, %	ҳаракат тезлиги м/с, кўпи билан	Ҳарорат, °С	Нисбий намлик, %	ҳаракат тезлиги м/с, кўпи билан	Ҳарорат, °С	Нисбий намлик, %	ҳаракат тезлиги м/с, кўпи билан
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
Иссиқ	Енгил Ia	25-27	60 - 40	0,1	28/24	55	0,2	31/24	75	0,2-0,1

	Iб	24-26		0,2	28/23	28°C да 60 27°C да	0,3	31/23		0,3-0,1
	Ўртача оғир- ликда IIа	23 - 25		0,3	27/22	65 26°C да	0,4	30/22		0,4-0,2
	IIб	22 - 24		0,3	26/21	70 25°C да	0,5	29/21		0,5-0,2
	Оғир III	21/23		0,4	25/20	75 24°C да	0,6	27/20		0,6-0,2
Совуқ	Енгил Iа	22 - 24		0,1	21-25	75 - 40	0,2	21 - 25		0,2
	Iб	21 - 23		0,1	20-24		0,2	20 - 24		0,3
	Ўртача оғир- ликда IIа IIIб	18 - 20		0,2	17 - 23		0,3	17 - 23		0,4
		17 - 19		0,2	15 - 21		0,4	15 - 21		0,5
	Оғир III	16 - 18		0,3	13 - 19		0,5	13 - 19		0,6

Изохлар: 1. 4-гурухдаги нисбий намликнинг юқорироқ қиймати 3-гурухдаги пастроқ ҳароратга мос келади.

2. Йилнинг иссиқ даври учун хонадаги ҳавонинг иссиқлик шинамлиги бўйича чегаравий ва рухсат этилган 6 ва 9 - гуруҳлар ҳароратлари каср кўринишида:

суратда - юқори чегара бўйича маҳражда - пастки чегара бўйича келтирилган.

3. Доимий бўлмаган ишчи ўринларда ҳавонинг ҳаракат тезлиги ва нисбий намлигини худди доимий ишчи ўринларидаги каби қабул қилиш лозим; ҳаво ҳароратини 9-гурухда кўрсатилгандек юқори чегарасини 1 °C га баланд ёки йилнинг иссиқ даври учун доимий ишчи ўринларида ҳавонинг ҳароратини 1°C га баланд; йилнинг совуқ даври учун - доимий ишчи ўринларда ҳавонинг ҳароратини 2°C га паст қабул қилишга рухсат этилади.

4. Йилнинг иссиқ даврида, аҳоли пунктларида ташқи ҳавонинг ҳисобий ҳарорати $t, ^\circ\text{C}$, бўлган, доимий ва доимий бўлмаган ишчи ўринларида (А параметлари) ошганда:

а) 28°C - $t - 28^\circ\text{C}$ ҳарорат фарқининг ҳар бир градусига - ҳаво ҳаракатининг тезлигини 0,1 м/с га, аммо 11 - гуруҳда кўрсатилган тезликдан 0,3 м/с дан кўп бўлмаган ҳолда ошириш лозим.

б) 24°C - $t - 24^\circ\text{C}$ ҳарорат фарқининг ҳар бир градусига - ҳавонинг нисбий намлигини 10 гуруҳда кўрсатилган нисбий намликдан 5% га паст қабул қилишга рухсат этилади.

5. Ҳавонинг нисбий намлиги юқори бўлган иқлимий зоналарда (кўл, денгиз ва ҳ.к. яқинида), шунингдек, ишчи ўринларда, 9- гуруҳда кўрсатилган ҳароратни таъминлаш учун ҳаво оқимини сув билан адиабатик ишлов беришни қўллашда, 4.б изоҳга мувофиқ аниқланган нисбий намликдан, ҳавонинг нисбий намлигини 10 % га юқори қабул қилишга рухсат этилади.

6. Агар иқтисодий ёки ишлаб чиқариш шароитларига кўра, рухсат этилган меъёрларни таъминлаш имкони бўлмаса, у ҳолда, доимий ишчи ўринларда ҳавони кондициялаш ёки ҳаво билан душланишни кўзда тутиш лозим.

**ҲАВО БИЛАН ДУШЛАНИШДАГИ ҲАВО ҲАРОРАТИНИНГ ВА
ҲАРАКАТ
ТЕЗЛИГИНИНГ ҲИСОБИЙ МЕЪЁРЛАРИ**

Иш катего- рияси	Оқимдан ташқаридаги ҳавонинг ҳарорати, °С	Ишчи ўринда душланадиган оқимдаги ҳавонинг 1м ² даги ўртача тезлиги м/с	Ҳисобий иссиқлик оқимининг сирт зичлигида, Вт/м ² , душланадиган оқимдаги ҳаво аралашмасининг ҳарорати, °С				
			140 - 350	700	1400	2100	2800
Енгил I	2 - эслатма- нинг 6 - 9 гуруҳи бўйича қабул қилинсин	1	28	24	21	16	-
		2	-	28	26	24	20
		3	-	-	28	26	24
		3,5	-	-	-	27	25
Ўртача оғир II	Шу каби	1	27	22	-	-	-
		2	28	24	21	16	-
		3	-	27	24	21	18
		3,5	-	28	25	22	19
Оғир III	“	2	25	19	16	-	-
		3	26	22	20	18	17
		3,5	-	23	22	20	19

Изоҳлар: 1. Жадвалда кўрсатилган оқимдан ташқаридаги ҳаво ҳароратида, ишчи жойида душланадиган оқимдаги ҳаво аралашмасининг ҳароратини жадвалда келтирилган ҳар бир ҳарорат фарқига 0,4 °С дан ошириш ёки пасайтиришга, аммо 16 °С паст бўлмаган ҳолда, қабул қилишга рухсат этилади.


2. Нурли иссиқлик оқимининг сирт зичлигини нурланиш давомида ўртагача тенг деб қабул қилиш лозим.

3. Узлуксиз иш давомида нурли иссиқлик оқимининг 15 кам ёки 30 мин кўп давомли таъсирини душланадиган оқимдаги ҳаво аралашмасининг ҳароратини жадвалда келтирилган катталиқдак тегишлича 2°С га юқори ёки паст қабул қилишга рухсат этилади.

4. Нурли иссиқлик оқимининг сирт зичлигининг оралиқ қийматлари учун, душланадиган оқимдаги ҳаво аралашмасининг ҳароратини интерполяция ёрдамида аниқлаш лозим.

**ИШЧИ ЗОНАСИДАГИ МЕЪЁРЛАНГАН ҲАВО ҲАРОРАТИГА
ЭКВИВАЛЕНТ БЎЛГАН ХОНАДАГ ҲАВО ҲАРОРАТИНИ ВА ИСИТГИЧ
(ЁКИ СОВУТГИЧ) СИРТНИНГ ҲАРОРАТИНИ ҲИСОБЛАШ УЧУН
НОМОГРАММА**

Номограмма, ишчи ўринда ҳаво ҳаракатининг тезлиги кўпи билан 0,5 м/с, иситгич ёки совутгичнинг сиртининг майдони 0,5 м² ва ундан ортиқ бўлган вертикал бўйича 1 м ва горизонтал бўйича ишчидан 1,5 м масофада нурли сиртларнинг жойлашиши учун қурилган.



t_n - ишла, чиқариш хонасидаги доимий ишчи ўрнидаги меъёрланадиган ҳаво ҳарорати, °С;

D , O , X - ҳавонинг меъёрланган рухсат этилган D , ёки оптимал O ҳароратларида ва сиртнинг ҳарорати t_s бўлган нурли иситгич билан ишчининг танасини иситиш ва ҳавонинг меъёрланган X оптимал ҳароратларида ва сиртининг ҳарорати t_s бўлган нурли совутгич билан ишчининг танасини совутишда хонадаги ҳаво ҳарорати t_p ни аниқлаш учун ўзгариш чизиғи;

$D_1 - D_4$, $O_1 - O_4$ - ишчи ўринда ҳавонинг рухсат этилган ва оптимал ҳароратларига мос келадиган иситгичнинг тепасида D_1 , O_1 , ён томондан D_2 , O_2 ёнида икки томондан D_3 , O_3 ёнида уч томондан D_4 , O_4 жойлашган, нурли иситгич сиртининг ҳароратини аниқлаш учун ўзгариш чизиқлари.

$X_1 - X_4$ - сиртлар юқорида кўрсатилгандек жойлашганда, нурли совутгич сиртининг ҳароратини аниқлаш учун ўзгариш чизиқлари.

5 - сон ИЛОВА
Мажбурий

ТУРАР ЖОЙ, ЖАМОАТ ВА МАЪМУРИЙ МАИШИЙ ХОНАЛАРНИНГ ХИЗМАТ ЗОНАСИДА ҲАВОНИНГ ҲАРОРАТИ, НИСБИЙ НАМЛИГИ ВА ҲАРАКАТ ТЕЗЛИГИНИНГ ОПТИМАЛ ВА ИССИҚЛИК ИШНАМЛИГИ БЎЙИЧА ЧЕГАРАВИЙ, ШУНИНГДЕК, РУХСАТ ЭТИЛГАН МЕЪЁРЛАРИ

Йил даври	Ҳавонинг температураси, °С		Ҳавонинг нисбий намлиги, %	Ҳаво ҳаракатининг тезлиги, м/с, кўпи билан
	чегаравий	оптимал		
Иссиқ	22 - 27	23 - 26	60 - 30	0,2
	23 - 28	24 - 27	60 - 30	0,3

Совуқ ва ўтиш шароитлари	18 - 24	20 - 22	45 - 30	0,2
Изоҳлар: 1. Меъёрлар, хонада 2 соатдан ортиқ узлуксиз истиқомат қилувчи кишилар учун ўрнатилган. 2. Ҳароратининг кичик қийматиға ҳавонинг энг катта нисбий намлиги мос келади.				

6 - сон ИЛОВА
Мажбурий

ҲАВО ҲАРАКАТИНИНГ МЕЪЁРЛАНГАН ТЕЗЛИГИДАН ҲАВО ОҚИМИДАГИ МАКСИМАЛ ТЕЗЛИГИГА ЎТИШ “К” КОЭФИЦИЕНТЛАРИ

Метеорологик шароитлар	Кишиларни жойлаштириш	Ишлар категориялари учун “К” коэффицентлари	
		енгил	Ўртача оғир - II оғир - III
1	2	3	4
Рухсат этилган	Ҳавонинг келувчи оқимининг бевосита таъсир зонаси чегараларида:		
	а) бошланғич участкада ва ҳаво билан душланишда	1	1
	б) асосий участкада	1,4	1,8
	Ҳавонинг келувчи оқимининг бевосита таъсир зонсидан ташқарида	1,6	2
Оптимал	Ҳавонинг тескари оқими зонасида	1,4	1,8
	Ҳавонинг келувчи оқимининг бевосита таъсир зонасидаги - участка чегараларида:		
	а) бошланғич		
	б) асосий	1	1
	Ҳавонинг келувчи оқимининг бевосита таъсир зонасидан ташқарида	1,2	1,2
	Ҳавонинг тескари оқими зонасида	1,2	1,2
Изоҳ. Оқимининг бевосита зонаси, оқимининг кўндаланг кесим майдони билан аниқланади, бунда ҳаво ҳаракатининг тезлиги V_x дан $0,5 V_x$ гача чегараларда ўзгаради			

7 - сон ИЛОВА
Мажбурий

ИШЧИ ЁКИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЗОНАСИДП, КЕЛУВЧИ ОҚИМ ҲАРОРАТИНИНГ ҲАВОНИНГ МЕЪЁРЛАНГАН ҲАРОРАТИДАН РУХСАТ ЭЪТЛГАН ОҒИШ

Метеорологик шароитлар	Хоналар	Ҳавонинг рухсат этилган оғишлари, °С			
		Хонада иссиқлик танқислигини тўлдириш вақтида		Хонада ортиқча иссиқликни ассимиляция қилиш вақтида	
		К и ш и л а р н и ж о й л а ш т и р и ш			
		Ҳавонинг келувчи оқимининг	Ҳавонинг келувчи оқимининг	Ҳавонинг келувчи оқимининг	Ҳавонинг келувчи оқимининг

		бевосита таъсир зонасида	бевосита таъсир зонасидан ташқарида	бевосита таъсир зонасида	бевосита таъсир зонасидан ташқарида
Рухсат этилган	Турар жой, жамоат ва маъмурий-маиший:				
	Δt_1	3	3,5	-	-
	Δt_2	-	-	1,5	2
	Ишлаб чиқариш:				
Оптимал	Δt_1	5	6	-	-
	Δt_2	-	-	2	2,5
	Ҳар қандай махсус технологик талабалар қўйиладиган хоналардан ташқари				
	Δt_1	1	1,5	-	-
	Δt_2	-	-	1	1,5

8 - сон ИЛОВА
Мажбурий

ХОНАЛАРНИНГ ТЎСИК КОНСТРУКЦИЯЛАРИ ОРҚАЛИ СИЗИБ ЎТУВЧИ ТАШҚИ ҲАВОНИ ИСИТИШГА ИССИҚЛИК САРФИ

1. Сизиб ўтувчи ҳавони иситишга иссиқлик сарфи Q_i , Вт, ни қуйидаги формула орқали аниқлаш лозим:

$$Q_i = 0,28 \sum G_i c (t_p - t_i) k, \quad (1)$$

бунда: G_i - ушбу илованинг 3 - бандига мувофиқ аниқланадиган, хонанинг тўсиқ конструкциялари орқали сизиб ўтувчи ҳавонинг сарфи, кг/соат;

c - 1 кДж/(кг °С) га тенг, ҳавонинг солиштирма иссиқлик сифими;

$t_p - t_i$ - йилнинг совуқ даврида (B параметрлар) ташқи ҳавонинг ва тегишлича хонадаги (ўртача, хонанинг баландлиги 4 м дан ортиқ бўлишига боғлиқ ҳолда унинг ошишини ҳисобга олиш) ҳавонинг ҳисобий ҳарорати, °С;

k - конструкциялардаги муқобил иссиқлик оқимининг таъсирини ҳисобга олувчи, уч тавақали ойна ва девор панелларининг бирикиш жойлари учун 0,7 га, ажратувчи бирикиш жойлари бўлган ойна ва балкон эшиклари учун - 0,8 га ва очик ўймалари ва жуфтланган тавақалари бўлган балкон, эшиклари ва ойналари, бир қаватли ойналар учун - 1,0 га тенг бўлган коэффицент.

2. Иситилган оқимли ҳаво билан қопланмайдиган, табиий сўрма вентиляцияли турар жой ва жамоат бинолари хоналаридаги сизиб ўтувчи ҳавони

иситишга кетадиган иссиқлик сарфи Q'_i , Вт, ни (1) ва (2) формулалардан ҳисобий йўл билан олинган қийматлардан каттасига тенг қабул қилиш лозим:

$$Q'_i = 0,28 L_n \rho c (t_p - t_i) , \quad (2)$$

бу ерда: L_n - иситилган оқимли ҳаво билан қопланмайдиган чиқариб юбориладиган ҳаво сарфи, м³/соат; турар жой бинолари учун - ҳар 1 м² турар жой хоналарига солиштирма меъёрий сарфи 3 м³/соат;
 ρ - хонадаги ҳаво зичлиги, кг/м³.

3. Хонадаги зич бўлмаган ташқи тўсиқлар орқали сизиб ўтувчи ҳавонинг сарфи - G_i , кг/соат ни қуйидаги формула бўйича аниқлаш лозим:

$$G_i = 0,216 \sum A_1 \frac{\Delta p^{0,67}}{R_u} + \sum A_2 G_n \left(\frac{\Delta p_i}{\Delta p_1} \right)^{0,67} + 3456 \sum A_3 \Delta p^{0,5} + 0,5 \sum l \frac{\Delta p_i}{\Delta p_1}, \quad (3)$$

бу ерда: A_1 , A_2 - ташқи тўсиқ конструкцияларининг тегишлича ёруғлик ўймалари (ойна, балкон эшиклари, ойнабанд томлар ва бошқа тўсиқларнинг юзаси, м²;

A_3 - ташқи тўсиқ конструкцияларидаги тешиқлар, зич бўлмаган жойлар ва ўймаларнинг юзаси;

Δp_1 , Δp_i - биринчи қаватнинг пол сатҳидаги ва тегишлича ҳисобий қаватдаги тўсиқ конструкцияларининг ички ва ташқи юзаларидаги босимлар орасида ҳисобий фарқ, Па;

R_u - “Қурилиш иссиқлик техникаси” ҚМҚ 2.01.04-97 бўйича қабул қилинадиган ҳаво ўтказувчанлик қаршилиги, м² соат Па/кг;

G_n - ташқи тўсиқ конструкцияларининг меъёрий ҳаво ўтказувчанлиги, кг/(м² соат). “Қурилиш иссиқлик техникаси”

l - девор панелларининг туташ жойининг узунлиги, м.

Ҳар бир тўсиқ конструкциясининг ички ва ташқи сиртларидаги босимлар орасидаги ҳисобий фарқ, Δp_i , Па, технологик эҳтиёжларга сарфланадиган ва сунъий ҳаракатга келтириладиган, вентиляция тизимлари орқали чиқариладиган ва узатиладиган ҳаво ўртасидаги дисбаланс сарфи ва иссиқлик ҳамда шамол босимлари ҳисобидан бинога кирадиган $\sum G_i$, кг/соат ва ундан чиқадиган $\sum G_{ext}$, кг/соат ҳаво сарфи асосида бинодаги ҳавонинг шартли - доимий p_{int} , Па, босими аниқлангандан сўнг, қабул қилинади (ташқи тўсиқ конструкцияларининг ички юзаларидаги босимлари билан тенглаштирилади).

Босимларнинг ҳисобий фарқи Δp_i қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\Delta p_i = (H - h_i) (\gamma_i - \gamma_p) + 0.5 \rho v^2 (c_{e.n.} - c_{e.p.}) k_1 - p_{int} , \quad (4)$$

бу ерда: H - ер сатҳининг ўртача режавий белгисидан карнизнинг тепасигача, ойнабанд томнинг тортиш тирқишининг марказигача ёки шахта (кон) оғзигача бўлган бинонинг баландлиги, м;

h_i - ер сатҳидан ойна, балкон эшиклари, эшиқлар, дарвоза, ўймалар тепасигача ёки девор панелларининг горизонтал ўқигача ва вертикал туташ жойининг ўртасигача бўлган ҳисобий баладлик, м;

γ_i , γ_p - хонадаги ҳаво ва тегишлича ташқи ҳавонинг қуйидаги формула бўйича аниқланадиган солиштирма оғирлиги, Н/м³:

$$\gamma = \frac{3463}{(273 + t)}; \quad (5)$$

бу ерда: ρ_i - ташқи ҳавонинг зичлиги, кг/м³;

v - 3,2 б. га мувофиқ қабул қилинадиган шамол тезлиги, м/с;

$C_{e.n.}$, $C_{e.p.}$ - ҚМҚ 2.01.07-96 “Босимлар ва таъсир этишлар” бўйича қабул қилинадиган бино тўсиқларининг тегишлича шамолга тескари ва шамолга қараган юзалари учун аэродинамик коэффициентлари;

k_1 - ҚМҚ 2.01.07-96 бўйича қабул қилинадиган бинонинг баландлигига боғлиқ бўлган ҳолда шамолнинг тезкор босимининг ўзгаришини ҳисоб қиладиган коэффициент;

p_{int} - бинодаги ҳавонинг шартли - доимий босими, Па.

Изоҳлар: 1. Ташқи ҳавонинг иситишга кетадиган иссиқликнинг максимал сарфини, ҳар бир хона учун шамол йўналиши энг қулай бўлган ҳолда ҳисобга олиш лозим. Иситиш асбобларини автоматик тартибга солиш билан бинонинг иссиқлик нагрукасини (босимини) ҳисоблашда ёки иссиқликни сзиб ўтишга сарфини, фасад бўйича тартибга солиш билан барча бино учун шамолнинг энг ноқулай йўналишида қабул қилиш лозим.

2. Хонада ҳавонинг девор панеллари туташ жойи орқали сизиб ўтишини фақат турар жой бинолари учун ҳисобга олиш лозим.

9* - сон ИЛОВА
Мажбурий

ХОНАЛАРНИНГ ТЎСИҚ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ ОРҚАЛИ ЎТАДИГАН ИССИҚЛИК САРФИ

1. Асосий ва қўшимча иссиқлик сарфларини алоҳида тўсиқ конструкциялари орқали иссиқлик сарфини йиғиндиси Q , Вт, ни 10 Вт гача яхлитлаб, қуйидаги формула бўйича аниқлаш лозим:

$$Q = A(t_p - t_{ext}) (1 + \Sigma \beta) n/R, \quad (1)$$

бу ерда: A - тўсиқ конструкцияларининг ҳисобий юзаси, м²;

R - тўсиқ конструкцияларининг иссиқлик беришга қаршилиги, м² °С/Вт. Конструкцияларнинг иссиқлик беришга қаршилигини ҚМҚ 2.01.04-97* (ердги поллардан ташқари) аниқлаш лозим; ердаги поллар учун ушбу илованинг 3 б. га мувофиқ, бундай совуқ ўтказмайдиган поллар учун $R=R_h$ ва иситилмаган поллар учун $R=R_c$ деб қабул қилинади.

t_p - хона ҳавосининг ҳисобий ҳарорати, °С, хоналар баландлиги 4 м дан ортиқ бўлганда, хонанинг баландлигига боғлиқ равишда унинг ошишини ҳисобга олинади;

t_{ext} - ташқи тўсиқлар орқали иссиқлик сарфини йилнинг совуқ даври учун ҳисоблашдаги ташқи ҳавонинг ҳисобий ҳарорати, ёки ички тўсиқлар орқали иссиқлик сарфини ҳисоблашдаги энг совуқ хона

ҳавосининг ҳарорати, °С;

β - ушбу илованинг 2 б. га мувофиқ, асосий иссиқлик йўқолишига қўшиладиган қўшимча иссиқлик йўқолиши аниқланади;

n - ҚМҚ 2.01.04-97* бўйича тўсиқ конструкцияларининг ташқи ҳавога нисбатан қайси ҳолатда турганлигидан тақазо қилишига қараб қабул қилинадиган коэффицент.

2. Тўсиқ конструкциялари орқали қўшимча иссиқлик йўқолишиларидан улушни (қисмини):

а) вазифалари турли хил бинолар хоналарининг тик ёки қия бўлган ташқи деворлари, эшиклари, деразалари шимол, шарқ, шимоли-шарқ, шимоли-ғарбга қаратиб қурилгани учун 0,1 катталиқда, жануби-шарқ ва ғарб томонига қаратиб қўрилган учун эса 0,05 катталигида;

жамоат, маъмурий-маиший ва ишлаб чиқариш хоналарида ташқи деворлари икки ва ундан ортиқ бўлган ҳолатларида, агар тўсиқлардан бири шимол, шарқ, шимоли-шарқ, ва шимоли-ғарбга қаратилган бўлса ва бошқа ҳолатларида 0,1 ва 0,15 катталигида;

б) андазаси бир хил бино лойиҳаларида "а" бандда кўрсатилгандек тўсиқлар орқали кутб томонларига қаратиб қурилгани учун хона деворлари битта бўлганда 0,08 катталигида, деворлари икки ва ундан ортиқ (турар жой биноларидан ташқари) бўлганда эса 0,13 катталигида;

в) иссиқ ҳаво пардалари билан жихозланмаган баландликлари **H**, м га тенг бўлган биноларнинг ташқи эшикларига, ернинг ўртача режавий белгисидан карниз тепасигача, фонарнинг сўриб олувчи тешигининг марказигача, ёки шахта оғзигача қуйидаги катталиқларда:

ораларида иккита совуққа қарши даҳлизлари бўлган уч қатор эшикларга - 0,2 **H**;

оралиқда совуққа қарши бўлган қўшалок эшикларга - 0,27 **H**.

совуққа қарши даҳлизи бўлмаган қўшалок эшикларга - 0,34 **H**;

бир қаватли эшикларга - 0,22 **H** қўшимча иссиқлик йўқолиши қабул қилинади;

г) ҳаво ёки иссиқлик ҳаво пардаси билан жихозланмаган ташқи дарвозалар орқали, совуққа қарши даҳлиз бўлмаган ҳолда - 3 катталигида ва дарвоза олдида даҳлиз бўлган ҳолда - 1 катталигида қабул қилиш лозим.

Изоҳ. Ёзги ва запас ташқи эшиклар ва дарвозалар учун "б" ва "г" бандлари бўйича қўшимча иссиқлик йўқолишини ҳисобга олмаслик лозим.

3. Иссиқлик узатишга қаршиликни қуйидагича аниқлаш лозим:

а) ташқи деворларга параллел, зоналар бўйича 2 м кентликда иссиқлик ўтказувчанлик коэффиценти $\lambda \geq 1,2$ Вт/(м² °С) бўлган, ер сатҳидан пастда жойлашган, ерга бевосита қўйилган иситилмаган поллар ва деворлар учун **R_c**, м² °С/Вт, қуйидагиларга тенг деб қабул қилинади:

I зона учун - 2,1;

II зона учун - 4,3;

III зона учун - 8,5;

IV зона учун - 14,2 (полнинг қолган майдонлари учун);

б) ер сатҳидан пастда жойлашган, δ , м, қалинликка эга қаватларни иситувчи, иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти $\lambda_h < 1,2 \text{ Вт}/(\text{м}^2, \text{ }^\circ\text{C})$ бўлган, ерга бевосита қўйилган иситилган поллар учун $R_h, \text{ м}^2\text{ }^\circ\text{C}/\text{Вт}$, қуйидаги формуладан аниқлаб, қабул қилинади:

$$R_h = R_c + \delta / \lambda_h$$

в) бевосита тўсинларга қўйилган полларнинг иссиқлик узатишга бўлган қаршилиги $R_h, \text{ м}^2 \text{ }^\circ\text{C}/\text{Вт}$, қуйидаги формула орқали аниқлана-ди:

$$R_h = 1,18 (R_c + \delta / \lambda_h).$$

4. Иссиқлик анча ортиқ бўлган ишлаб чиқариш хоналарининг тўсиқ конструкциялари орқали иссиқлик йўқолишини тўсиқлар ва иссиқликманбаи ўртасидаги нурли иссиқлик алмашинувини инобатга олиб ҳисоблаш лозим.

10* - сон ИЛОВА

Мажбурий

ИСИТИШ ТИЗИМЛАРИ

Бино ва хоналар	Иситиш тизими (иситиш асбоблари, иссиқлик ташувчиси, иссиқлик ташувчисининг ёки иссиқлик берадиган сиртнинг чегаравий ҳарорати)
1. Турар-жой, жамоат ва маъмурий-маиший, 2-8 бандларида кўрсатилгандан ташқари	Иссиқлик ташувчининг температураси 95°C дан кўп бўлмаган ҳолда, сувли радиатор, конвектор ва текис қувурларда. Ташқи деворлар, поллар ва ораёпмаларга жойлаштирилган (3.14 бандга га мувофиқ) сувли иситувчи элементлар билан. Ҳаво билан лозим бўлганда кўпчилик иситиладиган хоналарда механик уйғотувчилик кирувчи вентиляция билан. Иссиқлик берувчи сиртининг температураси 95°C гача бўлган электрли.
2. Мактабгача болалар муассасалари	Иссиқлик ташувчининг температураси 90°C дан кўп бўлмаган ҳолда, сувли радиатор, конвектор ва текис қувурлар. Ташқи деворлар, поллар ва ораёпмаларга жойлаштирилган (3.14 бандга га мувофиқ) сувли иситувчи асбоблар билан.
3. Касалхоналарда даволаш учун мўлжалланган палаталар, жарроҳлик ва бошқа хоналар (психиатрик ва наркологик хонадан ташқари)	Иссиқлик ташувчининг температураси 85°C дан кўп бўлмаган ҳолда, сувли радиатор, конвектор ва текис қувурлар. Ташқи деворлар, поллар ва ораёпмаларга жойлаштирилган (3.14 бандга га мувофиқ) сувли иситувчи асбоблар билан.
4. Психиатрик ва наркологик касалхоналардаги палата, жарроҳлик ва бошқа хоналар (жамоат ва маъмурий-маиший хоналардан ташқари)	Иссиқлик ташувчининг температураси 95°C дан кўп бўлмаган ҳолда, сувли радиатор, конвектор ва текис қувурлар. Ташқи деворлар, поллар ва ораёпмаларга жойлаштирилган (3.14 бандга га мувофиқ) сувли иситувчи асбоблар билан. Иссиқлик берувчи сиртнинг температураси 95°C гача бўлган электрли.
5. Спорт заллари, вокзалларнинг пассажир заллари, овқатланиш заллари (ресторандан ташқи) ва савдо заллари (7 ўринда кўрсатилганидан ташқари)	Иссиқлик ташувчининг температураси 95°C дан кўп бўлмаган ҳолда, сувли радиатор, конвектор ва текис қувурлар. Ташқи деворлар, поллар ва ораёпмаларга жойлаштирилган (3.14 бандга га мувофиқ) сувли иситувчи асбоблар билан. Иссиқлик берувчи сиртнинг температураси 95°C гача бўлган

Бино ва хоналар	Иситиш тизими (иситиш асбоблари, иссиқлик ташувчиси, иссиқлик ташувчисининг ёки иссиқлик берадиган сиртнинг чегаравий ҳарорати)
	электрли.
6. Ҳаммомлар, кир ювиш хоналари ва душхоналар	Иссиқлик ташувчининг температураси 95°C дан кўп бўлмаган ҳолда, сувли радиатор, конвектор ва текис қувурлар. Ташқи деворлар, поллар ва ораёпмаларга жойлаштирилган (3.14 бандга га мувофиқ) сувли иситувчи элементлар билан. Ҳаволи.
7. Савдо заллари ва таркибида тез ўт оладиган суюқликлар бўлган ашёларни сақлаш ва ишлов бериш учун хоналар	Ушбу илованинг 9а ёки 9б бандлари бўйича қабул қилинсин.
8. Тамоша заллари ва ресторанлар	Иссиқлик ташувчининг температураси 95°C дан кўп бўлмаган ҳолда, сувли радиатор, конвекторларда. Ҳаволи. Иссиқлик берувчи сиртнинг температураси 115°C гача бўлган электрли.
9. Ишлаб чиқариш:	4.10* бандга мувофиқ ҳаво билан.
а) ёнадиган чанглар ва аэрозоллар ажралиб чиқадиган А ва Б тонфали хоналар	Иссиқлик ташувчининг температураси 95°C дан кўп бўлмаган ҳолда 3.8, 3.17, 3.41 ва 3.42 бандларига мувофиқ сувли.
б) чанг ва аэрозоллар ажралиб чиқмайдиган ёки ёнмайдиган чанг ажралладиган, ҳамда В тоифадаги хоналар	4.10* бандга мувофиқ ҳаво билан. Иссиқлик ташувчининг температураси: сув - 95°C дан кўп бўлмаган, буғ - 110°C дан кўп бўлмаган – сувли. Иссиқлик берувчи сиртнинг температураси 110°C гача бўлган, В тоифадаги хоналар учун (В тоифадаги омборлардан ташқи) газли ва электрли.
в) ёнадиган чанг ва аэрозоллар ажралиб чиқадиган Г ва Д тоифали хоналар	4.10* бандга мувофиқ ҳаво билан. Иссиқлик ташувчининг температураси: сув - 95°C дан кўп бўлмаган, буғ - 110°C дан кўп бўлмаган – сувли ва буғли, радиатор ва текис қувурлар билан.
г) ёнмайдиган чанг ва аэрозоллар ажралиб чиқадиган Г ва Д тоифадаги хоналар	Иссиқлик ташувчининг температураси: сув - 95°C дан кўп бўлмаган, буғ - 115°C дан кўп бўлмаган – сувли. Ҳаволи. Иссиқлик берувчи сиртнинг температураси 150°C дан кўп бўлмаган газли ва электрли.
д) чанг ва аэрозоллар ажралмайдиган Г ва Д тоифадаги хоналар	Иссиқлик ташувчининг температураси: сув - 95°C дан кўп бўлмаган, буғ - 115°C дан кўп бўлмаган – сувли ва буғли, радиатор, конвектор, қовурғали қувурли ва ҳаво агрегатли. Иссиқлик берувчи сиртнинг температураси 150°C дан кўп бўлмаган газли ва электрли.
е) ҳаво тозалигига юқори талаб қўйилган Г ва Д тоифадаги хоналар	Иссиқлик ташувчининг температураси 95°C дан кўп бўлмаган сувли радиатор ва текис қувурларда. Иссиқлик берувчи сиртнинг температураси 115°C дан кўп бўлмаган, электрли.
ж) жуда кўп намлик ажралувчи Г ва Д тоифадаги хоналар	Ҳаволи. Иссиқлик ташувчининг температураси: сув - 95°C дан кўп бўлмаган, буғ - 115°C дан кўп бўлмаган сувли ва буғли радиаторларда, конвекторларда, қовурғали ва текис қувурларда.

Бино ва хоналар	Иситиш тизими (иситиш асбоблари, иссиқлик ташувчиси, иссиқлик ташувчисининг ёки иссиқлик берадиган сиртнинг чегаравий ҳарорати)
з) ҳаракатланувчи заҳарли моддалар ажралувчи	Иссиқлик берувчи сиртнинг температураси 150°C дан кўп бўлмаган газли ва электрли.
	Маҳсус меъёрий ҳужжатлар бўйича.
10. ҳавосининг температураси меъёрдагидан паст бўлган (А, Б ва В тоифадаги хоналардан ташқари) иситилмайдиган ва иситиладиган хоналари ва иш ўринлари.	Газли ва электрли, шу жумладан 2.7 ва 3.16* бандларга мувофиқ юқори температурали нурлантирувчилардан.
<p>Изоҳлар: 1. Ҳаволи иситишни техникавий-иқтисодий асослашлар билан қабул қилишини лозим.</p> <p>2. Ҳаво иситиш тизимини ҳисоблашда ҳавонинг температураси ва сарфини 4.10* бандига мувофиқ аниқлаш лозим.</p> <p>3. Оловбардошлик даражаси III, IIIa, IIIб, IVa ва V бўлган биноларни газ асбоблари билан иситишга йўл қўйилмайди.</p>	

11* - сон ИЛОВА
Мажбурий

СУВ БИЛАН ИСИТИШ ТИЗИМИДА ИССИҚЛИК ОҚИМИНИНГ ВА ИССИҚЛИК ТАШУВЧИСИ САРФИНИНГ ҲИСОБИ

1*. Сув билан иситиш тизимларининг ҳисобий иссиқлик оқимини Q, кВт, қуйидаги формула бўйича аниқлаш лозим:

$$Q = \sum Q_1 \beta_1 \beta_2 + Q_2, \quad (1)$$

бу ерда:

Q₁ - бинонинг иссиқликни ҳисобий йўқотишининг, кВт, иситиш асбоблари билан қопланадиган қисми;

β₁ - 1-жадвал бўйича қабул қилинадиган, ҳисобий катталиқдан ортиқча қийматини яхлитлаш ҳисобидан, ўрнатиладиган иссиқлик асбобларининг қўшимча иссиқлик оқимини ҳисобга олиш коэффиценти.

β₂ - 2-жадвал бўйича қабул қилинадиган, ташқи тўсиқлар ёнида жойлашган, иситиш асбоблари орқали иссиқликни қўшимча йўқолишини ҳисобга олувчи коэффицент;

Q₂ - ҳисоб йўли билан аниқланадиган, ҳавонинг ҳисобий температураси +5 °C дан паст бўлган хоналарга қўйилувчи, узатувчи ва қайтувчи магистралда иссиқлик ташувчининг совутиш натижасида иссиқликнинг қўшимча йўқолиши, кВт.

1 - жадвал

Иситиш асбобларининг алоҳида рўйхатга киритилган қаторининг (номенклатура) қадами, кВт	β ₁ - Коэффиценти
0,12	1,02
0,15	1,03
0,18	1,04

0,21	1,06
0,24	1,08
0,30	1,13

Изоҳ. Номиналли иссиқлик оқими 2,3 кВт дан кўп бўлган хонанинг иситиш асбоблари учун β_1 коэффициентининг ўрнига қуйидаги формула орқали аниқланадиган β'_1 ни қабул қилиш лозим:

$$\beta'_1 = 0,5 (1 + \beta_1) . \quad (2)$$

2 - жадвал

Иситиш асбоби	Асбоб ўрнатишдаги β_2 коэффициент	
	ташқи девор олдида, шу қатори, ёруғлик ўймасида	Ойна қўйилган ёруғлик ўймасида
Радиатор:		
Секцияли чўянли панелли пулатли	1,02	1,07
Конвектор:		
Кожухли (қопқоқли) кожухсиз	1,04	1,10
	1,02	1,05
	1,03	1,07

2*. Агар иссиқликнинг қўшимча йўқотилиши, кВт, ҳисобий иссиқлик оқимининг 3% дан кўпроғини ташкил этса, у ҳолда қуйидаги шартни бажарилишига эришиш учун узатувчи ва қайтувчи қувурўтказгичларда тегишли равишда иссиқлик изоляциясини ошириш лозим:

$$Q_2 \leq 0,03 \cdot Q \quad (3)$$

3. Тизимдаги, тармоқдаги ёки иситиш тизимидаги стоякда (устунда) иссиқлик ташувчининг сарфини G , кг/соат, қуйидаги формула бўйича аниқлаш лозим:

$$G = 3,6 \Sigma Q / (c \Delta t) , \quad (4)$$

бу ерда:

Q - тизимни, тармоқни ёки стоякни иссиқлик ташувчи билан таъминловчи, ҳисобий иссиқлик оқими, Вт, (1) формулага қаранг;

c - 4,2 Дж/(кг °С) га тенг бўлган сувнинг солиштирма иссиқлик сиғими;

Δt - иссиқлик ташувчининг киришдаги ва тизимдан, тармоқдан ёки стоякдан чиқишидаги ҳароратлар фарқи, °С.

12 - сон ИЛОВА
Мажбурий

ҚУВУРЛАРДАГИ СУВ ҲАРАКАТИНИНГ РУХСАТ ЭТИЛГАН ТЕЗЛИГИ

Шовқининг рухсат этилган эквивалент даражаси, дБ	Қувурлардаги иссиқлик ташувчининг тезлигига келтирилган, арматурали стояк ёки иситиш асбоблари қисмининг маҳаллий қаршилик коэффициентларида, қувурлардаги сув ҳаракатининг рухсат этилган тезлиги, м/с				
	5 гача	10	15	20	30
25	1,5/1,5	1,1/0,7	0,9/0,55	0,75/0,5	0,6/0,4
30	1,5/1,5	1,5/1,2	1,2/1,0	1,0/0,8	0,85/0,65
35	1,5/1,5	1,5/1,5	1,5/1,1	1,2/0,95	1,0/0,8

40	1,5/1,5	1,5/1,5	1,5/1,5	1,5/1,5	1,3/1,2
<p>Изоҳлар:1. Суратда - тикинли, учёкмали жўмрақларни ва икки томонлами ростлашни қўллашда иссиқлик ташувчининг рухсат этилган тезлиги келтирилган, маҳражда - вентиляторни қўллаш холи учун.</p> <p>2. Бир нечта хоналардан ўтказиладиган қувурлардаги сув ҳаракатининг тезлигини қўйидагиларни:</p> <p>а) шовқининг рухсат этилган эквивалент даражаси энг кичик бўлган хона;</p> <p>б) участканинг (тармоқнинг) узунлиги 30 м бўлганда, хонанинг икки томонидан шу хона орқали ўтказиладиган, қувур узатгичининг исталган тармоғида ўрнатиладиган маҳаллий қаршилигининг коэффициенти энг катта бўлган арматурани ҳисобга олиб аниқлаш лозим.</p>					

13 - сон ИЛОВА

Мажбурий

БИНОЛАРДА ПЕЧЛИ ИСИТИШНИ ҚЎЛЛАШ

Бинолар	Сони	
	Қаватлар, кўпи билан	Ўринлар, кўпи билан
Турар жой, жамоат	2	-
Ётоқ хоналар, ҳаммомлар	1	25
Поликлиникалар, спорт, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари (маиший хизмат уйлари ва хизмат кўрсатиш комбинатларидан ташқари), алоқа корхоналари, шунингдек, майдони кўпи билан 500 м ² бўлган Г ва Д категорияли хоналар	1	-
Клублар	1	100
Ётоқхона корпуслари бўлмаган умумтаълим мактаблари	1	80
Кундузи болалар истиқомат қиладиган мактабгача болалар муассасалари, умумий овқатланиш ва транспорт корхоналари	1	50
Изоҳ. Биноларнинг қаватлигини цокол қаватини ҳисобга олмаган ҳолда қабул қилиш лозим.		

14 - сон ИЛОВА

Мажбурий

ПЕЧЛАР ВА ТУТУН КАНАЛЛАРИНИ ТИСЛАМА ВА АЖРАТМА ҚИЛИШ ЎЛЧАМЛАРИ

1. Печлар ва тутун каналларининг, печ деворнинг қалинлигини ҳисобга олган ҳолда, ажратма қилиш ўлчамларини, 3.18, б. бандга мувофиқ муҳофаза этилган конструкцияларгача - 380 мм ва бинонинг ёнувчи материаллардан бўлган конструкцияларигача 500 мм га тенг деб қабул қилиш лозим.

2. Тисламаларга қўйиладиган талаблар ушбу жадвалда келтирилган:

Печ деворларининг	Тислама	Печ ёки тутун канали (қувури)нинг ташқи сиртидан девор ёки тўсиқгача бўлган масофа, мм
-------------------	---------	--

қалинлиги, мм		Тез ёнишдан муҳофазаланмаган	Тез ёнишдан муҳофазаланган (3.81, б, бандга мувофиқ)
120	Очиқ	260	200
120	Ёпиқ	320	260
65	Очиқ	320	260
65	Ёпиқ	500	380

Изоҳлар: 1. Ўтга чидамлик чегараси 1 соат ва ортиқ аланганинг таркалиш чегараси 0 см бўлган девор учун печнинг ташқи сиртидан тутун канали (кувури) дан деворгача (тўсиккача) бўлган масофа меъёрланмайди.

2. Болалар муассасалари, ётоқхоналар ва умумий овқатланиш корхоналари биноларида тисламалар чегарасида деворлар (тўсиқлар)нинг ўтга чидамлилик чегарасини камида 1 соат бўлишини таъминлаш лозим.

3. 3.78 б. га мувофиқ шипнинг, 3.81 б. га мувофиқ пол, девор ва тўсиқларнинг ҳимоясини печнинг габаритлари 150 мм дан кам бўлмаган масофада, бажариш лозим.

15* - сон ИЛОВА
Мажбурий

ЧИҚАЗИЛАЁТГАН ВА БЕРИЛАЁТГАН ҲАВО САРФИНING ҲИСОБИ

1. Вентиляция, ҳаволи иситишни вентиляция билан ўринлаштирилиш, ва ҳавони кондициялаш тизимлари учун хонадон чиқазилаётган ҳаво сарфи, м³/соат, ҳисоблаш орқали аниқланади ва қуйидагиларни таъминлаш учун талаб қилинувчи сарфлардан энг каттаси қабул қилиниши лозим:

- 2 бандга кўра санитар гигиеник нормаларни;
- 3 бандга кўра портлаш ёнғин хавфсизлиги нормаларини.

2. Чиқазилаётган ҳавонинг сарфини (1) - (7) - формулалар бўйича олинган қийматлардан каттароғини қабул қилиб, йилнинг иссиқ ва совуқ мавсумлари учун алоҳида аниқланиши лозим (кирувчи ва чиқарувчи ҳавонинг зичлиги 1,2 кг/м³ бўлганида):

- сингувчи вентиляцияланувчи ҳаводаги айнан иссиқлик:

$$L_{out} = L_{w,z} + \frac{3,6 Q - cL_{w,z}(t_{w,z} - t_{in})}{c(t_l - t_{in})}. \quad (1)$$

Ҳонага тўғридан-тўғри ва тарқалувчи қуёш радиациясидан тушувчи иссиқлик оқимини лойиҳалашда қуйидагича ҳисобга олиш лозим:

- вентиляция билан, шу жумладан йилнинг иссиқ мавсумида ҳавони буғлантириб совутиш билан;
- кондициялаш - йилнинг иссиқ ва совуқ мавсумлари учун;

- ажралувчи зиёнкор ёки портлашга хавфли моддалар:

$$L_{out} = L_{w,z} + \frac{m_{po} - L_{w,z}(q_{w,z} - q_{in})}{q_l - q_{in}}. \quad (2)$$

Йиғма таъсир натижали бирнеча зиёнкор моддалардан хонага бир вақтда бўладиган ажралма ҳолатида, ҳаво алмашинишини ҳарбир моддадан ажралишни

ҳисоблаш орқали ҳаво сарфини йиғиндисидан аниқлаш лозим;

в) намлик ортиқчалиги бўйича (сув буғи):

$$L_{out} = L_{w,z} + \frac{W - 1,2 L_{w,z} (d_{w,z} - d_{in})}{1,2 (d_l - d_{in})}. \quad (3)$$

Ортиқча намликка эга бўлган хоналарда ҳаво алмашилини йилнинг совуқ мавсумида ташқи ҳавонинг Б ҳисобий параметрларида ташқи тўсик конструкцияларининг ички юзларида конденсат ҳосил бўлишини олдини олиш учун текширишни лозим;

г) сингувчи вентиляция ҳавосидаги тўла иссиқликнинг ортиқчаси:

$$L_{out} = L_{w,z} + \frac{3,6 Q_{h,t} - 1,2 L_{w,z} (I_{w,z} - I_{in})}{1,2 (I_l - I_{in})}. \quad (4)$$

Тўла иссиқликнинг ортиқчасини аниқлашда кондицияланувчи хонага автоном кондиционерлардан ёки хона ҳавосини тўла рециркуляция қилишга ишлайдиган бошқа ҳавосовутувчилардан кирувчи совуқликни ҳисобга олиш лозим;

д) ташқи ҳаво билан ҳавоалмашилини меъёрий мартабалиги бўйича:

$$L_{out} = V_p \cdot n \frac{1}{1 - k_p}; \quad (5)$$

е) ташқи ҳавонинг меъёрланадиган солиштира сарфи бўйича:

$$L_{out} = A \cdot s \frac{1}{1 - k_R}; \quad (6)$$

$$L_{out} = N \cdot m \frac{1}{1 - k_R}. \quad (7)$$

(1) - (7) формулаларда:

$L_{w,z}$ - хонанинг хизмат кўрсатадиган ёки ишчи зонасидан маҳаллий сўрувчилар, чиқарилаётган умумалмаштирув вентиляциялари ва технологик эҳтиёжлар учун бартараф этилувчи ҳаво сарфи, м³/соат;

$Q, Q_{h,t}$ - вентиляция ҳавосидан сингувчи айнан ва тўла ортиқча иссиқлик оқимлари, Вт;

s - 1,2 кДж/(м³ °С)га тенг ҳавонинг иссиқлик сифими;

$t_{w,z}$ - хонанинг хизмат кўрсатилувчи ёки ишчи зонасидаги ҳаво температураси, °С;

t_z - хизмат кўрсатиладиган ишчи зонасидан ташқаридаги хонадан чиқариб юбориладиган ҳавонинг ҳарорати, °С;

t_{in} - б б. га мувофиқ аниқланадиган, хонага бериладиган ҳавонинг ҳарорати, °С;

W - хонадаги ортиқча намлик, г/соат;

$d_{w,z}$ - хонанинг хизмат кўрсатилувчи ёки ишчи зонасидаги ҳаводаги намлик, г/кг;

d_l - хонанинг хизмат кўрсатилувчи ёки ишчи зонаси чегарасидан бартараф этилувчи ҳаводаги намлик, г/кг;

d_{in} - хонага берилувчи ҳаводаги намлик, г/кг;

$I_{w,z}$ - хонанинг хизмат кўрсатилувчи ёки ишчи зонасидаги ҳавонинг солиштирма энтальпияси, кДж/кг;

I_l – хонанинг хизмат кўрсатилувчи ёки ишчи зонаси чегарасидан бартараф этилувчи ҳавонинг солиштирма энтальпияси, кДж/кг;

I_{in} – хонага берилувчи ҳавонинг солиштирма энтальпияси, кДж/кг, 5 бандга кўра аниқланади;

m_{po} - хона ҳавосига кирувчи ҳарбир зарарли ёки ишчи зонасидан ва унинг сарҳади ташқарасидан бартараф этилувчи ҳаводаги зарарли ёки портлашга ҳавфли моддаларнинг сарфи, мг/соат;

$q_{w,z}$, q_l - хонанинг хизмат кўрсатилувчи ёки ишчи зонасидан ва унинг сарҳади ташқарасидан бартараф этилувчи ҳаводаги зарарли ёки портлашга ҳавфли моддаларнинг концентрацияси, мг/м³;

q_{in} - хонага берилувчи ҳаводаги зарарли ёки портлашга ҳавфли модданинг концентрацияси, мг/м³;

V_p - хонанинг ҳажми, м³; баландлиги 6 м ва ундан кўпроқ хона учун $V_p = 6A$ деб қабул қилинади;

A - хонанинг майдони, м²;

N - одамлар (келувчилар), ишчи ўринлари, қурилма бирликлари сони;

n – ташқи ҳаво билан ҳавоалмашилишнинг меъёрий мартабалилиги, соат⁻¹;

s – 1 м² пол юзасига тўғри келувчи ташқи ҳавонинг меъёрий сарфи, м³/(соат·м²);

k - хона полининг 1 м² га оқимли ҳавонинг меъёрландиган сарфи, м³/(соат м²);

m - 1 кишига, м³/(соат·киши), 1 ишчи ўринга, 1 келувчига ёки бир қурилма бирлигига тўғри келувчи ташқи ҳавонинг меъёрий солиштирма сарфи;

k_R – рециркуляцияланувчи ва берилаётган ҳаволар сарфларининг нисбатига тенг бўлган рециркуляция коэффиценти.

Ҳаво параметрлари $t_{w,z}$, $d_{w,z}$, $I_{w,z}$ ларни мазкур нормаларнинг 2 бўлимига кўра хонанинг хизмат кўрсатилувчи ёки ишчи зонасидаги ҳисобий параметрларга, $q_{w,z}$ эса - хонанинг ишчи зонасидаги ПДК га тенг қилиб олиш лозим.

Ҳаво параметрлари t_l , d_l , I_l , q_l тегишли бино учун умумлаштирилган катталиклар бўйича, ундай катталиклар бўлмаган ҳолда эса ҚМҚ 2.01.18-2000 нинг 2 иловасига кўра олиниши лозим.

n , s , m катталикларнинг қийматлари тегишли бинолар учун лойиҳалаш нормалари бўйича, шу билан бирга уларнинг қийматлари 17* иловадагига кам бўлмаган қиймат қабул қилиниши лозим.

3. Портлаш ёнғин хатарсизлиги нормаларини таъминлаш учун ҳаво сарфи (2) формула бўйича аниқланади.

Бунда (2) формула бўйича $q_{w,z}$ ва q_l ларнинг қийматлари 0,1 q_g , мг/м³ га ўзгартиришлари лозим (бу ерда q_g – аланганинг газ-, буғ- ва чангҳаво аралашмалари бўйича тарқалишининг пастки концентрация чегараси).

4. Хонадаги берилаётган ҳавонинг сарфи L_{in} , м³/соат ни қуйидаги формула бўйича аниқлаш лозим:

$$L_{in} = L_{out} + \Delta L_B, \quad (8)$$

бу ерда ΔL_v – ҳавоалмашинуви дисбаланси қиймати, $m^3/соат$, 4.49 ва 4.50 бандларига кўра қабул қилинади ёки бошқа норматив ҳужжатларда кўрсатилганидек олинади.

5. Вентиляция, ҳаволи иситиш ёки ҳавони кондициялаш тизимидан берилаётган ҳавонинг температураси, намлиги ва энтальпияси иложи борича температура ва энтальпиянинг ишчи қийматлари айирмаларни юқорироқ бўлишини таъминлаган ҳолда I-d диаграммасида ҳаволи ишлатиш жараёнларини куриш орқали аниқлаш лозим ва:

а) иссиқлик етишмовчилигини тўлдиришда – хонанинг хизмат кўрсатилувчи ёки ишчи зонасида жойлашган ҳаво тақсимлагичлардан чиқувчи берилаётган ҳавонинг температураси $45\text{ }^\circ\text{C}$ гача, бу зонадан ташқари эса 2.10 банди талабларини таъминлаган ҳолда кирувчи оқим ҳисобига кўра, аммо $70\text{ }^\circ\text{C}$ дан кўп бўлмаслиги лозим;

б) ортиқча иссиқликни сингдиришда ҳавотақсимлагичлар оғзидан чиқувчи ҳаво температураси 2.10 банд талабларига риоя қилишни таъминлаган ҳолда кирувчи оқим ҳисобига кўра;

в) вентиляторлардаги ҳавонинг қизиш катталиги, Δt_F , $^\circ\text{C}$ қуйидаги ўлчамда:

$$\Delta t_F = 0,001 \cdot P \quad (9)$$

бу ерда P – вентилятор ҳосил қилувчи тўлиқ босими, Па.

16 - сон ИЛОВА
Мажбурий

ЛАБОРАТОРИЯ ХОНАЛАРИНИНГ ВЕНТИЛЯЦИЯ ТИЗИМЛАРИ

1. Илмий-текшириш ва ишлаб чиқаришга мўлжалланган лаборатория хоналари хоналари учун вентиляция тизимларини, ишлаб чиқариш хоналари учун портлаш-ёнғин ва ёнғин ҳавфли категорияларни ҳисобга олиб ўрнатилган талабларга мувофиқ лойиҳалаштириш лозим.

2. Текширилаётган моддалар оператив запасини сақлаш учун ҳар бирининг майдони камида $36\text{ }m^2$ бўлган А категорияли (ҳар ҳил қаватларда жойлашган) иккидан ортиқ бўлмаган омборхоналарга уланган маъмурий-маиший ва В, Г ва Д категорияли (техникавий ва ертўлали қаватларн ичига олган ҳолда жойлашган хоналар гуруҳи учун умумий оқиб келувчи тизимларни лойиҳалаштиришга рухсат этилади.

Ушбу омборхоналарнинг ҳаво йўлларида оловга бардошлилик чегараси 0,5 соат бўлган ўтни тутиб қолувчи клапан (қопқоқ)лар ўрнатиш лозим. “В” категорияли хоналар учун ҳаво йўллари 4.106.в ёки 4.106.г бандларга мувофиқ лойиҳалаштириш лозим.

3. Умумалмашинув вентиляцияси ва маҳаллий дойли ҳаво сўргичли умумий сўрма тизимларини:

а) текширилаётган моддаларни оператив сақлаш учун А категорияли омборхоналар учун;

б) агар маҳаллий жойли ҳаво сўрмалари билан таъминланган жиҳозларда

ҳавфли портлаш аралашмаси ҳосил бўлмаса, В, Г ва Д категорияли бир лаборатория учун лойиҳалаштиришга рухсат этилади.

4. Илмий текшириш ишларига мўлжалланган лаборатория хоналарида, қаерда зарарли ёки ёнувчи газлар, буғлар ва аэрозоллар билан ишлар олиб борилса, у ҳолда ҳавони қайта ишлатиш (рециркуляция) рухсат этилмайди.

5. Майдони 36 м² ва ундан кам бўлган В категорияли лаборатория хоналаринда тутунга қарши ҳимоя тизимларини лойиҳалаштирмасликка рухсат этилади.

17* - сон ИЛОВА
Мажбурий

ТАШҚИ ҲАВОНИНГ МИНИМАЛ САРФИ

Хоналар (участкалар, зоналар)	Х О Н А Л А Р		
	Табиий шамоллатиш билан	Табиий шамоллатишсиз	
	Ҳаво сарфи		
	1 кишига, м ³ /соат	1 кишига, м ³ /соат	алмашинув/соат
Ишлаб чиқариш	30*; 20**	60	1
Жамоат ва маъмурий - маиший	ҚМҚ талаблари бўйича	60; 20***	-
Турар жой	Турар жой хоналарининг 1м ² га 3м ³ /соат	-	-

* Хонанинг (участка, зонанинг) ҳажми 1 кишига 20 м³ дан кам бўлса.
** Хонанинг (участка, зона) ҳажми 1 кишига 20 м³ ва ундан кўпроқ.
*** Тамоша заллари, мажлислар заллари ва одамлар 3 соатдан кўпроқ бўладиган бошқа хоналар.

18 - сон ИЛОВА
Мажбурий

ҲАВО ЙЎЛИ УЧУН БУЮМЛАР ВА АШЁЛЛАР

Транспорт ёрдамида ташиладиган муҳит тавсифи	Буюмлар ва материаллар
Ҳаво намлиги 60 % дан кўп бўлмаган, ҳаво ҳарорати 80 °С дан ортиқ бўлмаган ҳолларда	Бетонли, темир-бетонли ва гипсли вентиляция блоклари; гипс-картонли, гипс-бетонли ва арболитли қутича; руҳланган юпка листли, томга ёпиладиган, листли, совуқ ишлов берилган ўрамли-пўлат; шиша-мато, қоғоз ва картон; кўрсатилган муҳит талабларига жавоб берадиган бошқа материаллар.
Шу каби, нисбий намлиги 60 % дан ортиқ бўлган ҳолда	Бетонли ва темир-бетонли вентиляция блоклари; листли, руҳланган юпка листли пўлат; листли алюминий; пластмасс қувур ва плиталар; шиша-мато; тегишлича сингдирилган қоғоз ва картон; кўрсатилган муҳит талабларига жавоб берадиган материаллар.
Кимёвий актив газли ва чангли ҳаво	Керамик қувур ва қутича; пластмасс қувур ва қутича;

Транспорт ёрдамида ташиладиган муҳит тавсифи	Буюмлар ва материаллар
аралашмаси	кислотага чидамли бетон ва қатламли бетон; шишамато; металл қатлам (металлопласт); листли пўлат; тегишлича сингдирилган ва химоя қатламли транспорт воситасида ташиладиган муҳитдаги қоғоз ва картон; кўрсатилган муҳит талабларига жавоб берадиган бошқа материаллар.
Изоҳ. Ҳаво йўллари транспорт воситасида, ташиладиган муҳитга чидамли қатламга эга бўлиши лозим.	

19 - сон ИЛОВА
Тавсиявий

МЕТАЛЛ ҲАВО ҚУВУРЛАР КЎНДАЛАНГ КЕСИМИНИНГ ТАШҚИ ЎЛЧАМЛАРИ ВА МЕТАЛЛНИНГ ҚАЛИНЛИГИГА ТАЛАБЛАР

Металли ҳаво қувурлари кундаланг кесими (диаметри, ташқи ўлчов бўйича кенглиги ва баландлиги) қуйидаги ўлчамларни қабул қилиш тавсия этилади, мм.:

50	56	63	71	80	90	100	112	125	140	160	180
200	224	250	280	315	355	400	450	500	560	630	710
800	900	1000	1120	1250	1400	1600	1800	2000	2240	2500	2800
3150	3350	3550	4000	4500	5000	5600	6300	7100	8000	9000	10000

Изоҳлар: 1. Тўғрибурчакли кесимли томонларнинг нисбати 6,3 дан ошмаслиги лозим.

2. Ҳаво қувурлар учун листли пўлатнинг қалинлиги, қайсики у бўйича, ҳаво ҳарорати 80°C дан ошмасдан йўналганда, кўпи билан қуйидаги катталикларни қабул қилиш лозим, мм:

а) айланали кесимли ҳаво қувурларининг диаметри, мм:

200 гача қўшиб олинганда.....	0,5;
250 дан 450 гача	0,6;
500 дан 800 “	0,7;
900 дан 1250 “	1,0;
1400 дан 1600 “	1,2;
1800 дан 2000 “	1,4;

б) тўғрибурчакли кесимли ҳаво қувурларининг энг катта томонли ўлчами, мм:

250 гача қўшиб олинганда	0,5;
300 дан 1000 “	0,7;
1250 дан 2000 “	0,9;

в) томонларидан бири 2000 мм дан ортиқ бўлган тўғрибурчакли кесимли ҳаво қувурлари ва кесим 2000x2000 мм бўлган ҳаво қувурлари учун пўлатнинг қалинлиги ҳисоб билан асослаб бериш лозим.

3. Пайвандланган ҳаво қувурлари учун пўлатнинг қалинлиги пайвандлаш ишларининг бажарилиш талабларига мувофиқ аниқланади.

4. Абразив чангли ёки механик аралашмали ҳавонинг ёки 80 °C дан ортиқ ҳароратли ҳавонинг силжишини ҳаво қувурлари учун кўзда тутиладиган пўлатнинг қалинлигини ҳисоб билан асослаш лозим.

20 - сон ИЛОВА
Тавсиявий

ЁНГИН ВАҚТИДА ЧИҚАРИБ ЮБОРИЛАДИГАН ТУТУННИНГ САРФИ

1. Йўлак ёки холдан (5.6, б. бандга қаранг) чиқариб юбориладиган тутуннинг сарфини G_1 , кг/соат, қуйидаги формулаларидан аниқлаш лозим:

а) турар жой бинолари учун

$$G_1 = 3420 V \cdot n \cdot H^{1,5}; \quad (1)$$

б) жамоат, маъмурий-маиший ва ишлаб чиқариш бинлар учун

$$G_1 = 4300 V \cdot n \cdot H^{1,5} K_d. \quad (2)$$

K_d - йўлакдан зинапоя катакларига ва ташқарига одамларни эвакуация қилиш вақтида, эшиклар очилишининг нисбий давомлилиқ коэффициентини бир эшикдан эвакуация қилиш вақтида 25 киши ва ундан ортиқ бўлганда 1 га тенг ва бир эшик орқали эвакуация қилиш вақтида 25 кишидан кам бўлганда 0,8 га тенг деб қабул қилиш лозим.

Бинолар	В кенгликнинг қийматларидаги n коэффициент				
	0,6	0,9	1,2	1,8	2,4
Турар жой	1,00	0,82	0,70	0,51	0,41
Жамоат, маъмурий - маиший ва ишлаб чиқариш бинолари	1,05	0,91	0,80	0,62	0,50

(1) ва (2) формулаларда:

V - хол ёки йўлакдан ташқарига ёки зинапоя катакларига чиқиш вақтида энг катта очиладиган эшик тавақасининг кенглигини, м;

n - жадвал бўйича қабул қилинадиган ва ёнғин вақтида йўлакдан зинапоя катаклари ёки ташқарига очиладиган катта тавақаларнинг умумий кенглигига боғлиқ бўлган коэффициент;

H - эшикнинг баландлиги, м; $H > 2,5$ м бўлганда, $H = 2,5$ м қабул қилинсин;

2. Хонадан чиқариладиган тутун сарфини G , кг/соат, ёнғин ўчоғи параметри бўйича аниқлаш лозим (5.6.а бандга қаранг).

Майдони 1600 м² бўлган хоналар учун тутун сарфи ёки катта майдонли (5.7 бандга қаранг) хоналар майдони учун тутун резервуарини қуйидаги формула бўйича аниқлаш лозим:

$$G = 676,8 P_f \cdot y^{1,5} K_s, \quad (3)$$

бунда P_f - ёнадиган упаковкадаги ёнадиган ёки ёнмайдиган материал (деталлар) сақланадиган жойлар ёки ёнувчи моддаларнинг очиқ ёки зич ёпилмаган сифимларининг периметрларидан каттасига тенг қабул қилинадиган ёнғин ўчоғининг бошланғич давридаги периметри, м. Спринклерли тизимлар билан жихозланган хоналар учун $P_f = 12$ м қабул қилинади. Агар ёнғин ўчоғипериметрини аниқлаш мумкин бўлмаса, қуйидаги формула бўйича аниқлашга рухсат этилади:

$$4 \leq P_f = 0,38 A^{0,5} \leq 12, \quad (4)$$

A - тутун резервуари ёки хона майдони, м²;

y - тутун резервуари ҳосил қилувчи, парданинг пастки четидан полгача ёки тутаётган зонанинг пастки чегарасидан полгача, хоналар учун 2,5 м деб қабул қилинган масофа, м;

K_s - 1,0 га тенг коэффициент, спринклерли тизимлар ёрдамида бир вақтнинг

ўзида ёнғинни ўчирувчи табиий майлли тизимлар учун $K_s = 1,2$.

Изоҳ: Ёнғин ўчоғининг периметри $P_f > 12$ м бўлганда ёки масофа $u > 4$ м бўлганда, тутун сарфини ушбу илованинг 3 - бандига биноан аниқлаш лозим.

3. Хонадан чиқариб юбориладиган тутуннинг сарфини G_1 , кг/соат (эвакуация чиқишларидаги эшиклар муҳофазаси шартларидан), агар ша-молнинг тезлиги йилнинг совуқ даврига қараганда, иссиқ даврида катта бўлса, совуқ (Б параметрлари) учун (5) формуладан аниқлаш ва йилнинг иссиқ даври учун текшириш лозим:

$$G_1 = 3584 \Sigma A_d [h_o (\gamma_{in} - \gamma) \rho_{in} + 0,7 V^2 \rho_{in}^2]^{0,5} K_s, \quad (5)$$

бунда ΣA_d - эвакуация чиқишларидаги эшикларининг эквивалент майдони (сарфга), m^2 ;

h_o - тутун босган зонанинг пастки чегарасидан эшикнинг ўртасигача бўлган ҳисобий баландлик қуйидагича қабул қилинади:

$$h_o = 0,5 H_d + 0,2;$$

H_d - эвакуация чиқишларининг энг баланд эшикларининг баландлиги, м;

γ_{in} - ташқи ҳавонинг солиштирма оғирлиги, N/m^3 ;

γ - 5.9 бандга мувофиқ қабул қилинадиган тутуннинг солиштирма оғирлиги;

ρ_{in} - ташқи ҳавонинг зичлиги, kg/m^3 ;

V - шамол тезлиги, м/с; $V = 1,0$ м/с бўлганда, $V = 0$, $V > 1,0$ м/с бўлганда ҚМҚ 2.01.01-94 (Б параметрлари) га мувофиқ, аммо 5 м/с дан кўп эма деб қабул қилиш лозим.

Изоҳ. Импортлар солинган территорияларда шамол тезлигини маҳаллий метеорология станциясининг маълуматлари бўйича, 5 м/с дан кўп бўлмаган ҳолда қабул қилишга рухсат этилади.

Эшикларнинг эквивалент майдони A_d қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\Sigma A_d = (\Sigma A_1 + K_1 \Sigma A_2 + K_2 \Sigma A_3) K_3, \quad (6)$$

бу ерда:

A_1 - ташқарига очиладиган, бир қаватли эшикларнинг йиғинди майдони;

A_2 - хонадан чиқиш учун биринчи эшикларнинг йиғинди майдони, бунда йиғинди майдони $\Sigma A'_2$, m^2 , бўлган иккинчи эшикларни ташқарига очиш талаб этилади (масалан, тамбур (пешайвон) эшиклари);

A_3 - хонадан чиқиш учун биринчи эшикларнинг йиғинди майдони, бунда йиғинди майдони $\Sigma A'_3$ ва $\Sigma A''_3$, бўлмаган иккинчи ва учунчи эшикларни ташқарига очиш талаб этилади;

K_1 , K_2 - кетма-кет жойлашган эшиклар эквивалент майдонини аниқлаш учун коэффицентлар, улар қуйидаги формулалар билан аниқланади:

$$K_1 = \left(1 + \frac{1}{n^2}\right)^{-0,5}; \quad (7)$$

$$K_2 = \left(1 + \frac{1}{n_1^2} + \frac{1}{m^2}\right)^{-0,5}; \quad (8)$$

бу ерда

$$n = \Sigma A'_2 / \Sigma A_2 ; n_1 = \Sigma A'_3 / \Sigma A_3 ; m = \Sigma A''_3 / \Sigma A_3 \quad (9)$$

K_3 - одамларни хонадан эвакуация қилиш вақтида эшикларни очишнинг нисбий давомлилик коэффициент куйидаги формулалардан аниқланади:
бир қаватли эшиклар учун

$$K_3 = 0,03 N \leq 1; \quad (10)$$

икки қаватли эшиклар учун ёки тамбур-шлюзлар орқали чиқишда

$$K_3 = 0,05 N \leq 1; \quad (11)$$

бу ерда:

N - ҳар бир эшик орқали хонадан чиқадиган кишиларнинг ўртача сони;

K_3 - ни куйидагича қабул қилиш лозим: хонада битта эшик бўлса - камида 0,8; иккита эшик бўлса - 0,7; учта эшик бўлса - 0,6; тўртта эшик бўлса - 0,5 ва бешта ва ундан ортиқ эшиклар бўлганда - 0,4.

Хонадан эвакуация чиқишлари эшикларининг эквивалент майдони ΣA_d жой учун шамолнинг ҳисобий тезлиги билан аниқланади:


а) 1 м/с кам - барча чиқишлар учун умумий;

б) 1 м/с дан ортиқ - фасад томонидан эшикдан чиқиш учун алоҳида (энг катта эквивалент майдон, қайсиқи, худди шамолга қараган фасадга чиқишлар майдонидек қурилади) ва бошқа барча чиқишлар учун умумий.

21 - сон ИЛОВА

Мажбурий

КИЧИК ҚУВВАТЛИ МАНБАДАН ЧИҚУВЧИ ОҚИМДАГИ ЗАРАРЛИ МОДДАЛАРНИНГ КОНЦЕНТРАЦИЯСИНИ КАМАЙТИРИШНИ ТАВСИФЛОВЧИ “К” КОЭФФИЦИЕНТИНИНГ ҚИЙМАТИ



а) Қабул қилувчи қурилма орқали ташқи ҳавонинг сўрилиши зонаси устидаги манбанинг вазияти (манба қувурининг баландлиги $H=2h_1+h$);

б) Ушбу каби, бино томи устида (манба қувурининг баландлиги $H = h$);

h - оқимнинг 9горизонтал) ясси ўқининг вертикал бўйича масофаси, м;

h_1 - ташқи ҳавони қабул қилиш учун туйнук баландлиги, м;

L - ташқи ҳаво учун қабул қилиш қурилмаси ва манба оғзи ўртасидаги масофа, м;

I - K ни аниқлаш учун кўрсатгич эгри чизик, агар манба ва қабул қилувчи қурилма аэродинамик соя хонасидан ташқарида жойлашса;

II - K ни аниқлаш учун кўрсатгич эгри чизик, агар манба аэродинамик соя зонасида, қабул қилувчи қурилма-соядан ташқарида жойлашса;

III - K ни аниқлаш кўрсатгич эгри чизик, агар манба ва қабул қилувчи қурилма аэродинамик соя зонасида жойлашса.

22*-сон ИЛОВА

АТАМАЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАЪРИФЛАРИ

ВЕНТИЛЯЦИЯ – хонадан зарарли ва бошқа моддалар, ошиқча иссиқлик ва намликка эга бўлган ҳавони ташкилий чиқазиб юбориш ва хонанинг хизмат кўрсатилувчи ёки ишчи зонасига ташқи ҳавони керак бўлган миқдорда ташкилий киритишдир.

ХОНАНИНГ ЮҚОРИ ЗОНАСИ - хизмат ёки иш зонасидан юқорида жойлашган хона зонаси.

ПОРТЛАШГА ХАВФЛИ АРАЛАШМА - ўт олганда ёниш бутун ёнмаган аралашма ҳажмига тарқаладиган ва 5 кПа дан ортиқроқ портлаш босими ҳосил бўладиган ёнадиган газлар, буғлар, чанглар, аэрозоллар ёки толаларнинг нормал атмосфера шароитларидаги (босим 760 мм. см. уст. ва ҳарорат 20°C) ҳаво билан аралашмаси. Технологик жараёнлардаги ажралиб чиқадиган моддаларнинг портлашга хавфлилигини лойиҳалаш топшириғига биноан қабул қилиш лозим.

ҲАВОЛИ ЗАНЖИР-ТУТУН - (ёниш маҳсулотлари) нинг ҳаракат йўналишини 180° га ўзгартирадиган ва енфин вақтида тутунни пастда жойлашган қаватлардан юқори қаватларга ўтишига тўсқинлик қиладиган, тик ҳаво қувурининг қисми.

ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГЕТИК РЕСУРС – табиий тугалмас энергия манбалари – қуёш, геотермаль сув, шамол ва бошқа энергетик потенциаллар.

ЗАРАРЛИ МОДДАЛАР - санэпидем-назорат органлари томонидан чегаравий рухсат этилган концентрацияси (ЧРК) ўрнатилган зарарли моддалар.

ИККИЛАМЧИ ЭНЕРГЕТИК РЕСУРС – қайта тикланмайдиган энергия ташувчининг ёки асосий жараёнда фойдаланилмайдиган, бироқ бошқа мақсадларда ишлатиш мумкин бўлган ишлаб чиқариш маҳсулотлари ва чиқиндиларининг энергетик потенциаллари.

ИССИҚЛИК ШИНАМЛИГИНИНГ ЧЕГАРАВИЙ ПАРАМЕТРЛАРИ - иссиқлик шинамсизлик (дискомфорт) аломатлари пайдо бўлишининг хонадаги чегаравий метеорологик шароитлари.

ДИСБАЛАНС - сунъий ундашли вентиляция, ҳавони кондициялаш ва ҳаво

билан иситиш тизимлари орқали хонага (бинога) бериладиган ва ундан чиқариб юбориладиган ҳаво сарфларининг фарқи.

РУХСАТ ЭТИЛГАН ПАРАМЕТРЛАР - уларнинг доирасида одам организмнинг физиологик мослашиш имкониятларини бузмаган ҳолда иссиқлик шинамсизлик (дискомфорт) аломатлари кузатилиши мумкин бўлган ва уларнинг доирасидан ташқарида организм терморегуляцияси бузилиши мумкин бўлган, хонадаги метеорологик шароитлар.

ТУТУН КЛАПАНИ - ёнғин вақтида очиладиган, ўтга чидамлилиқ чегараси меъёрланган клапан.

ТУТУННИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚУРИЛМАСИ - ёнғин вақтида очиладиган ва унда ёки ҳаво қувурида тутун клапани ўрнатилган ҳаво қувуридаги (каналдаги, шахтадаги) тешиқ.

ТУТУН ЗОНАСИ - ёнғиннинг бошланғич даврида ёнаётган хонадан одамлар эвакуациясини таъминлайдиган сарфи билан тутун аралашмаси чиқариб юбориладиган, умумий майдони 1600 м² дан ошмаган, хонанинг қисми.

НАФАС ОЛИШ ЗОНАСИ - ишлаётган кишининг юзидан 0,5 м радиусдаги фазо.

ҲИМОЯЛАНДИГАН ХОНА - кўшни хоналарга нисбатан пастроқ ёки юқорироқ ҳаво босими яратиб бериладиган ёки кириш вақтида ҳаво оқиб ўтишининг олдини олиш учун тамбур-шлюзи бўлган хона,

ОШКОРА ИССИҚЛИКНИНГ ОРТИҚЛИГИ - ташқи ҳавонинг ҳисобий параметрларидаги (куёш радиацияси, жиҳозлар ва қувурлардан иссиқлик киришини камайтириш технологик ва қурилиш чоралари амалга оширилгандан сўнг) хонага кирадиган ва ундан чиқадиган иссиқлик оқимларининг фарқи.

КВАРТИРАЛИ ИСИТИШ ТИЗИМИ шахсий уй ёки битта квартирага хизмат кўрсатадиган тизим.

КОЛЛЕКТОР - икки ва ундан ортиқ қаватлар сонидан ҳаво қувурлари уланадиган ҳаво қувурининг қисми.

ҲАВОНИ КОНДИЦИЯЛАШ – хоналарда одамларни ўзини яхши ҳис этиш ёки технологик талабларга зарур бўлган температурани нисбий намликни, ҳавонинг тозалиги ва ҳарорат тезлигини ёки юқорида санаб ўтилган параметрлардан бирнечтасини оқилона (йилнинг иссиқ мавсумида эса йўл қўйиладиган), даражада ушлаб туриш.

ТАБИИЙ ЁРИТИШГА ЭГА БЎЛМАГАН КОРИДОР - ташқи тўсиқларда ёритиш ўймаларига эга бўлмаган коридор.

БИЛВОСИТА БУҒЛАТИБ СОВУТИШ - бевосита буғлатиб совутилган сув билан сиртли иссиқлик алмалштиргичларида ҳавони совутиш.

ОМБОРХОНА - доимий иш жойлари бўлмаган омбор.

МАҲАЛЛИЙ СЎРМА - одатда технологик жиҳозларнинг таркибий қисми бўлиб, маҳаллий сўрмалар тизимларининг ҳаво қувурларига зарарли ва портлашга хавфли бўлган газлар, чанглар, аэрозоллар ва буғларни пайдо бўлиш жойларида (станок, аппарат, ванна, ишчи столи, камера, шкаф ва шу кабилар) тутиш учун (зонт, бортли сўрма, сўрма шкаф, қоплама-ҳаво қабул қилгич ва ш.к.) уланган мослама.

КИШИЛАРНИНГ ХОНАДА ДОИМИЙ БЎЛИШ ЖОЙ - кишиларнинг

узлуксиз 2 соатдан ортиқ бўладиган жойи.

КЎП ҚАВАТЛИ БИНО - 2 ва ундан ортиқ қаватли бино.

ТАЪМИНЛАНМАГАНЛИК - меъёрланадиган параметрларнинг хона ичида бузилишининг соатлик давомлилиги.

ДОИМИЙ БЎЛМАГАН ИШ ЖОЙИ - кишиларни сменада узлуксиз 2 соатдан кам ёки иш вақтининг 50% дан кам ишлайдиган жойи.

МЕЪЁРЛАНДИГАН ПАРАМЕТРЛАР - иситиш ва вентиляцияни лойиҳалаш чоғида хонанинг вазифасига кўра амалдаги меъёрий хужжатлар бўйича қабул қилинадиган хона ичидаги метеорологик шароитлар, Одатда, йилнинг совуқ даври учун иссиқлик шинамлигининг пастки чегарасига ва йилнинг иссиқ даври учун рухсат этилган меъёрларига мосдир.

ХИЗМАТ ҚЎРСАТИШ ЗОНАСИ - кишилар доимо бўладиган, турган ёки юриб турган, хоналарда баландлиги 2 м бўлган ва кишилар ўтирганда 1,5 м бўлган фазо.

ЎТГА ЧИДАМЛИ ҲАВО ҚУВУРИ - деворлари меъёрланадиган ўтга чидамлилиқ чегарасига эга бўлган зич ҳаво қувури.

ОПТИМАЛ ПАРАМЕТРЛАР - организмнинг терморегуляция реакцияларини зўриқишсиз иссиқлик шинамлигини сезишини таъминловчи хонадаги метеорологик шароитлар.

ИСИТИШ – йилининг иситиш мавсумида хонанинг талабдаги ички ҳаво ҳароратини ушлаб туриш мақсадида ташкилий иситиш.

ТИСЛАМА - печнинг ёки мўрининг ташқи юзасидан ёниб кетишдан ҳимояланмаган ёки ҳимояланган, ёнувчи ёки қийин ёнувчи ашёлардан қилинган девор ёки пардеворларгача бўлган масофа.

СОВУТИШ – хонадан иссиқликни хонага ўрнатилинган рециркуляцион ҳавосовутувчилар ёрдамида бартараф этиш. Совутиш кондициялашнинг биртури ҳисобланади.

ЁНҒИНГА ҲАВФЛИ АРАЛАШМА - ёнганда 5 кПа дан ошмайдиган босим ҳосил бўладиган ёнувчи газлар, буғлар, чанглар, ҳаво билан толалар аралашмалари. Аралашмаларининг ёнғинга ҳавфлилиги лойиҳалаш топшириғида кўрсатилиши шарт.

ДОИМИЙ ИШ ЖОЙИ - кишилар узлуксиз 2 соатдан ортиқ ёки иш вақтининг 50% дан ортиқ ишлайдиган жой.

КИШИЛАР ОММАВИЙ БЎЛАДИГАН ХОНА - майдони 50 м² ва ундан ортиқ бўлган, ҳар 1 м² га сони 1 кишидан ортиқ доимий ёки вақтинча (авария ҳолатларидан ташқари) бўладиган хона (театр ва кинотеатр заллари, фойелар, мажлислар, кенгашлар маърузалар заллари, аудиториялар, ресторанлар, вестибюллар, касса заллари, ишлаб чиқариш ва бошқа).

ТАБИЙ ШАМОЛЛАТИШИ БЎЛМАГАН ХОНА - ташқи деворларида очиладиган дераза ёки ўймалари бўлмаган ёки очиладиган деразалари (ўймалари) хона баландлигидан беш маротабадан ортиқ масофада жойлашган хона.

ЗАРАРЛИ МОДДАЛАР АЖРАЛИШИГА ЭГА БЎЛМАГАН ХОНА - иш зонаси ҳавосига ЧРК дан ортиқроқ концентрацияларни ҳосил қилмайдиган (смена давомида) миқдорларда технологик ва бошқа жиҳозлардан ҳавога қисман

зарарли моддалар ажраладиган хона.

ТАБИЙ ЁРИТИШГА ЭГА БЎЛМАГАН ХОНА - ташқи тўсиқларда ёруғлик ўймалари ёки деразалари бўлмаган хона.

БЕВОСИТА БУҒЛАТИБ СОВУТИШ - рециркуляцияланадиган сув билан ҳавони совутиш.

ИШ ЗОНАСИ - иш туриб бажарилганда 2 м ёки иш ўтириб бажарилганда 1,5 м баландликдаги иш майдони ёки пол сатҳи устидаги фазо.

АЖРАТМА - печ ёки тутун канали (кувури) деворининг ёнувчи ёки кийин ёнувчи ашёдан бажарилган бино конструкцияси билан туташган жойини қалинлашган бўлаги.

ТУТУН РЕЗЕРВУАРЛАРИ - полдан 2,5 м ва ундан ортиқ сатҳгача шипдан (ёпмадан) тушаётган ёнмайдиган пардалар билан периметр бўйича тўсилган тутун зонаси.

ВЕНТИЛЯЦИЯНИНГ РЕЗЕРВ ТИЗИМИ (резерв вентилятор) - асосий тизимлардан бири ишдан чиққанда автоматик равишда ишга тушириш учун асосий тизимларга қўшимча кўзда тутилган тизим (вентилятор).

ҲАВО РЕЦИРКУЛЯЦИЯСИ - хона ҳавосини ташқи ҳавога қўшиш ва шу аралашмани ўша ёки бошқа хоналарга узатиш; битта хона доирасида ҳавонинг аралашishi, шу жумладан, иситиш агрегатлари (асбоблари) ёки вентилятор-елпиғичлар билан иситиш (совутиш) рециркуляцияга кирмайди.

ТЕРМА ҲАВО ҚУВУРИ - бир қаватда ўтказилган ҳаво қувурлари уланган ҳаво қувурининг қисми.

СЕКЦИЯЛИ ИСИТИШ ТИЗИМИ - турар жой биносининг қисмига, блок-секциясига, бир ёки бир неча подъездларига хизмат қиладиган тизим.

МАҲАЛЛИЙ СУРМАЛАР ТИЗИМИ - ҳаво қувурларига маҳаллий сўрмалар уланган маҳаллий сўрма вентиляция тизими.

ИССИКЛИК СИҒИМЛИ ПЕЧ - суткасига ёқилиши икки мартадан ортиқ бўлмаган ҳолда хонадаги ҳавонинг меъерланадиган ҳароратини таъминлаб берувчи печ.

ЙИЛНИНГ ИССИҚ МАВСУМИ – ташқи ҳавонинг ўртача суткалик температураси 10 °С дан кўпроқ бўлган мавсум.

ТРАНЗИТ ҲАВО ҚУВУРИ - хизмат қилинадиган хона ёки бир гуруҳ хоналар ташқарисида ўтказиладиган ҳаво қувурининг қисми.

ЙИЛНИНГ СОВУҚ МАВСУМИ – ташқи ҳавонинг ўртача суткалик температураси 10 °С ва ундан камроқ бўлган мавсум.

ОШҚОРА ИССИҚЛИК - хонанинг ҳаво ҳароратига таъсир кўрсатадиган ускуналар, кишилар ва бошқа манбалардан иссиқлик ажралиши.

23*-сон ИЛОВА

**ЛОЙИҲАЛАНГАН БИНОНИНГ ИССИҚЛИК ЭНЕРГЕТИК
ПАРАМЕТРЛАРИ ВА КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ҲИСОБИЙ
ҚИЙМАТЛАРИ ЖАДВАЛИ**

№ п/п	Ҳисобий параметр ва кўрсаткичнинг номи	Белгила-ниши	Ўлчов бирлиги	Ҳисобий қиймат
-------	--	--------------	---------------	----------------

1	Ички ҳаво ҳароратининг ҳисобий қиймати	t_p	°C	
2	Ташқи ҳаво ҳароратининг ҳисобий қиймати	t_{ext}	°C	
3	Бинонинг умумий майдони	A	м ²	
4	Бинонинг тўсиқ конструкцияларидан иссиқликнинг ҳисобий йўқотилиши (асосий плюс қўшимча)	Q_{sh}	Вт	
5	Температураси + 5 °C дан паст бўлган хоналарга ётқизилган кирувчи ва қайтувчи қувурўтказгичлардан иссиқликнинг ҳисобий йўқотилиши	Q_2	Вт	
6	Бинога киритилувчи буюм ва ашёларни иситишга кетадиган иссиқликнинг ҳисобий сарфи	Q_{mh}	Вт	
7	Иситиш мавсумида бинога мунтазам кирувчи ҳисобий иссиқлик оқими	Q_{mc}	Вт	
8	Иситиш мавсумида инфилтрацияланувчи ташқи ҳавонинг ҳисобий сарфи	$L_{и}$	м ³ /ч	
9	Инфилтрацияланувчи ташқи ҳавонинг иситишга кетадиган ҳисобий иссиқлик оқими	$Q_{и}$	Вт	
10	Иситиш тизимининг ҳисобий иссиқлик оқими	Q_o	Вт	
11	Иситиш тизимининг ҳисобий температураси	t_1, t_2	°C	
12	Сунъий уйғотувчилик вентиляциянинг ишлашида бинога кирадиган ташқи ҳавонинг ҳисобий сарфи	L_{ext}	м ³ /ч	
13	Берилаётган ветиляцияли ҳавоиситувчи иссиқлик таъминоти тизимининг ҳисобий иссиқлик оқими	Q_v	Вт	
14	Ҳавоиситувчи иссиқлик таъминоти тизимининг ҳисобий температураси	t_{11}, t_{21}	°C	
15	Бинони умумий вентиляцияси ва иситишга кетадиган умумий ҳисобий иссиқлик сарфи	Q_{ov}	Вт	
16	Бинонинг иситиш ва вентиляциясига кетадиган солиштирма ҳисобий иссиқлик сарфи (бино умумий майдонинг 1м ² га)	q_{ov}	Вт/м ²	
17	Кондициялашга кетадиган совуқликнинг умумий ҳисобий сарфи	Q_k	Вт	
18	Бинони кондициялашга кетадиган совуқликнинг солиштирма ҳисобий сарфи (бино умумий майдонинг 1м ² га)	q_k	Вт/м ²	
19	Иситиш, вентиляция ва кондициялаш тизимлари электрқабулқилувчисининг умумий ўрнатилинган қуввати	N_y	кВт	
20	Иситиш, вентиляция ва кондициялаш тизимлари электрқабулқилувчисининг умумий ҳисобий юки	$N_{пот}$	кВт	

М У Н Д А Р И Ж А

		Бет
1.	УМУМИЙ ҲОЛАТЛАР.....	3
2.	ҲИСОБИЙ ШАРТЛАР.....	5
3.	ИСИТИШ.....	9
	Умумий ҳоллар.....	9
	Иситиш тизимлари.....	11
	Қувурлар.....	13
	Иситиш асбоблари ва арматура.....	17
	Печ ёрдамида иситиш.....	19
	Хонадонни иситиш.....	23
4.	ВЕНТИЛЯЦИЯ, КОНДИЦИЯЛАШ ВА ҲАВО БИЛАН ИСИТИШ.....	25
	Умумий ҳоллар.....	25
	Тизимлар.....	29
	Ташқи ҳавони қабул қилиш қурилмалари.....	33
	Чиқазилаётган ва берилаётган ҳавонинг сарфи.....	34
	Ҳаво алмашишини ташқил қилиш.....	35
	Авария вентиляцияси.....	38
	Ҳаво пардалари.....	39
	Жиҳозлар.....	39
	Жиҳозларни жойлаштириш.....	42
	Жиҳозлар учун хоналар.....	44
	Ҳаво қувурлари.....	46
5.	ЁНГИНДАГИ ТУТУНГА ҚАРШИ ҲИМОЯ.....	52
6.	СОВУҚЛИК ТАЪМИНОТИ.....	58
7.	ҲАВО ЧИҚИНДИЛАРИ.....	60
8.	ИККИЛАМЧИ ИССИҚЛИК ВА ҚАЙТА ТИКЛАНДИГАН ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ.....	64
9.	ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ВА АВТОМАТЛАШТИРИШ.....	65
10.	ҲАЖМИЙ - РЕЖАЛИ ВА КОНСТРУКТИВ ЕЧИМЛАР.....	69
11.	СУВ ТАЪМИНОТИ ВА КАНАЛИЗАЦИЯ.....	70
1 - сон Илова	Мажбурий. ТУРАР ЖОЙ, ЖАМОАТ ВА МАЪМУРИЙ МАИШИЙ ХОНАЛАРНИНГ ХИЗМАТ ЗОНАСИДА ҲАВОНИНГ ҲАРОРАТИНИ, НИСБИЙ НАМЛИГИНИ ВА ҲАРАКАТ ТЕЗЛИГИНИНГ РУХСАТ ЭТИЛГАН МЕЪЁРЛАРИ	71
2 - сон Илова	Мажбурий. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХОНАЛАРИНИНГ ДОИМИЙ ИШЧИ ЎРИНЛАРИДАГИ ҲАВОНИНГ ҲАРОРАТИ, НИСБИЙ НАМЛИГИ ВА ҲАРАКАТ ТЕЗЛИГИНИНГ ОПТИМАЛ ВА ИССИҚЛИК ШИНАМЛИГИ БЎЙИЧА ЧЕГАРАВИЙ, ШУНИНГДЕК, РУХСАТ ЭТИЛГАН МЕЪЁРЛАРИ.....	71
3 - сон Илова	Мажбурий. ҲАВО БИЛАН ДУШЛАНИШДАГИ ҲАВО ҲАРОРАТИНИНГ ВА ҲАРАКАТ ТЕЗЛИГИНИНГ ҲИСОБИЙ МЕЪЁРЛАРИ.....	73
4 - сон Илова	Тавсиявий. ИШЧИ ЗОНАСИДАГИ МЕЪЁРЛАНГАН ҲАВО ҲАРОРАТИГА ЭКВИВАЛЕНТ БЎЛГАН ХОНАДАГИ ҲАВО ҲАРОРАТИНИ ВА НУРЛАНИШЛИ ИСИТГИЧ (ЁКИ СОВУТГИЧ) СИРТНИНГ ҲАРОРАТИНИ ҲИСОБЛАШ УЧУН НОМОГРАММА.....	73
5 - сон Илова	Мажбурий. ТУРАР ЖОЙ, ЖАМОАТ ВА МАЪМУРИЙ- МАИШИЙ ХОНАЛАРНИНГ ХИЗМАТ ЗОНАСИДА ҲАВОНИНГ ҲАРОРАТИ НИСБИЙ НАМЛИГИ ВА ҲАРАКАТ ТЕЗЛИГИНИНГ ОПТИМАЛ ВА ИССИҚЛИК ШИНАМЛИГИ БЎЙИЧА ЧЕГАРАВИЙ, ШУНИНГДЕК РУХСАТ ЭТИЛГАН	74

	МЕЪЁРЛАРИ.....	
6 - сон Илова	Мажбурий. ҲАВО ҲАРАКАТИНИНГ МЕЪЁРЛАНГАН ТЕЗЛИГИДАН ҲАВО ОҚИМИДАГИ МАКСИМАЛ ТЕЗЛИГИГА ЎТИШ “К” КОЭФФИЦИЕНТЛАРИ.....	75
7 - сон Илова	Мажбурий. ИШЧИ ЁКИ ХИЗМАТ ҚЎРСАТИШ ЗОНАСИДА, БЕРИЛАДИГАН ОҚИМ ҲАРОРАТИНИ ҲАВОНИНГ МЕЪЁРЛАНГАН ҲАРОРАТИДАН РУХСАТ ЭТИЛГАН ОҒИШИ.....	75
8 - сон Илова	Мажбурий. ХОНАНИНГ ТЎСИҚ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ ОРҚАЛИ СИЗИБ ЎТУВЧИ ТАШҚИ ҲАВОНИНГ ИСИТИШГА ИССИҚ САРФИ.....	76
9* - сон Илова	Мажбурий. ХОНАЛАРНИНГ ТЎСИҚ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ ОРҚАЛИ ЎТАДИГАН ИССИҚЛИК САРФИ.....	78
10* - сон Илова	Мажбурий. ИСИТИШ ТИЗИМЛАРИ.....	80
11* - сон Илова	Мажбурий. СУВ БИЛАН ИСИТИШ ТИЗИМИДА ИССИҚЛИК ОҚИМИНИНГ ВА ИССИҚЛИК ТАШУВЧИСИ САРФИНИНГ ҲИСОБИ.....	82
12 - сон Илова	Мажбурий. ҚУВУРЛАРДАГИ СУВ ҲАРАКАТИНИНГ РУХСАТ ЭТИЛГАН ТЕЗЛИГИ.....	83
13 - сон Илова	Мажбурий. БИНОЛАРДА ПЕЧЛИ ИСИТИШНИ ҚЎЛЛАШ.....	84
14 - сон Илова	Мажбурий. ПЕЧЛАР ВА ТУТУН КАНАЛЛАРИНИ ТИСЛАМА ВА АЖРАТМА ҚИЛИШ ЎЛЧАМЛАРИ.....	84
15* - сон Илова	Мажбурий. ЧИҚАЗИЛАЁТГАН ВА БЕРИЛАЁТГАН ҲАВО САРФИНИНГ ҲИСОБИ.....	85
16 - сон Илова	Мажбурий. ЛАБОРАТОРИЯ ХОНАЛАРИНИНГ ВЕНТИЛЯЦИЯ ТИЗИМЛАРИ.....	88
17* - сон Илова	Мажбурий. ТАШҚИ ҲАВОНИНГ МИНИМАЛ САРФИ.....	89
18 - сон Илова	Мажбурий. ҲАВО ЙЎЛИ УЧУН БУЮМЛАР ВА АШЁЛАР.....	89
19 - сон Илова	Тавсиявий. МЕТАЛЛ ҲАВО ҚУВУРЛАР КЎНДАЛАНГ КЕСИМИНИНГ ТАШҚИ ЎЛЧАМЛАРИ ВА МЕТАЛЛНИНГ ҚАЛИНЛИГИГА ТАЛАБЛАР.....	90
20 - сон Илова	Тавсиявий. ЁНҒИН ВАҚТИДА ЧИҚАРИБ ЮБОРИЛАДИГАН ТУТУННИНГ САРФИ.....	90
21 - сон Илова	Мажбурий. КИЧИК ҚУВВАТЛИ МАНБАДАН ЧИҚУВЧИ ОҚИМДАГИ ЗАРАРЛИ МОДДАЛАРНИНГ КОНЦЕНТРАЦИЯСИНИ КАМАЙТИРИШНИ ТАВСИФЛОВЧИ “К” КОЭФФИЦИЕНТИНИНГ ҚИЙМАТИ.....	93
22* - сон Илова	Мажбурий. АТАМАЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАЪРИФЛАРИ.....	94
23* - сон Илова	Мажбурий. ЛОЙИҲАЛАНГАН БИНОНИНГ ИССИҚЛИК ЭНЕРГЕТИК ПАРАМЕТРЛАРИ ВА КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ҲИСОБИЙ ҚИЙМАТЛАРИ ЖАДВАЛИ.....	97

СТРОИТЕЛЬНЫЕ НОРМЫ И ПРАВИЛА

**ОТОПЛЕНИЕ, ВЕНТИЛЯЦИЯ
И КОНДИЦИОНИРОВАНИЕ**

КМК 2.04.05-97*

ИЗДАНИЕ ОФИЦИАЛЬНОЕ

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ КОМИТЕТ РЕСПУБЛИКИ
УЗБЕКИСТАН ПО АРХИТЕКТУРЕ И СТРОИТЕЛЬСТВУ
Ташкент 2011

УДК 69 - 696/697 (083.74)

КМК 2.04.05-97*. Отопление, вентиляция и кондиционирование / Госкомархитектстрой РУз – Ташкент, ИВЦ АҚАТМ, 2011 г.-212 с.

КМК 2.04.05-97* является переизданием КМК 2.04.05-97 с учётом утверждённых изменений.

КМК 2.04.05-97. Отопление, вентиляция и кондиционирование. /Госкомархитектстрой РУз, Ташкент, 1997 г.

РАЗРАБОТАНЫ: АО УзЛИТТИ (к.т.н. В.П. Ильин - руководитель темы, к.т.н. А.М. Камиллов, к.т.н. Е.А. Насонов, инженеры А.А. Ерзин, Р.Р. Кадыров), АО Узтяжпром (Л.П. Ложечкин - руководитель раздела темы, инженеры Л.Б. Ярославский, В.Н. Богатова), УПО МВД РУз (А.Х. Якубов, Р.А. Аблязис, М.Т. Иброхимов, А.А. Пугин), НИИСГПз МЗ РУз (чл. корр. АН РУз, д.м.н. Т.Н. Искандеров, к.м.н. м.Р. Кучкарова, к.м.н. Л.А. Бочкарева), ТАСИ (к.т.н. Ю.К. Рашидов, к.т.н. Д.З. Саидова, Т.М.Мамажонов).

При разработке КМК 2.04.05-97 использованы материалы СНиП 2.04.05-91.

ВНЕСЕНЫ: АО УзЛИТТИ

РЕДАКТОРЫ: Т.Н. Набиев, Ф.Ф. Бакирханов, В.Д. Сташис (Госкомархитектстрой), С.А. Ходжаев, Л.А. Мухамедшин, А.М. Камиллов (АО УзЛИТТИ).

ПОДГОТОВЛЕНЫ К УТВЕРЖДЕНИЮ Управлением проектных работ Госкомархитектстрою РУз (Д.А.Ахмедов).

С введением в действие КМК 2.04.05-97 "Отопление, вентиляция и кондиционирование" на территории Республики Узбекистан утрачивает силу СНиП 2.04.05-91 "Отопление, вентиляция и кондиционирование".

В тексте настоящего издания учтены Изменение № 1 КМК 2.04.05-97 (разработчики: к.т.н. Е.А.Насонов, Р.Р.Кадыров, А.В.Бубнов, к.т.н. Ю.К.Рашидов, Л.П.Ложечкин) утверждённое приказом Госархитектстрою РУз от 30.12.2004г., № 84, и Изменение № 2 КМК 2.04.05-97, разработанное ОАО «ToshujoyLITI» (разработчики: к.т.н. Е.А.Насонов, Р.Р.Кадыров, А.В.Бубнов) в целях повышения энергоэффективности строительных объектов, утверждённое приказом Госархитектстрою РУз от 12.07.2011г., № 46.

Государственный Комитет Республики Узбекистан по архитектуре и строительству (Госкомархитектстрой)	Строительные нормы и правила	КМК 2.04.05-97*
	Отопление, вентиляция и кондиционирование	Взамен КМК 2.04.05-97

Настоящие строительные нормы следует соблюдать при проектировании отопления, вентиляции и кондиционирования воздуха в помещениях зданий и сооружений (далее - "зданий").

При проектировании следует также соблюдать требования по отоплению, вентиляции и кондиционированию воздуха других нормативных документов, утвержденных и согласованных с Госкомархитектстроем Республики Узбекистан.

Настоящие нормы не распространяются на проектирование:

а) отопления, вентиляции и кондиционирования воздуха убежищ, сооружений, предназначенных для работ с радиоактивными веществами, источниками ионизирующих излучений, объектов подземных горных работ и помещений, в которых производятся, хранятся или применяются взрывчатые вещества;

б) специальных нагревающих, охлаждающих и обеспыливающих установок и устройств для технологического и электротехнического оборудования, систем пневмотранспорта и пылесосных установок;

в) печного отопления на газообразном и жидком топливе.

1. ОБЩИЕ ПОЛОЖЕНИЯ

1.1*. В проектах отопления, вентиляции и кондиционирования следует предусматривать технические решения, обеспечивающие:

а) нормируемые (допустимые, граничные или оптимальные по тепловому комфорту) метеорологические условия и чистоту воздуха в обслуживаемой зоне помещений жилых, общественных, а также административно-бытовых зданий предприятий (далее - "административно - бытовых зданий");

б) нормируемые (допустимые, граничные или оптимальные по тепловому комфорту или условиям технологии) метеорологические условия и чистоту воздуха в рабочей зоне производственных, лабораторных и складских (далее - "производственных") помещений в зданиях любого назначения;

* Переиздание с изменениями, принятыми на август 2011 г.

Внесены Акционерным обществом УзЛИТТИ	Утверждены Приказом Государственного комитета Республики Узбекистан по архитектуре и строительству от 11 сентября 1996 г. N 87	Срок введения в действие 1 января 1997 г.
